

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ




ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

“МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА ФАЛСАФА”  
кафедраси

**МИЛЛИЙ ҒОЯ:**  
**ЎЗБЕКИСТОННИ**  
**РИВОЖЛАНТИРИШ**  
**СТРАТЕГИЯСИ**

фанидан барча таълим йўналишлар талабалари учун

**МАЪРУЗА МАТНЛАРИ**



Гулистон-2018

*Мамлакатимизда қабул қилинган Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, биз ташқи сиёсат соҳасида барча узоқ ва яқин давлатлар, аввало, қўшни мамлакатлар, халқаро ташкилотлар билан дўстона ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини ҳар томонлама ривожлантириш сиёсатини изчил давом эттирамиз.*

*Ш.Мирзиёев*

“Миллий ғоя: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси” фанидан маъруза матнлари. - Гулистон: 2018. 80 бет.

Ушбу “Миллий ғоя: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси” фанидан маъруза матнлари барча таълим йўналишлар талабалари учун намунавий дастур асосида тузилган.

**Тузувчи:**

**доц. С.Исмоилов**

**Масъул муҳаррир:**

**доц. Р.Маҳмудов**

**Такризчи:**

**кат. ўқ. Б.Ғафуров**

#### МУНДАРИЖА:

1.	“Миллий ғоя: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси” фанининг предмети, мақсади ва вазифалари.	3
2.	Миллий ғоя ва мафкура ривожланишининг тарихий босқичлари.	12
3.	Миллий ғоянинг назарий концептуал асослари.	21
4.	Жамият мафкурасида миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги.	25
5.	Ғоялар хилма-хиллиги ва мафкуравий жараёнларнинг ижтимоий тараққиётга таъсири.	32
6.	Миллий ғоя - Ўзбекистон демократик тараққиётининг муҳим омили.	40
7.	Ўзбекистонни ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси - миллий тараққиёт асоси.	45
8.	Глобаллашув даврида ахборот макони ва ғоявий мафкуравий курашлар.	50
9.	Миллий ғояга дахлдорлик ҳисси - барқарор тараққиёт омили.	64
10.	Миллий ғоя тарғиботининг инновацион технологиялари.	73

# **1-мавзу: “МИЛЛИЙ ҒОЯ: ЎЗБЕКИСТОННИ РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯСИ” ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ, МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ.**

## **Режа:**

**1. Миллий ғояни ўрганишининг объектив зарурати, ғоя, мафкура ва стратегия тушунаolari.**

**2. “Миллий ғоя: ЎРС” фаннинг предмети, мақсади ва асосий вазифалари.**

**3. Фаннинг асосий тушунчалари ва принциплари.**

### **1**

Мустақиллик туфайли Ўзбекистон халқи ўзини миллий-маънавий янгилашида миллий истиқлол ғоясига таянишга алоҳида эътибор берди. Собиқ шўролар даврида амал қилиниб келинган, халқимизнинг миллий-маънавий руҳиятига тамомила зид бўлган «коммунистик ғоя» дан воз кечилди.

Инсониятнинг тарихий тараққиёти ва тажрибаси бирон-бир жамиятнинг эзгу ғоялар ва мафкурасиз ривожлана олмаслигини тасдиқламоқда. Ана шу эзгу ғоялар – мамлакатимизда демократик тамойилларга асосланган жамиятни барпо этишдан иборатдир.

Ҳар қандай фаннинг ўзига хос мавзулари, тушунчалари, қонун ва категориялари бўлади. Биз ўрганишга киришадиган фаннинг ҳам ўз предмети, қонун ва категориялари, мақсад ва вазифалари бор.

“Ғоя” ва “мафкура” тушунчалари, уларнинг халқлар ва давлатлар тақдирига таъсири, ҳозирги замондаги мафкуравий жараёнлар, миллий истиқлол ғоясининг мазмун-моҳияти, тушунчалари, шаклланиш қонуниятлари, намоён бўлиш хусусиятлари, уни халқимиз қалби ва онгига сингиш йўллари ва усуллари ушбу фаннинг предмети белгилайди. Унинг тушунча ва категориялари бир бутун, яхлит тизим шаклида намоён бўлади.

Миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойилларини фуқароларимиз қалби ва онгига сингдириш омиллари ва воситалари ҳам ана шу тизимнинг таркибий қисми бўлиб, фаннинг асосий тушунча ва категориялари қаторида ўрганилади.

Ғоя-идея-юнонча тушунча бўлиб, “фикр” демакдир. Идея тушунчасини фанга биринчи бўлиб Платон киритган. Идеология эса ғоялар ҳақидаги таълимотдир.

Мафкура-арабча тушунча бўлиб, “фикрламоқ”, “фикрлаш” деган маънони билдиради. Мафкура ёки идеология тушунчаси дастлаб француз марифатпарварлари Де-Трасе ва Д’аламберлар томонидан истефода этилган.

**Ғоя-энг кучли, таъсирчанг, залворли фикрдир.**

**Ғоя**-одамнинг ички дуннёсигача кириб бориб, уни ҳаракатга келтирувчи, мақсад сари етакловчи фикрдир.

**Ғоя**-эзгу ва ёвуз мақсадлар сари етаклайдиган фикрлар мажмуидир.

**Мафкура**-ижтимоий гуруҳнинг мақсадларини ўзида ифодалайдиган ғоялар тизими.

**Мафкура**-ғоялар ҳақидаги таълимотдир. Де-Трасе.

**Мафкура**-жамиятни, жамоани орзу-умидларини ўзида ифодалаган, ўша жамоани ишонтириб, сафарбар этувчи, узоқ ва яқин келажакка сафарбар этувчи ният, режа ва мақсадлардир.

Ана шу ҳаётий зарурат «Миллий ғоя: ЎРС» фан сифатида ўрганишни тақозо этади.

## 2

Миллий ғоя фанининг мақсади: Мамлакатимиз халқларини ғоявий қуроллантириш, улар онги ва қалбига миллий мафкуранинг бош ва асосий ғояларини сингдириш, халқимизда мафкуравий иммунитетни шакллантиришдан ва мустақилликни ғоявий мустаҳкамлашга хизмат қилишдан иборат.

Миллий ғоя фанининг вазифалари:

- ғоя ва мафкура тушинчаларининг моҳиятини очиб бериш,
- ғоя ва мафкура тушинчаларига таъриф ва талқинлар бериш,
- миллий мафкурамизнинг илдизларини ўрганиш,
- миллий мафкурамизнинг такомил босқичларини ўрганиш,
- Буюк мутафаккирларнинг бунёдкор ғояларини ўрганиш,
- миллий мафкурамизнинг бош ғоясини ўрганиш,
- миллий мафкурамизнинг асосий ғоялар тизимини ўрганиш,
- мафкуравий тарбияни ўрганиш,
- мафкуравий тарбия омил ва воситаларини ўрганиш ва бошқалар.

“Миллий ғоя: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси” курсининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

1. Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши арафасидаги ижтимоий-иқтисодий инқироз ҳолати, бу инқироз ҳолатидан чиқишда қўлланилган усул ва воситаларни таҳлил қилиш.

2. Мустақилликка эришишнинг машаққатли йўлини ва мустақиллик ўзбек халқига қандай ҳуқуқ ва имкониятлар берганлигини ёритиб бериш. Мустақиллик ўзбек халқи учун буюк кадрият эканлигини ёшлар онгига сингдириш ва шу орқали мустақилликни мустаҳкамлашга ёшларни сафарбар этиш.

3. Бугун жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилган ривожланишнинг ўзбек моделини ўзига хос хусусиятларини ёритиш ва шу орқали Ўзбекистонда олиб борилаётган давлат сиёсатининг мазмун

моҳиятини ёшлар онгига сингдириш. Уларда мамлакатимиз ривожланиш йўли ва олдимизга қўйилган мақсадларга ишонч эътиқодни тарбиялаш.

4. Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида устувор йўналишлар нималардан иборат эканлигини тушунтириш орқали келажакда буюк давлатни барпо этишга ёшларни сафарбар қилиш, стратегик мақсадларни амалга оширишда уларни уюштириш, маънавий руҳий жиҳатдан рағбатлантириш.

5. Ёшлар қалбида мустақиллик йилларида мамлакатимизда эришилган ютуқлардан фахрланиш, ғурурланишни шакллантириш. Ўзбекистон қандай ривожланиш имкониятларига эга эканлигини тушунтириш.

6. Мамлакатимиз тараққиётида тинчлик, хавфсизлик, ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашнинг шартлари нималардан иборат эканлигини тушунтириш, юрт тинчлигига ҳар бир фуқаронинг масъуллик туйғусини шакллантириш.

7. Ўзбекистон тараққиётида инсон омили асосий омил эканлигини, инсон омили мамлакатнинг ҳақиқий лакомативига айланишида кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг аҳамияти фақатгина замонавий билимларга эга бўлган мутахассис кадрлар тайёрлашга хизмат қилибгина қолмасдан, ёшларни маънавий етук шахслар қилиб, ватанпарварлик, тинчликпарварлик, ижтимоий ҳамжиҳатлик ғоялари руҳида тарбиялашга хизмат қилишини тарғиб қилиш.

8. Демократик тузум, эркин фуқаролик жамиятини барпо этишнинг ҳақиқий ҳаракатлантирувчи кучи бўлган эркин фуқарони тарбиялашга хизмат қилиш. Бу борада ёшларда демократик кадрларни, фуқаро эркинлиги ва жамият, давлат, келгуси авлод олдидаги масъуллиги туйғуларини шакллантириш.

9. Жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлик алоқалари қандай йўналишларга эга эканлиги, бунда Ўзбекистон манфаатлари нималардан иборат эканлигини ёшлар онгига сингдириш ва шу орқали миллий манфаатлар устуворлигини ижтимоий қўллаб қувватланишига эришиш.

Собиқ иттифоқ даврида ғоялар дунёси, унинг ўзига хос қонуниятлари, уларнинг жамият ва инсон ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини ўрганувчи алоҳида фан йўқ эди. Бунинг асосий сабабларини қуйидагича изоҳлаш мумкин.

1) собиқ марксча – ленинча мафкура мутлоқ ҳақиқат сифатида эътироф этилган,

2) ғоялар тўғрисидаги билимларни эгаллаш бу соҳанинг ўз қонуниятлари ва амал қилиш тамойиллари борлигини яққол кўрсатиб қўйган бўлар эди. Масалан, коммунизм (хаёлий жаннат) қуришни тарғиб қиладиган соҳта таълимотининг асл қиёфасини ошкор қилиб қўярди,

3) собиқ шўро даврида бу соҳадаги мутахассисларнинг онги ва дунёқарашини умуминсоний тамойиллар, қонун-қоидалар билан эмас, балки тоталитар мафкура ва мустабид тузумнинг мақсадлари йўлида шакллантиришга хизмат қиладиган баъзи «фан»лар ўйлаб топилди ва таълим тизимига киритилди. Масалан, «Буржуа фалсафасини танқид», «Хозирги замон ғарб социологиясини танқид» каби ўқув курслари ўқитиларди. «Илмий коммунизм», «Илмий атеизм», «Сиёсий иқтисод» бўйича дарс олиб бориш барча олий ўқув юртларини таркибий қисми эди.

Мустақилликка эришганимиздан кейин ахвол тубдан ўзгарди. Социология, культурология, политология каби фанлар таълим тизимининг таркибий қисмига айланди.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, биз ўрганишга киришаётган мазкур фан ўзининг категория, тушунча, қонуниятлари, вазифалари ва мақсадларига эга.

Миллий истиқлол ғоясининг объекти сифатида Ўзбекистоннинг ўзига хос табиий, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, миллий-маданий ривожланиш хусусиятларини, кадриятларини эътироф этиш мумкин. Шунингдек, фаннинг объектини Ўзбекистон танлаган тараққиёт йўли ва ижтимоий ривожланишнинг миллий-маънавий негизлари, умумбашарий тамойиллар ташкил этади. Негаки, Ўзбекистон халқининг ўзига хос шундай миллий-маданий мероси ва кадриятлари мавжудки, улар мамлакатда яшаётган ҳар бир фуқаро, оила, халқ ва миллат ҳаётининг барча жабхаларидан чуқур ўрин олган. Улар орқали шу халқ, миллатнинг «ўзлигини», «борлигини» бошқа халқлар ёки миллатлар ўхшашлиги (умумийлиги) ва фарқи (айримлиги)ни англаб олиш мумкин. Шу хусусиятлар сақлаб қолинса, Ўзбекистон ўзига хос ва мос тараққиёт йўлидан ривожланиш мумкин. Бунинг учун миллий ғоя жамият ҳаёти соҳалари билан ўзаро уйғунлашмоғи муҳим аҳамиятга эга.

Ана шундай ишонч, эътиқод, миллий ғурур, ўзлигини намоён этиш ва кадрлаш туйғулари миллий истиқлол ғоясини халқнинг ишонч ва эътиқодига айланганлигини кўрсатувчи муҳим мезондир.

Миллий истиқлол ғоясининг мақсад ва вазифалари умуминсоний кадриятлар устуворлиги тамойилига тўла-тўқис мос келиши, демократик эркинликлар ва инсон ҳуқуқларини сақлашга доир халқаро андозаларга ҳамоҳанглиги билан ҳам инсоният тарихидаги кўпгина миллий ғоялардан фарқ қилади.

Миллий истиқлол ғояси фуқароларни ғоявий жихатдан тарбиялайди. ғоя билан ғоянинг, фикр билан фикрнинг, жаҳолатдан маърифатни фарқини англашга, маърифатга ишонч ва эътиқодни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Миллий истиқлол ғояси хеч қачон кишиларнинг онги ва дунёқарашини бошқаришни, уларни яна аллақандай «қолипга», «ягона андозага» солишга қаратилган эмас.

У фикрлар, ғоялар хилма-хиллигига асосланади. Миллий истиқлол ғояси эркин фикрни уйғотиш ва фикр эркинлигини кафолатлаб бериш, ўзгалар фикрини тинглаш, эшитиш ва айтишга имконият яратади. Демак, миллий истиқлол ғояси «хукмрон ғоя»га интилишдан мутлақо бегона бўлганлиги билан ҳам бошқа носоғлом ғоялардан фарқ қилади.

Миллий истиқлол ғояси воқеа-ходисаларни билиш, тахлил этиш, уларга баҳо беришга имконият яратиб, бир қатор илмий, тарбиявий ва амалий вазифаларни ҳам бажаради. Улардан:

1) одамларимизда мустақил дунёқараш ва эркин фикрларини шакллантиради;

2) миллий тотувлик, хамжихатликни энг катта ғоялардан хисобланиши, носоғлом, махаллийчилик, уруғ-аймоқчилик деб аталадиган иллатлардан холи;

3) ёш авлоднинг дунёқарашига янгича маъно ва мазмун баҳш этиш орқали унда фаол ҳаётий позицияни, миллий ғояга ишонч ва эътиқодни шакллантириш;

4) жамиятда соғлом ижтимоий муҳитни яратиш, кишилар онгига Ватан тақдирини учун масъуллик, ягона Ватан туйғусини мустаҳкамлаш.

5) истибдод даври асоратларини бартараф этишда кўмаклашади. Демак, янгича фикрлайдиган, мутелик туйғусидан холи бўлган авлодни тарбиялайди.

### 3

Миллий истиқлол ғояси муайян тушунчаларга асосланади. Улар турли хил бўлиб, жамиятда шаклланган ва мавжуд бўлган фикрлар хилма-хиллиги билан кишиларнинг ўзаро ижтимоий муносабатлари асосида амалий хатти-ҳаракати орқали намоён бўлади.

«Ғоя», «ғоявий тамойиллар», «ғоявий тарбия», «мафкура», «мафкуравий тизим», «мафкуравий полигон», «мафкуравий иммунитет» ва бошқалар анна шу фан ўрганадиган тушунча ва категориялар сирасига киради.

Ғоялар тўғрисидаги билимларга инсоният тарихининг энг қадимий даврларидан бошлаб катта эътибор берилган. Бу атаманинг мазмун-моҳияти Ғарб мамлакатларида «идея» тушунчаси орқали ифодаланади. «Идея» грек тизимидаги «idea» сўзидан олинган бўлиб, қадимда у «образ», «ташқи кўриниш» деган маъноларни англатар эди. Лекин бу тушунчанинг мазмун-моҳияти тараққиёт давомида ўзгариб борган ва хилма-хил маънода ишлатилган.

Масалан, Платон «Ғоялар дунёси ва соялар дунёси» тўғрисидаги таълимотида, ғояларни дунёнинг яратувчиси деб талқин этади. Демокрит эса олам таркибидаги энг майда ва бўлинмас зарра-атомларни идеялар деб атаган, Гегель фикрича эса идея – барча нарсаларнинг ижодкори, дунёга келтирувчиси ва асосий моҳиятидир.

Кейинчалик «ғоя» ва «мафкура» тушунчаларининг мазмуни ва кўлами кенгайиб борган. Катта-катта худудларда яшайдиган халқларни бирлаштирадиган ғоя ва мафкуралар пайдо бўлган.

“Миллий ғоя: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси” курсида Ўзбекистоннинг ривожланиш йўли, унинг асосий ғоялари, назарияси ва концепциялари ўрганилади. Ушбу курснинг предметини ўзбек халқининг мустақиллик шароитидаги тараққиёти ва юксалиши жараёни, яъни,, мустақилликка эришиш ва мустақилликни мустаҳкамлаш, ривожланишнинг ўзбек модели, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ривожланиш стратегиялари ташкил этади. Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш мафкуравий жиҳатдан асосланиб, тайёрланаётган кадрлар ғоявий курольантирилади, мамлакат келажак тараққиётига ишонч эътиқоди тарбияланади.

Шу ўринда савол туғилади: - стратегия нима? - ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегияси, деганда нимани тушуниш керак?

“Стратегия” сўзи юнон тилидан олинган бўлиб кўмондонлик саънати деб таржима қилинади. У дастлаб ҳарбий тушунча сифатида ишлатилган, кейинчалик бошқа соҳаларни ҳам бошқаришда узоқ муддатга мўлжалланган режа, асосий мақсад ва унга олиб борадиган дастур маъноларида ишлатилиб келинган. Шунинг учун узоқни кўзлаб режалар тузувчи ва уни моҳирона амалга оширувчи сиёсатчилар стратег, деб аталади. Стратегиянинг давлат стратегияси, ҳарбий стратегия, иқтисодий стратегия, ижтимоий стратегия ва бошқа кўринишлари бор.

Аслида, давлат стратегияси маълум бир тарихий ривожланиш босқичида бирор ижтимоий қатламнинг мамлакат ривожланиш йўлини белгилашидир.

Давлатнинг стратегик вазифаларига жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар фаолиятини белгилаш ва шахсий ташаббус ривожини учун шароит яратиш, хавфсизликни таъминлаш, ҳар кимга ҳуқуқий эркинлик ва мулкка эгаллик қилишни таъминлаш, жамиятда ахлоқий қарашларни ривожлантириш ва бошқалар кирди.

Агар давлат стратегияси халқларни ривожланишга, фаровонликка олиб келса, у миллий стратегия дейилади, акс ҳолда, аксилмиллий характерга эга бўлади.

“Миллий ғоя: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси” курсининг асосий қонуниятлари мавжуд бўлиб, улар Ўзбекистоннинг стратегик



мақсад ва манфаатлари, тараққий қилиши ва ривожланган мамлакатлар даражасига эришиш жараёнлари билан боғлиқ. Жумладан, уларда миллий манфаатларнинг устуворлиги, ҳар бир мамлакатнинг миллий тараққиёт ғоясида умумхалқ манфаатлари мужассам бўлиш зарурияти, тараққиётнинг стратегик йўналиши миллий заминларга асосланиши, миллий тараққиётда жаҳон мамлакатлари ва уларнинг халқлари эришган ютуқлар тажрибаларидан фойдаланиш, тараққиётнинг стратегик вазифаларини белгилаш, амалга оширишда миллий ва умуминсоний кадриятларга амал қилиш, миллатлараро тотувлик, сиёсий барқарорликка эришиш, мамлакатда яшовчи барча миллатлар ва элатлар тараққиёти учун тенг имкониятларни юзага келтириш, тинчлик ва демократия тамойилига амал қилиш ва бошқа бир қатор қонуниятлардир. Улар миллий ривожланиш ғоясининг амалга ошиши учун зарур бўлган қонуниятлардир. Уларга амал қилмаслик эса, мамлакат ва унинг халқи белгилаган мақсад ва манфаатларининг самарасиз яқунланишига олиб келади.

Миллий истиқлол ғояси билан боғлиқ тушунчаларнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у, асосан, Ўзбекистон халқининг ижтимоий ҳаёт соҳалари ривожини билан, унинг миллий-маданий мероси, урф-одатлари, кадриятлари, тили, маданияти, тарихи, фалсафаси, диний руҳияти билан узвий боғлиқ.

Миллий истиқлол ғояси миллийликни, миллий ривожланишнинг хусусиятларини эътироф этади ва унга ҳурмат билан қарайди.

Миллий истиқлол ғояси «синфийлик», «партиявийлик» тамойилларига асосланмайди. Бошқа мамлакат халқларининг ҳаётига ўз ғояларини сингдиришга даъво қилмайди. Бу билан у «коммунистик ғоядан» тубдан фарқ қилади.

Миллий истиқлол ғояси ўрганишни тақазо этадиган умумий ва ўзига хос қонуниятлар мавжуд. Улар қуйидагилар:

1. жамият мафкурасиз, мақсадсиз яшай олмайди, демак, мафкура ҳар қандай жамият ҳаётида зарур. Мафкура бўлмаса, одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотиши муқаррар.

2. қаердаки ғоявий бўшлиқ вужудга келса, ўша ерда бегона ғоялар учун шароит яратилади. Буни исботи учун тарихда мисоллар кўп.

Миллий истиқлол ғоясининг намоён бўлиш қонунлари ҳам мавжуд.

Булар:

- турли халқлар, турли жамиятлар мавжуд. Уларнинг мақсадлари ҳам, ривожланиш йўллари ҳам турли хил, яъни ривожланишнинг, ижтимоий тараққиётнинг хилма-хиллиги қонуни орқали намоён бўлади;

- дунёнинг мафкуравий манзараси турли хил мақсадлар, турли-хил манфаатлар, қарашлар билан боғлиқ ҳолда намоён бўлган ва бўлиб қолмоқда. Бу эзгу ғоялар билан бирга ёвуз ғояларнинг ҳам

яшовчанлигини, «дунёда мафкура соҳасида курашнинг» давом этиб келаётганлигининг асосида ётган ўзига хос жиҳатидир.

- глобаллашув жараёнининг миллий ғояга таъсир этиши ҳам ўзига хос умумий қонуниятдир. Бу жараён турли мамлакатлар, халқлар ҳаётида уларнинг бир-бирига боғлиқлигини, ўзаро таъсирини оширади, маънавий, ғоявий ҳаётида акс этмасдан қолмайди.

Миллий истиқлол ғоясининг принциплари мавжуд ва улар бир-бири билан узвий боғлиқдир.

Улар ўз навбатида миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги талабларига мос келиши билан узвий боғлиқ. *Аниқроғи:*

а) Миллий истиқлол ғояси инсонпарварлик, инсон қадр-қиммати, шаъни ва ор-номуси, ҳақ-ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини устуворлиги принципига таянади. Унда инсоннинг ҳаёти олий қадриятдир.

б) Миллий қадриятларга содиқлик – миллий ғоянинг таянч негизларидан биридир. Бу принцип Ўзбекистон ҳудудида истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаронинг ўз миллий қадриятларини асраб-авайлаш, келажак авлодларга етказиш учун тўла имкониятлар яратилишини ифодалайди. Ўтмишдан қолган буюк маданий бойликларимиз, мумтоз қадриятларни ҳурмат қилиш, уларни ижодий жиҳатдан ўрганиш – бу принципнинг асосий жиҳатидир.

Миллий истиқлол ғоясини инсонлар онгига сингдиришда Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш лозим, улар:

1. Аҳолининг миллий-турмуш ва тафаккур тарзи, халқ анъаналари ва урф-одатлари. (жамоа турмуш тарзи - коллективчилик) оиланинг ўрни, Ватанга муҳаббат, ислом динига эътиқод, маънавий қадриятлар.

2. Республикамиздаги ўзига хос демографик вазият. (табиий ўсиш, аҳолининг 60% кўпроғи болалар, ўсмирлар, 25 ёшгача бўлган йигит-қизлар, аҳолини ярмидан кўпроғи қишлоқ жойда яшайди).

3. Аҳоли миллий таркибининг ўзига хослигидир. (этник таркибида туб аҳоли устун мавқени эгаллайди ва юздан зиёд миллат вакиллари яшайди).

4. Кейинги ўн йиллар мобайнида маълум қадриятларга эга бўлган кишиларнинг муайян ижтимоий онги шаклланганлиги. (таълимга инитилиш, бошқа томондан тайёрга - айёрлик руҳияти юзага келгани кузатилади).

5. Оила – жамиятнинг негизи. Оила турмуш ва виждон қонунлари асосида қурилади, ўзининг кўп асрлик таянчларига эга.

Оилада демократик негизларга асос солинади, одамларнинг талаб-эҳтиёжлари ва қадриятлари шаклланади. Ўзбекларнинг аксарияти ўзининг шахсий фаровонлиги эмас, балки оиласининг, қариндош-уруғлар ва яқин

одамларининг, қўшнилариининг омон-эсонлиги тўғрисида ғамхўрлик қилишни биринчи ўринга қўяди.

Миллий истиқлол ғоясининг ахамияти катта.

Миллий истиқлол ғоясини фақат шу фанни ўрганиш асосидагина эгаллаш мумкин деб қараш нотўғри. Аксинча миллий истиқлол ғояси билан барча фанлар, хусусан, фалсафа, иқтисод, ижтимоий-сиёсий фанлар узвий боғлиқ.

Бизнинг вазифамиз барча ёшларга миллий истиқлол ғоясини, унинг ахамиятинг тушунтиришдир.

Демак, Президент И.А.Каримов таъкидланганидек, «Эндиги вазифамиз шундан иборатки, миллий истиқлол ғояси тушунчалари асосида кенг жамоатчилик, зиёлиларимиз, илм-фан ва маданият намояндалари, аввало, маънавий-маърифий соҳа ходимлари миллий асосий тамойилларини одамлар онги ва қалбига сингдиришга қаратилган ишларни янги босқичга кўтаришлари зарур».

Миллий ғоя Ўзбекистонда озод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт яратишга қаратилган умуммиллий ҳодиса сифатида қуйидаги бир қатор ўзига хос амал қилиш **тамойиллари**га эга:

- мамлакатнинг мустақиллигини мустаҳкамлашга хиз-мат қилиш;
- давлатимизнинг ҳудудий яхлитлиги ва сарҳадлари дахлсизлигини таъминлашга ёрдам бериш;
- қонун устуворлигини таъминлаш;
- демократия ва ўз-ўзини бошқаришнинг ҳаётда мустаҳкам ўрин эгаллашига асосланиш;
- миллий ва умуминсоний қадриятларнинг уйғунлиги-га таяниш;
- халқаро ҳуқуқ қоидаларига мос келиши;
- иқтисодий плюрализм ва хилма-хил мулкчиликнинг эркин шаклланишини таъминлаш;
- давлатнинг бош ислоҳотчи эканлиги ва мамлакатда ижтимоий барқарорликнинг таъминланганлигига таяниш;
- виждон эркинлиги ва фикрлар ранг-баранглиги муҳитини шакллантириш;

Мазкур тамойилларнинг барчаси бир-бири билан чамбарчас алоқада ва боғлиқликда намоён бўлади. Бу, ўз навбатида, уларнинг республикамызда яшовчи барча миллат ва элат вакилларининг умумий манфаатларини, халқимизнинг асрлар мобайнида интилиб келган орзу-идеалларини, олижаноб мақсад-муддаоларини ўзида мужассам этиши билан белгиланади.

## **2-мавзу: МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА МАҒКУРА РИВОЖЛАНИШИНИНГ ТАРИХИЙ БОСҚИЧЛАРИ**

**Режа:**

**1.Ғоялар тарихидан.**

**2.Ғоявий бўшлиқ ва миллий ғояни шаклланиш жараёни.**

**3.Мустақиллик ва миллий ғоя.**

### **1**

Мамалакатимизда миллий ғоя тадрижи:

- Ватан ҳимояси
- турк-будун
- миллий жипслик
- маърифатли подшо
- куч адолатдадир
- миллий ғурурни кўтариш (Алишер Навоий)
- тушкунлик-мустақилликни қўлдан берилиши
- истиклол мафкураси
- мустақиллик мафкураси

Инсоният тарихида халқлар ва давлатлар, миллатлар ва жамиятларни юксалишига етаклаган ёки уларни таназул ва ҳалокатга маҳкум этган турли хил ғоялар таъсир ўтказиб келган.

Шу нуқтаи назаридан қараганда инсоният ёки цивилизациялар тарихида бунёдкор ва вайронкор ғоялар ва мафкуралар мавжуд бўлган.

Бунёдкорлик ғоя ва мафкура ўзида гуманизм талабларини, халқнинг ирода ва интилишларини акс эттиради.

Масалан, XXасрда дунё ҳамжамияти томонидан тан олинган японча тараққиёт моделини олайлик. Япон миллий мафкураси “миллий давлатчилик тизими” (кокутай), “фуқаролик бурчи”, “япон руҳи”, “тадбиркорлик”, “умуммиллийлик”, “фидойлик”, “ватанпарварлик”, “патернализм”, “жамоага садоқат”, “модернизация” каби ғоя ва тушунчаларга асосланиб, мамлакат эришган юксак натижаларга пойдевор бўлди.

Жамият ва цивилизациялар ривожига улкан таъсир кўрсатган назариялар, таълимотлар ва мафкуралар кўпдан – кўп. Улар орасида Зардушт, Сократ, Платон, Конфуций, Алишер Навоий, Маҳатма Ганди ва бошқаларнинг бунёдкорлик ғоялари ва фаолиятининг аҳамияти беқиёсдир. Амир Темур тарихан қалтис, мураккаб бир вазиятда сиёсат майдонида қадам қуйди.Биринчи дамлардан бошлаб, унинг бутун фикри – ҳаёли марказлашган ва қудратли давлатни бунёд этиш билан банд бўлди ҳамда у ўз ниятига етди.

Бу орада Соҳибқирон катта ободонлаштириш ишларини амалга ошириш, боғ – роғлар барпо этиш, кўркам биноларни қуришни давлатнинг

расмий сиёсати, амалий фаолияти даражасига кўтарди. Лекин, энг асосийси – у жамиятда адолат ўрнатиш ва уни таъминлашни биринчи ўринга қўйди. “Адолат ва озодлик – дастурингиз, раҳбарингиз бўлсин” – деди у. Ва ўзи ҳам адолат билан иш юритишда шахсан ўрнатди. Унинг ўз вазирларига, агар мен билмай қолиб, адолатсиз қарор қабул қилсам, ўзим билмай, бировнинг ҳақиқага ҳиёнат қилсам, ёлғонларга учиб, халқ манфаатига зид иш қилсам, дарҳол мени огоҳқилишар, деб қаттиқ тайинлаганини муаррихлар қайта – қайта таъкидлайдилар. У вужудга келтирган давлат қонунлар ва урф – одатларни ҳурмат қилиш, уларга бўйсунушга асосланган эди.

Амир Темур савдо – сотиқ, хунармандчилик ва маданиятнинг ҳам ҳомийси эди. У олимлар, файласуфлар, меъморлар, шоирлар, ҳафиз машшоқларга ғамхўрлик қилишда ном қозонган.

Шу боис Амир Темур ва темурийлар даври, ҳақли равишда, илм – фан, маданият ва маориф беҳад раванқ топишини таъминлаган Шарқ Ренессанси, яъни Уйғониш даври, деб ҳам аталади.

Кромвель, Пётр 1, Наполеон билан улар мансуб бўлган халқлар қай даражада фахрлансалар, биз ҳам Темур сиймоси билан ундан кам бўлмаган даражада ғурурланишга ҳақлимиз.

Амир Темур – нафақат миллий, балки умуминсоний ҳодисадир. АҚШ Конгресси вакиллари палатаси мажлислар залида Америка ва жаҳон тарихида чуқур из қолдирган, машҳур сиймолар суратлари орасида унинг қиёфаси туширилган тасвир бор. (Яна қандай исбот керак)

Гоя ва мафкура гуманизм ва тараққиёт тамойилларини рад этса жамият таназзулига сабаб бўлади.

Гоя ва мафкуралар ҳам инсоният тарихий тараққиётининг мевасидир.

-Ибтидоий жамиятда: тотемизм, анимизм, фетишизм, магия...

-Қулдорлик жамиятида: иудаизм, синтоизм, хиндуизм, конфуцийчилик, даосизм...

-Ўрта асрларда: -буддавийлик

-христианлик

-ислом

-тасаввуф

-Янги замонда: -монизм

-дуализм

-плюрализм-кўп нарса

-шовенизм

-идеализм

-материализм

XX-асрда -миллий мафкуралар

-Японияда кокутай-миллий давлатчилик тизими

-АҚШда “америкача орзу”

-Россияда Миллий тикланиш

## 2

Аждодларимизнинг ибратли ҳаёт йўли тафаккур тарзи, амалий фаолияти, бунёдкорлик ишлари, энг яхши урф-одатлари, анъаналари, қадриятлари, мустаҳкам иймон-этиқодлари миллий мафкурамизнинг тарихий илдизларидир. Мафкуранинг дунёвий илдизлари деганда, маърифий тараққиётга хос сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий муносабатлар тизими тушунилади. Бинобарин, дунёвий жамият асосини қонун устуворлиги, сиёсий плюрализм, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик каби инсоният тан олган бунёдкор ғоялар ташкил этади.

Миллий ғоянинг демократик жамият шаклланишининг омили сифатида ижтимоий фалсафий таҳлили, унинг тарихий илдизларига эътибор қаратишни тақозо этади. Кишилиқ жамиятининг минг йиллар давомидаги тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, маънавиятсиз, кучли ва изчил миллий ғоясиз, соғлом мафкурасиз ҳар қандай ижтимоий тизимнинг ривожланиши мумкин эмас. Шунинг учун ҳам мустақилликнинг илк давридан бошлаб мамлакатимизда озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш, ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олиш, ҳуқуқий демократик жамият қуриш каби эзгу мақсадлар қўйилган.

Аввало шуни таъкидлаш лозимки, миллий ғоя ўзига хос фалсафий илмий-назарий ва тарихий илдизларига эга бўлган яхлит назариядир. Пировард натижада, у мамлакатимизнинг кучли миллий давлатчилигимиздан, жаҳон тан олган кучли жамиятга ўтишининг демократия йўлидаги тараққиётнинг объектив зарурияти, қонуний ҳосиласи, Ўзбекистон фуқароларининг миллат ва этиқодидан қатъий назар мақсад муддаоларининг ифодасидир.

Ғоявий бўшлиқ- муайян шароитда жамият, ундаги тоифа ва қатламларнинг онгида содир бўладиган ғоясизлик, мафкуравий вакуум ҳолати. Муайян ақидалар, фикр ва ғоялар замон танқидига учраганда ёки янги пайдо бўлган ижтимоий-сиёсий кучлар томонидан инкор этилганда, давр талабига жавоб берадиган ғоя ва мафкура тўла шаклланиб улгурмаган ҳолларда жамиятда ғоявий бўшлиқ вужудга келади.

Ғоявий бўшлиқнинг юзага келиши чуқур ижтимоий-сиёсий, маънавий психологик муаммо ва жараёнлар билан боғлиқ. Одатда янги ғоялар турлича таъсир кучига эга бўлади. Айрим гуруҳлар уларни жуда тез қабул қилади, баъзи тоифаларнинг аввалги мафкуравий ақидалардан юз ўгиришига янги ғояларни қабул қилиши эса қийин кечади.

Ғоявий бўшлиқ пайдо бўлишининг яна бир манбаи - жамиятда бу соҳадаги тарбиянинг етарли эмаслиги, мафкуравий жараёнларнинг ўз

ҳолига ташлаб қўйилганлиги бўлиши ҳам мумкин. Агар давлат ёки миллат, ижтимоий гуруҳ ёхуд қатлам ўз манфаатларини, мақсад-муддаоларини аниқ-ранжан ифода этадиган ўз ғояларини кишилар, айниқса, ёш авлод онгига мунтазам сингдирмаса, ғоявий бўшлиқ пайдо бўлади, ишонч-эътиқод сусаяди, мафкуравий таҳдидлар кучаяди. Ғояси йўқ, эътиқоди бўш одамлар эса, таъсирга тез берилувчан бўлади, ўз йўлини йўқотиб қўяди.

Ғоявий бўшлиқ, имонсизлик, манқуртлик жамият учун жиддий хавф солади. Агар ғоявий бўшлиқ пайдо бўлса, сўзсиз унинг ўрнини шу халқнинг табиатига бегона турли хил мафкуравий тазйиқлар эгаллаб олиши ва ўз таъсирини ўтказиши муқаррар. Шунинг учун ўз келажагини ўйлаган ҳар бир давлат ва жамият ғоявий бўшлиқ пайдо бўлишига йўл қўймаслик, эскирган ақидалар ва бегона қарашларни инкор этиш билан бирга, илғор фикрлар, улуғвор мақсад ва эзгу орзуларни одамлар онги ва қалбига сингдиришга ҳаракат қилади.

Миллий истиқлол мафкураси ғоявий бўшлиққа йўл қўймайди, маънавий ҳаётни бутун халқ ва ҳар бир фуқаронинг манфаатига мос келадиган юксак ва жозибали ғоялар билан бойитади. Бу, ўз навбатида, фуқароларда эртанги кунга ишонч ва келажакка умид ҳиссини мустаҳкамлайди.

Ғоявий бўшлиқ-эски тузумдан янги тузумга ўтиш жараёнида олдинги мафкура ўтмишга айланган, уни ўрнини босадиган илғор ғоявий тизимни шаклланмаган ҳолатидир. Бундай ҳолат бизда 1990 йил намоён бўлди. Унинг хусусиятлари:

1. Коммунистик мафкура таназзулга юз тутди.

2. Хали миллий мафкура шаклланмаган эди.

3. Ёт ғояларни хужуми пайдо бўлди.

4. Турли қора кучлар минтақани мафкуравий кураш майдонига айлантиришга

1993-йил 23-апрель адиблар билан учрашув.

1993-йил 6-май, XII сесиясида мафкура яратиш заҳрурлигини кўрсатди.

1993-йил 27-декабрь ХДП Марказий Комитети миллий истиқлол мафкурасини эълон қилди.

1995-йил 24-февраль Ўзбекистоннинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий истиқболнинг асосий тамойилларининг

1996-йил август “Ўзбекистон иқтисодий чуқурлаштириш йўлида” асари.

1998-йил “Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ миллатни- миллат қилишга хизмат этсин” асарида.

Озодлик, ҳурлик, мустақиллик, эркинлик, эркинлик ва истиқлол тушунчалари ўзбек тилидаги энг ёрқин ва ёқимли тушунчалардандир. Одамзод боки эркинликни, озодликни истади унга эришишга, уни асрашга ва қўриқлашга ҳаракат қилади.

Юртимизда озодлик шамолини эсганига ҳам мана 26 йил бўлибди. Мустақиллигимиз навқирон йигит ёшида.

Гарчи инсон табиатнинг гултожи, мукаррами бўлсада, ҳамиша ҳуррият ва озодликка интилиб яшайди. У тирик жон сифатида ўзида ҳамиша озод ва тинч турмуш кечиршишга эҳтиёж сезади. Шунинг учун ҳам инсоният тарихининг турли даврларида Ер юзининг барча минтақаларида мустақиллик ва озодлик учун кураш жараёни кечган. Одамзод борки эркинликни, озодликни истади унга эришишга, уни асрашга ва қўриқлашга ҳаракат қилади.

**Истиқлол**-арабча сўз бўлиб, “кўтарилиш”, “қаддини ростлаш”, “ўсиш”, “юқори кўтарилиш”, “эркинлик” деган маъноларни англатади. Истиқлол-инсон, миллат, давлатнинг эркин ривожланиш имкониятини ифодаловчи тушунча. Истиқлол-кўпинча сиёсий жиҳатдан эркин бўлишни англатади.

**Мустақиллик**-арабча сўз бўлиб, “тобе, қарам эмаслик”, “ихтиёри ўзидалиқ” демақдир.

Мустақиллик-ҳаётни барча жабҳаларида озодликка эришиш ва инон-ихтиёрни бутунлай ўзида эканлигини ифодаловчи тушунчадир. Мустақиллик икки хил тушунилади:

-тазйикдан, назоратдан холи бўлиш ва эркинлик.

-иктисодий, сиёсий ва маънавий тобе бўлмаслик.

Мустақиллик-инон-ихтиёри ўзида бўлган, тобе эмаслик, қарам эмаслик, ўзгаларнинг ёрдамисиз ўз масала ва муаммоларини ўз ҳал қила оладиган, ўз-ўзича кун кечира оладиган деган маънода тушунилади.

**“Мустақилликнинг олий мақсади-ўзбек халқининг иззатини жойига қўйишдир”**-деб ёзади Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислам Каримов.

**Суверенитет**-французча сўз бўлиб, “олий ҳокимият” деган маънони билдиради. Бу тушунчани XVI асрда Францияда Жан Баден илгари сурган. Унинг белгилари:

-қонунларни қабул қилиниши,

-уруш ва тинчлик масаласини ҳал қилиш,

-суд ҳокимиятини амалга ошириш,

-мансабдор шахсларни тайинлаш,

-афв этишдир.

Мустақиллик ғояси бу кенг маънодаги сиёсий категориядир. Чунки мустақилликка эришиш ҳар бир халқнинг орзу-умиди, истаги ва мақсади



уларнинг қонуний талаби билан боғлиқ туб мақсаддир. Шу боис “мустақиллик” ғоясининг келиб чиқиши, шаклланиш жараёнларини кўриб чиқиш ва уни алоҳида категориал тушунча сифатида ўрганиш фойдадан ҳоли эмас деб ҳисоблаймиз.

-Мустақиллик, аввало ҳар бир халқнинг ўзтақдирини ўз кўлига олишни, қадр-қимматини ва тилини ўз ўрнига қўйишни, ўзлигини англашни, миллий қадриятларни, урф-одатларни тиклашни тушунилади

-Мустақиллик-бу мамлакатнинг ер усти ва ер ости табиий бойликларига, ўша мамлакат туб халқининг эгаллик қилиши, халқнинг қудрати, салоҳияти, ақлу-заковатига таяниб мустақил иктисодий сиёсат олиб бориш, ҳар бир инсон, ҳар бир оила учун муносиб турмуш яратиш маъносини билдиради.

-Мустақиллик-ўзаро ҳурмат, бир-бирини тан олиш, бир-бирини қадрлаш асосида мамлакат фуқаролари ўзаро муносабатида ҳам, жаҳон давлатлари ўртасидаги алоқаларда ҳам ана шу умуминсоний қадриятларга таяниш, ана шу умумий мезонлар асосида яшашдир.

-Мустақиллик -жамиятдан ажралмаган ҳолда дунё муаммолари ва ўз тақдирини билан боғлиқ бўлган истикбол ҳақида ўйлаш.

-Мустақиллик -ҳар бир инсоннинг эркин дунёқараши, эркин тафаккурга суяниб яшаши демакдир.

-Мустақиллик -ҳар бир мустақил давлатнинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши, унда муносиб ўрин эгаллаши маъносини англатади.

Мустақилликнинг моҳияти, унинг жамият ва мамлакат тақдирини тутган ўрни, улуғ аждодларимиз, бой ва ноёб тарихимиз ҳамда истикболдаги вазифаларимиз хусусида фикр билдирар экан, Президент Ислам Каримов буларнинг барчасини мухтасар қилиб, “Биз учун мустақиллик -энг аввало ўз тақдиримизни қўлимизга олиш, ўзлигимизни англаш, миллий қадриятларни, урф-одатларимизни тиклаш, ҳаммамиз учун мўътабар шу Ватанда, ҳар бир хонадонда тинчлик, осойишталикни, барқарорликни сақдашдир. Азиз ватанимиздан адолат, инсоф, дину-диёнат, меҳру-оқибатни” қарор топтиришдир.

Биз учун мустақиллик -Оллоҳнинг ўз эл-юртимизга инъом этган табиий бойликларга эгаллик қилиш, халқимиз қудрати, салоҳияти, ақлу заковатига таяниб, Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир инсон, ҳар бир оила учун муносиб ҳаёт қуриш, келажак авлодлар учун озод ва обод Ватан қолдиришдир.

Биз учун истиқлол -миллатимиз, мамлакатимизнинг жаҳонда обрў-эътибори, шон-шавкати кўтарадиган соғлом авлодни, ҳар жиҳатдан баркамол ва фидойи ўғил-қизларни тарбиялаш, уларни вояга етказиш ва бахтини кўришдир. Ҳар бир фуқаро учун -миллати, ирқи ва диний

этикодидан қатъий назар -эркинлик, тенглик. Биродарлик, муносиб шароит яратиб беришдир” - дейди.

*Мустақилликнинг 4 асосий қонуний ҳужжати:*

-Мустақиллик Декларацияси. 20.06.1990.

-Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисидаги Баёнот. 31.08.1991.

-Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисидаги Қонун. 31.08.1991.

-Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 08.12.1992.

*Ўзбекистон халқи мустақиллик туфайли:*

- ўз тақдирини ўзи белгилаш, давлат ва жамиятнинг сиёсий тизимини мустақил яратиш, демократик йўл билан сайланган органлар орқали ҳокимиятни бутун тўлаллиги билан бошқариш;

- ишлаб чиқариш ва илмий техник имкониятларга, табиий ва хом ашё ресурсларига тўла эгалик қилиш ва улардан мамлакат манфаатлари йўлида фойдаланиш;

- тараққиёт йўлини жахон тажрибалари, тарихий анъаналар ва халқнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мустақил танлаш;

- миллий давлатчилигимиз анъаналарига асосланган ҳолда ҳуқуқий демократик давлат тузиш;

- очиқ фуқаролик жамияти қуриш;

- тарихимизни холисона ёритиш, миллий ва диний кадриятларимизни қайтадан тиклаш, ҳаётимизни эски ҳукмрок мафкура ва мустабид тузум асоратидан халос этиш;

- ёш авлодни ҳақиқий ватанпарвар ва юртпарвар этиб тарбиялаш, уларга замон талаблари даражасида билим ва касб-ҳунар бериш;

- ижоднинг барча турларини ривожлантириш, одамларнинг истеъдод ва қобилиятларини тўла намоён этиш;

- юртимиз хавфсизлиги, фуқаролар тинчлиги ва миллатлараро тотувликни таъминлаш;

- халқаро муносабатларда мустақил субъект сифатида иштирок этиш, барча нуфузли ташкилотларга тенг ҳуқуқлилиқ асосида аъзо бўлиб кириш, бошқа мамлакатлар билан ўзаро манфаатли шартнома ва битимлар тузиш.

Бош стратегик мақсадимиз-Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт, бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик жамият барпо этиш. И.А.Каримов “Ўзбекистон ХХ1 асрга интилмоқда 1999 йил асарида айтилган. То 1992 йилдан 1998 йилгача Ўзбекистон келажаги буюк давлат стратегик мақсадимиз эди. Иккаласи ҳам моҳиятан бир.

“Бош ғояни мақсади, уни қандай аталишидан қатъий назар миллатни, мамлакатни кўтаришдан иборатдир”-академик Э.Юсупов.

Жорий йилда жонажон Ватанимиз ўз мустақиллигининг 26 йиллигини нишонламоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма олти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги Қарори матбуотда эълон қилинди. Ушбу Қарор: Кириш ва 10 банддан иборат (27.06.2017)

Ушбу қарорнинг Кириш қисмида:

- мустақиллик-буюк ва бебаҳо неъмат эканлиги,
- мустақиллик байрамини муносиб кутиб олиш,
- истиклол даврида эришаётган ютуқларимизни сарҳисоб қилиб олиш,
- эл-юртимизни янги марралар сари руҳлантириш мақсадлари баён этилган.

1-бандида, байрам комиссияси таркиби,

2-бандида, **“Фидойинг бўлғаймиз сени, Ўзбекистон!”** деган бош ғояни ўзида мужассам этган байрам дастурини ишлаб чиқиш ва бу борада

***11 устувор йўналишлар:***

-давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш, “Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз” тамойилига амал қилиш,

-халқ билан очик ва самарали мулоқот олиб бориш, Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” тамойилига амал қилиш,

-қонун устуворлигини таъминлаш,

-иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш,

-ёшларни тадбиркорликка кенг жалб этиш, “Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади” тамойилига амал қилиш,

-ижтимоий соҳада аҳоли бандлигини таъминлаш,

-инфратузилма тармоқларини яхшилашга қаратилган ишларни ёритиш,

-аҳолининг маданий савиясини юксалтириш, “Маънавият-энг таъсирчан ва қудратли қуролимиз” тамойилига амал қилиш,

-қўлга киритилган барча ютуқларимизнинг асосий омили халқимизнинг фидокорона меҳнати эканлиги,

-хавфсизликни таъминлаш, ўзаро манфаатли ташқи сиёсат юритиш, “қўнилари билан рақобот қилиш эмас, балки ҳамкорлик қилиш, минтақамиздаги муаммоларни биргаликда ҳал этиш” тамойилига амал қилиш,

-юртимизда ҳукм сураётган тинчликни асраш энг муҳим ва долзарб вазифамиз эканини кенг жамоатчиликка етказиб бериш белгиланган.

Қисқаси ушбу қарор барча ютуқларимиз заминида халқимизнинг фидойи меҳнати, эртанги кунга ишончи ётганлигига қаратилган.

3-бандида, жойларда байрамни тарғиб қилиш учун маънавий-маърифий тарғибот гуруҳлари ташкил этилиши белгиланган.

4-бандида, Республика комиссияси байрам тадбири юзасидан жойларда амалга оширилаётган ишлар юзасидан раҳбарларнинг ҳисоботларини эшитиб бориш кўрсатилган.

Қарорнинг, 5-11-бандларида бу борада тегишли ташкилотларнинг вазифалари белгиланиб, қарор ижросини таъминлашга қаратилган.

*Энг азиз ва энг улуғ мустақиллик байрамининг 26 йиллиги шиори*

Мустақиллик айёми, энг улуғ ва энг азиз байрамимиз 2010 йилдан бошлаб, мана 8 йилдирки эзгу бир шиор билан нишонланмоқда. Бу йил мустақиллигимизнинг 26 йиллик байрами **“Фидойинг бўлгаймиз сени, Ўзбекистон!”** шиори билан нишонланмоқда.

Ушбу шиор икки таркибий қисман иборат. Уни қуйидагича талқин этиш мумкин:

**-фидойинг бўлгаймиз сени** -“Фидойилик - бошқалар манфаати йўлида ўз қонуний манфаатларини, ҳатто ҳаётини қурбон қилишга тайёр турган, жамият учун умумий бўлган олий мақсад ва идеалларни деб ўзидан кеча оладиган кишилар хатти-ҳаракатларини ифодаловчи маънавий тушунча. Мустақил жамиятимизда фидойилик тамойили устувор аҳамият касб этмоқда, “Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!” деган шиор асосида яшаётган кишилар доираси тобора кенгайиб бормоқда. Ана шу маънавий жараён қанчалик тезлашса, янги қурилаётган давлатнинг шакл-шамойили шунчалик муайянлик касб этади. Шу билан бирга, фидойилик маънавий кадриятлардан бири бўлиб, Ватан манфаатлари йўлида фидойилик намуналарини кўрсатишга ҳозир бўлган шахсларга хос фазилат. Ватанга, халқига бўлган ҳурмат, муҳаббат, ишонч туйғуси муайян умумий манфаатлар, мақсадлар асосида шаклланиб, кишилар қалбидан чуқур ўрин олади ҳамда фаолиятига таъсир қилиб, уларни масъулиятли вазифаларни бажаришга сафарбар этади. Фидойилик ўз тақдирини Ватан, миллат тақдири билан боғлаган барча кишиларга хос фазилатдир. Фидойилик сўзда эмас, балки амалий ишларда намоён бўлгандагина тараққиётнинг ҳал қилувчи омилига айланиши мумкин”. Инсон учун ўз жонидан азиз ва қимматлироқ нарсанинг ўзи йўқ. Жон фидолик том маънода ватанпарварлик, жасорат ва қаҳромонлик тимсолидир.

**-Ўзбекистон** -жаннатмакон диёр, унинг мусаффо осмони, сўлим ва бебаҳо табиати, зилол сувлари, юртимиздаги барча меҳнаткаш ва танти халқи учун макондир. Ўзбекистон дейиш ҳар бир фуқарода маънавий мамнунлик уйғотади. Ўзбекистонимиз ҳар биримизга бахтли яшаш имконини берувчи, кафолатловчи маскандир.

### **3-мавзу: МИЛЛИЙ ҒОЯНИНГ НАЗАРИЙ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ.**

#### **Режа:**

- 1. Миллий ғоянинг назарий манбалари.**
- 2. Миллий мафкурамизнинг илдизлари.**
- 3. Ислом Каримов-миллий ғоямизнинг назарий асосчиси.**

#### **1**

##### **Миллий ғоя:**

-Бугун қўйилган олий мақсад ва вазифаларни қамраб олиши шарт.

-Эл-юртимизни энг буюк мақсадлар сари чорлайдиган ягона ғоя-мафкура бўлиши керак.

-Жаҳон ҳамжамиятида, халқаро майдонда ўзимизга муносиб ҳурмат ва иззат қозонишда пойдевори ва раҳмоно бўлиши даркор.

-Ёш авлодларни ватанпарварлик, инсонлик ва одавийлик фазилатларини пайванд қилишдек олийжаноб ишдаримизда мададкор бўлиши зарур.

-Умумбашарий ютуқларга эришмоқда йўл очиб берадиган ва шу мақсадларга муттасил даъват қиладиган ғоя бўлиши керак.

-Ғояга қарши фақат ғоя фикрга қарши фақат маърифат билан баҳсга киришиш тамоили.

-Мафкура полигонлари ядро полигонларидан кучлидир.

-Мафкура-ўтмиш ва келажак ўртасидаги кўприқдир.

“Миллий ғоя: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси“ курсининг умумназарий асосларини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, Президентимиз Ислом Каримовнинг асарлари, мақола ва маърузалари, мамлакатимиздаги етакчи ижтимоий ва иқтисодий фан соҳалари олимларининг Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясига доир асарлари ташкил қилади.

Миллий ғоя акс этган манбалар қуйидагилардан иборат:

1. “Авесто”.
2. Дунёвий қарашлар.
3. Диний қарашлар.
4. Миллат фалсафаси.
5. Халқимизнинг озодлик учун кураши.
6. Комил инсон тўғрисидаги орзулар ва бошқалар.

Хулоса қилиб айтганда одамлар тафаккурини ўзгартирадиган, уларнинг дунёқарашини янгилайдиган воситалардан бири Президент И.Каримов таъбири билан айтганда, тарих ва фалсафадир.

#### **2**

Миллий мафкурамизнинг илдизлари.

## 1.Тарихий:

- Ватанимизнинг бой тарихи
- Халқимизнинг ўзига хос турмиш тарзи
- Тафаккури ва дунёкараши
- Халқ оғзаки ижоди намуналари: Шашмақом, Алпомиш
- Миллий қаҳрамонларимизнинг ибратли ҳаёти

## 2.Дунёвий:

- дунёвий билимлар мажмуи
- табиий илмий билимлар
- жамийки билимлар

## 3.Фалсафий:

- Улуғ алломаларимизнинг фалсафий мероси
- Жаҳон фалсафаси дурдоналари
- XXI аср бошларидаги фалсафа
- Мустақиллик фалсафаси

## 4.Диний:

- Ислом ва бошқа динлардаги диний бағрикенглик
- Қуръони Карим китоби
- Ҳадислар
- Зардуштийлик
- Тасаввуф

## 3

Президентимизнинг жавоби *"Жамиятимиз мафқураси халқни - халқ миллатни-миллат қилишга хизмат этсин"* сарлавҳа остида қуйидаги 14 та ғоя ажратиб берилган:

- 1.Миллий мафкура-миллатни бирлаштирувчи байроқдир.
2. Энг даҳшатлиси-фикр қарамлиги, тафаккур қуллиги.
3. Мафқурасиз одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотади.
4. Маънавиятимиз қўлимизда енгилмас кучга айлансин.
5. Мафкура полигонлари ядро полигонларидан хавфлидир.
6. Мафкура - ўтмиш ва келажак ўртасидаги кўприқдир.
7. Миллатнинг, халқнинг ҳамжихатлиги тараққиёт гаровидир.
8. Онгли турмуш-жамият ҳаётининг бош мезони.
- 9 Мақсадимиз-эркин шахсни тарбиялаш.
- 10 Кучли давлатдан-кучли жамият сари.
- 11 Жаҳолат-маърифатнинг кушандаси.
12. Жаҳонга ўз сўзимизни айтайлик.
13. Юртимизнинг хавфсизлиги-сиёсатимизнинг бош йўналиши.
14. Энг олий мақсадим-халқимнинг омонлиги.

*"Ўз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз"*(1999) асарида

Миллий ғоя :

- мустақил миллат эканлигимизни ҳис этиш,
- миллатни асраш учун унинг тарихини ўрганиш,
- маърифий-амалий ишларни олиб бориш.
- Ватан келажак учун яшаш ва кураш,
- Миллий ғояни демократик тамоиллар билан уйғунлаштириш.

Эркин фуқаро- онгни яшайдиган, мустақил фикрга эга бўлган шахс маънавиятини камол топтириш бизнинг бош миллий ғоямиз бўлиши зарур.

*“Миллий истиқлол мафкураси халқ эътиқоти буюк келажакка ишончдир”* (2000) асарида:

- миллий истиқлол мафкурасининг ҳаётимиздаги ўрни
- миллий мафкурани ҳаётий эҳтиёж даражасига кўтарилиш,
- мафкуравий иммунитет
- миллий истиқлол мафкурасини қандай хусусиятларга эга бўлиши
- эркинлаштириш,
- кучли жамият сари,
- адолатли жамият,
- миллий истиқлол мафкурасининг асосий ғоялари,
- мафкуравий таҳдидлар,

6 апрель 2000 йил Оқсарой қароргоҳи Миллий мафкура масалаларига бағишланган йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов нутқидан келиб чиққадиган **хулосалар**:

1. Ўзининг келажagini қурмоқчи бўлган ҳар қандай давлат ёхуд жамият албатта ўз миллий ғоясига суяниши ва таяниши керак.

2. Бугунги ўзгаришлар даврида, яъни, мустабид, тоталитар бир тизимдан эркин ва озод тизимга ўтиш шароитида халқимиз ўзига хос, жуда катта ғоя ва тўсиқларга дуч келиши, бу жараён катта курашлар орқали кечиши барчамиз учун аён бўлмоғи даркор. Халқимиз ва жамиятимизнинг янги уфиқлар сари бошлаш, давъат қилишга мақсадларимиз аниқ бўлиши керак.

3. Энди вояга етаётган ёшларимизни нима билан, қаддай ғоя ва мафкура билан тарбиялашимиз керак? Улар қандай ғоя негизида тарбия олиши, қандай эзгу мақсадларга интилиши керак? Қандай мафкура ва тафаккур улар учун қурол бўлиб хизмат қилмоғи лозим?

4. Тарбиявий-ахлокий масалаларида маънавий ҳаётда, керак бўлса, миллий манфаатларимизга мос келадиган сиёсатни изчил олиб боришда ўз йўлимизни йўқотмаслигимиз учун ғоявий бўшлиққа йўл қўймаслигимиз даркор.

5. Миллий ғоя миллатимизнинг, халқимизнинг ўзлигини англашига, ўзининг миллий қадриятларини йўқотмасдан, уларни тиклаб, авайлаб,

эъзозлаб, янги, ўсиб келаётган авлодга етказиб бериш учун хизмат қилиш керак.

6. Миллий ғоя олдиға қўйиладиган асосий талабларнинг икки суянган тоғи-таянчи, булар:

а) биринчи навбатда халқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, тилига, динига, руҳиятига, бир сўз билан айтганда миллий қадриятларимизга халқимизнинг дунёқараши ва тафаккурига асосланган бўлса;

б) иккинчи навбатда замонавий, умумбашарий, умуминсоний ютуқлардан озикланган, уларни ўзига қамраб олган холда, юрт тинчлиги, Ватаннинг равнақи, халқ манфаати ва фаровонлиги йўлида хизмат қилмоғи даркор.

7. Миллий мафкура ҳеч қандай шаклда давлат мафкураси мақомига қўтарилмаслиги, айланмаслиги керак. У жамиятимиздаги курашлар ранг-баранглиги, ғоялар хилма-хиллиги сақланган холда уларни бир-бири билан курашишга, бахслашувга, ҳар қандай партия, ҳаракат, ҳар қайси инсон, фуқоронинг ўз фикрини эркин ифода этиш ва уни ҳимоя қилишига зиён ёки тазйиқ кўрсатмаслиги лозим.

Шу билан бирга миллий ғоя давлатимиз, жамиятимиз, халқимизнинг юксалиши йўлида, буюк келажак барпо этишдек эзгу мақсадга эришиш ва жаҳон ҳамжамиятида ўзимизга муносиб обрў-эътибор топишимизда ягона бирлаштирувчи куч-қаноат бўлиши шарт.



## 4-мавзу: ЖАМИЯТ МАФКУРАСИДА МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР УЙҒУНЛИГИ

Режа:

1. Жамият мафкураси тушунчаси.
2. Миллий ғояда миллий ва умуминсоний қадриятлар.
3. Қадриятларнинг жамият ривожига ижобий таъсири.

### 1

Жамият-(арабча-“умумий”)-табиатнинг бир қисми, борлиқнинг алоҳида шаклини ифодалайдиган фалсафий тушунча. одамлар уюшмасининг махсус шакли, кишилар ўртасида амал қиладиган кўплаб муносабатлар мажмуаси, ўзида моддийлик ва маънавийликни, объектинлик ва субъективликни, табиийлик ва ижтимоийликни мужассамлаштирадиган тушунча. Жамият ғоят мураккаб ижтимоий тизим бўлиб, у одамлар ўртасида амал қиладиган ахлоқий, диний, сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, мафкуравий ва ҳ.к. муносабатларнинг, тарихан таркиб топган оила, жамоа, миллат, дин, давлат, ахлоқ ва ҳ.к.ларнинг мажмуидир

Жамият мафкурасиз, мақсадсиз яшай олмайди.

Демак, *биринчидан*, мафкура ҳар қандай жамият ҳаётида зарур. Мафкура бўлмаса, одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотиши муқаррар.

*Иккинчидан*, қаердаки ғоявий бўшлиқ вужудга келса, ўша ерда бегона ғоя асосида бўлган мафкуралар таъсири учун шароит мавжуд бўлади. Буни исботи учун хоҳ тарихдан, хоҳ замонамиздан кўплаб мисоллар келтириш қийин эмас<sup>1</sup>. У жамият олдидаги мақсадлар, уни амалга ошириш воситаларидир.

Президент Ислом Каримов жамият мафкурасига шундай таъриф берган: “Одамларнинг минг йиллар давомида шаклланган дунёқараши ва менталитетига асосланган, айтини вақтда шу халқ, шу миллатнинг келажагини кўзлаган ва унинг дунёдаги ўрнини аниқ-равшан белгилаб беришга хизмат қиладиган, кечаги ва эртанги кун ўртасида ўзига хос кўприк бўлишга қодир ғояни мен жамият мафкураси деб биламан”<sup>2</sup>. Бинобарин, миллий мафкура ҳар қандай халқни – халқ, миллатни – миллат қиладиган, унинг йўли ва мақсадларини аниқ-равшан чароғон этадиган маёқдир.

*...жамиятимиз мафкураси, одамлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг маъно-мазмунини белгилаб беради.*

«Авесто»да акс этган Зардуштнинг «Эзгу ният, эзгу сўз ва эзгу амални олқишлайман! Ният, сўз ва амаллар ичидан мен эзгу ният, эзгу сўз ва эзгу амални танлайман. Мен барча қабих андиша, қабих сўз ва қабих

<sup>1</sup> Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-жилд. — Т.: Ўзбекистон, 1999, 84-85-б.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-жилд. — Т.: Ўзбекистон, 1999, 89-бет.

амалдан юз бураман»<sup>3</sup>, деган ҳикматли сўзлари бугунги кунда ҳам катта тарбиявий аҳамиятга эга. Бу ўлмас ғоялар кейинчалик пайдо бўлган динлар, жумладан, христианлик ва ислом томонидан ҳам қабул қилинди. Демак, бу китоб ўз даврида шаклланган ғоялар тизимидан иборат бўлган жамият мафкураси эди.

Ҳар қандай жамият ўзига хос ривожланиш йўлини танлар экан, олдига муайян мақсад ва вазифаларни қўяди. Зеро, бу вазифалар жамият, давлат, халқ ва миллат тараққиёти, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маърифий, таълим-тарбия ва мафкуравий жараёнларнинг узвий бирлиги асосида амалга ошади.

Инсон ҳеч қачон ташқи дунёдан, ўзини қуршаб олган оламдаги ўзгаришлар, рўй бераётган ҳодисалар, воқеа жараёнлардан ажралиб қолган, уларни ҳис этмаган ҳолда, уларнинг таъсирисиз яшай олмайди. Халқлар, миллатлар, ижтимоий-сиёсий кучлар фаолияти туфайли содир бўлган турли ҳодиса ва жараёнлар одамлар онги, тафаккури ва дунёқарашига таъсир этади.

Ҳаётда мақсади, юксак ғояси, эзгу орзу-интилишлари бўлмаган инсон ва жамият аъзолари табиий эҳтиёжлар доираси билан чегараланиб, маънавий юксакликка эришиши қийин. Айрим ёвуз кучлар таъсир ўтказиш орқали ўз ғаразли ниятларига етиш мақсадида фойдаланишлари мумкин. Шу сабабли барча даврларда инсон ва жамият ўз мақсад-муддаоларини ифода этадиган манфаатига зид бўлган зарарли ва бегона ғояларга қарши туради. Ҳар бир халқ, миллат ва жамият ўз манфаатига хизмат қилиб, унинг тараққиётини таъминлашга ёрдам берадиган муайян ғояга эҳтиёж сезади.

Бинобарин, ғоя муайян миллат ва халқнинг мақсад-муддаолари, манфаатлари замирида шаклланади ҳамда такомиллаша боради. Миллий истиқлол ғояси ҳам миллат манфаатларини, халқнинг орзу-истакларини ўзида мужассамлаштиради. У ўзининг ҳаётбахш ғоялари, буюк мақсадлари билан ўз куч-ғайрати, ақл-заковати ва ҳатто ҳаётини буюк ғоялар йўлида бахш этишга тайёр комил инсонларни тарбиялашга хизмат қилади.

Инсоният тарихидан маълумки, ер юзида дастлабки одамзод пайдо бўлиб, унинг уруғ, қабила, жамоа ёки халқ сифатида шаклланиши рўй берган дастлабки даврлардаёқ уларни бирлаштириб турадиган умумий ғоя ва мафкурага эҳтиёж туғилган. Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек: «...Чунки, мафкура – жамиятда яшайдиган одамларнинг ҳаёт мазмунини, уларнинг интилишларини ўзида мужассамлаштиради». Дарҳақиқат, барча даврларда ҳар бир давлат, халқ, жамиятнинг ўзига хос ғояси ва мафкураси бўлган. Чунки жамиятнинг, халқнинг ўз олдига қўйган аниқ мақсади уни

<sup>3</sup>Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. А.Маҳкам таржимаси. — Т., Шарқ, 2001, 90, 111-бетлар.

амалга оширишда жамият аҳлини бирлаштирадиган, сафарбар-ликка ундайдиган ғояси ва мафқураси бўлмаса, у муқаррар равишда ҳалокатга маҳкум бўлади.

Ғоя, мафкура жамиятнинг ўз олдига қўйган аниқ мақсади бўлиб, бусиз жамият ўз йўлини йўқотади. «Мақсад дегани, - деб ёзган эди Президент И.А.Каримов, - халқни, миллатни бирлаш-тирувчи, йўлга бошловчи бамисоли бир байроқ. Бу байроқ бутун Ўзбекистон халқининг руҳини, ғурур-ифтихорини, керак бўлса қудратини, орзу-интилишларини мужассамлаштирадиган улуғ кучдир. Давлатимизнинг, халқимизнинг, эл-юртимизнинг мақсади ўзининг улуғворлиги, ҳаётий-лиги ва ҳаққонийлиги билан ҳаммамизни жалб этадиган бўлмоғи лозим. Токи бу мақсад халқни-халқ, миллатни-миллат қила билсин, қўлимизда енгилмас бир кучга айлансин»<sup>4</sup>.

Мафқуранинг ҳаётийлиги одамларнинг, миллатнинг, жамиятнинг миллий манфаатини, орзу-интилишларини қай даражада акс эттира оладиган бош ва асосий ғоялар, бу ғоялар уларнинг турмуш тарзи, дунёқараши, табиатига қанчалик мос бўлиши билан белгиланади. Ҳаёт синовларига бардош берадиган, одамларнинг эзгу мақсад-муддаоларини ифодаладиган, уларга маънавий-руҳий қувват берадиган мафқуранинг кўпчилиги қабул қилади. Фақат шундай ҳолдагина у кучли руҳий қудратга эга бўлади. Шу сабабли ҳам мафкура барча даврларда жамиятни юксак ва бунёдкор мақсадлар йўлида бирлаштириб, жамият аҳли ўртасида соғлом муносабатларни шакллантирган, ҳамда эзгу орзулар, мақсад-муддаоларига эришишда маънавий-руҳий куч-қувват берадиган омил вазифасини бажариб келган. Шунинг учун ҳам ғоя ва мафкура барча инсонлар, халқлар, жамият ва давлат олдига турган муҳим вазифаларни амалга оширишда ёрдам берадиган, турли соҳада фаолият юритадиган жамият аҳлини бирлаштириб, уларни умумий мақсад сари сафарбар этадиган буюк кучдир.

Шу сабабли ҳам инсонлар, халқлар, жамият ҳаётида мафкура муҳим роль ўйнайди. Мафқуранинг ҳаётбахш кучи, аввало, инсоннинг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини қандай тушуниши ва уни қандай ижтимоий мақомда тасаввур этишига боғлиқ. Чунки, инсонни ижтимоий ҳаракат ва фаолиятга ундаш ва шу тариқа кўзланган муайян мақсад-вазифаларга эришиш дунёдаги барча эзгу мафқураларнинг маъно-моҳиятини ташкил этади.

Шу сабабли ҳам миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва принциплари тизимида инсоннинг жамиятдаги ўрни бунёдкор куч

---

<sup>4</sup> Каримов И.А. Миллий истиқлол мафқураси — халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир — Т.: Ўзбекистон, 2000, 6-бет.

сифатида белгиланган. Истиклолнинг бош ғояси ҳам, асосий ғоя ва тушунчалари ҳам бунёдкорлик фалсафаси билан йўғрилган. Чунки бунёдкорлик–халқимизнинг энг олижаноб фазилати. Президентимиз таъбири билан айтганда, ўзбек том маънода бунёдкордир, дўпписида сув ташиб бўлса ҳам дарахт кўкартиради. Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида мамлакатимизда иқтисодий, ижтимоий, сиёсий-маданий, маънавий соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар, эркинлаштириш жараёнлари бунёдкорлик ишларига ёрқин мисол бўлади.

## 2

Инсон дунёга келибдики, ўзининг қатор талабларини, эҳтиёжларини қондириб боради. Эҳтиёж одамнинг биологик, психологик, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маънавий талабларидир. Манфаат эса одам-инсон эҳтиёжларини қондира олувчи предмет ва воқеа ҳодисаларга йўналтирилган ҳис-туйғуси, фикридир. Инсон ўз талабларини қондириш учун биринчидан, у моддий бойликлар ишлаб чиқаради, иккинчидан, одамнинг физиологик эҳтиёжи қонганлиги унда маънавий эҳтиёжларининг туғилишига туртки бўлади. Учинчидан, одамнинг зурриёт қолдиришга бўлган табиий эҳтиёжи. Тўртинчидан, кишиларнинг ўзаро ишлаб чиқариш муносабатларига киришишидир. Қадрият предмет, воқеа ва ҳодисаларнинг кишилар учун зурур, фойдали, ёқимли бўлган хусусиятларидан, унинг моҳиятини ифодовчи сифат хусусиятларидан иборат. Қадриятлар ижтимоий ҳаётда инсоннинг табиий физиологик ва маънавий талаб эҳтиёжларини ўз хусусиятлари билан қондириш воситаси бўлган, зарур, фойдали ва ёқимли предметлар, воқеа ва ҳодисалардир.

Қадрият инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган, миллат ва элат, ижтимоий гуруҳларнинг манфаатлари ва мақсадларига хизмат қиладиган табиат ва жамият ҳодисалари мажмуидан иборат. Қадриятлар муаммоси XIX аср охирида Ғарб фалсафасида алоҳида йўналиш сифатида пайдо бўлди. Бу соҳани ўрганадиган фан тармоғи аксиология вужудга келди. Бу ерда «ахио-қадрият», «логос-таълимот» демакдир. Унинг асосчилари Гартман, Эрбано, Пролла ва Лиси каби Ғарб файласуфларидир. Бу муаммо бир асрдирки тадқиқотчилар томонидан ўрганилмоқда. Жондор Туленовнинг «Қадриятлар фалсафаси» китоби ҳам ушбу соҳадаги йирик тадқиқотлардан бири ҳисобланади. Ҳаётимизда қадриятлар хилма-хилдир. Қадриятлар ўзининг мазмуни, аҳамияти, хусусияти жиҳатдан:

I. 1. Моддий.

2. Маънавий.

3. Ижтимоий-сиёсий қадриятларга бўлинади.

II. Қадриятлар моҳиятига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

1. Олий қадрият – инсон ва унинг ҳаёти.

2. Табиий қадриятлар – ер, сув, ер ости, ҳаво, ўрмон, ўсимликлар, ҳайвонот дунёси ва бошқалар.

3. «Иккинчи табиат» ёки моддий қадриятлар-бойликлар, завод, фабрикалар, транспорт, асбоб-ускуналар, уй-жойлар, ноз-неъматлар, яъни инсон меҳнати билан яратилган нарсалар.

4. Маданий-маънавий қадриятлар-маориф, таълим-тарбия, тиббий ҳизмат, мерос, тил, адабиёт, санъат, ҳунармандчилик маҳсулотлари, меморий ёдгорликлар ва бошқалар.

5. Ижтимоий-сиёсий қадриятлар. Эркинлик, барқарорлик, биродарлик, тинчлик..

III. 1993 йилги Ўзбекистон Республикасини Мулк тўғрисидаги қонунига асосан 5 хил мулк қадриятлар мавжуд:

1. Ҳусусий мулклар.

2. Ширкат мулклари..

3. Давлат мулклар.

4. Аралаш мулклар

5. Бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар, юридик ва жисмоний шахслар мулки.

Юқоридаги мулк эгаларининг тасарруфидаги моддий ва маънавий бойликлар турли мулк эгаларининг қадриятларини ташкил этади.

IV. Қадриятларнинг амал қилиш доирасига (кўламига) кўра турлари:

1. Миллий қадриятлар.

2. Минтақавий қадриятлар.

3. Умуминсоний қадриятлар турларига бўлинади.

Миллий қадриятлар–миллатнинг тили, маданияти, тарихи, урф-одатлари, анъаналари, жамики моддий ва маънавий бойликларини, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча томонларини ўзида ифода этади.

Минтақавий қадриятлар – иқтисодиёти, маданияти, тарихи, тили, дини, урф-одати, анъаналари муштарак бўлган халқлар манфаатига ҳизмат қиладиган ижтимоий-табиий ҳодисалар мажмуидан иборатдир.

Умуминсоний қадриятлар-барча миллатлар, элатлар ва халқларнинг мақсад ва интилишларини ўзида ифода этади.

Умуминсоний қадриятларга:

- Илм-фан тараққиёти.
- Тинчлик.
- Қурулланиш пойгасини тўхтатиш.
- Касалликларни олдини олиш.
- Табиат муҳофазаси.
- Саводсизликка барҳам бериш.
- Энергетика.

- Озиқ-овқат билан таъминлаш.
  - Коинот ва океан ресурсларини ўзлаштириш ва бошқалар киради.
5. Қадриятлар инсон ҳаётига кўрсатадиган таъсири нуқтаи-назардан:
1. Прогрессив.
  2. Реакцион турларга бўлинади.

Илғор қадриятлар жамиятимизнинг ҳар томонлама ривожланишига, республикаимизни жаҳон цивилизациясига қўшилишига астойдил хизмат қилади. Аксинча, республикаимиз олдида турган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий муаммоларни ҳал этишга тўсқинлик қиладиган ҳодисалар реакцион қадриятларга киради. Қадриятлар жамиятимизнинг бойлиги, бизнинг миллий ифтиҳоримиздир. Уларни авайлаб-асраш, яъни қадриятларни қадрлаш ва муҳофаза қилиш барчамизнинг инсонийлик бурчимиздир.

### 3

Қадриятлар жамиятимизнинг бойлиги, бизнинг миллий ифтиҳоримиз. Уларни авайлаб асраш ва муҳофаза қилиш - барчамизнинг бурчимиздир.

Миллий қадриятларга ҳурмат билан қараш миллатнинг ўзига ҳурмат билан қарашнинг асосий бўғинидир. Минг йиллар мобайнида шаклланган миллий қадриятларимиз ҳозирги даврда яратилган маданий маънавий бойликлар билан қушилиб тараққиётимизни тезлаштиради, ғоявий ва маънавий покланишни таъминлашга кўмаклашади. Шунинг учун ҳам қадриятларни авайлаб асраш, уларни қуриклаш, юксалтириш алоҳида инсон ҳаётида ҳам, жамият тараққиётида ҳам катта аҳамият касб этади.

Жамиятнинг энг олий маҳсули ва қадрияти бўлмиш Инсоннинг қадриятларга муносабати ҳеч қачон бир текис бўлган эмас. Бир томондан инсон қадриятлар бунёдкори сифатида қанчадан қанча моддий ва маънавий қадриятларни юзага келтирган бўлса, иккинчи томондан у мавжуд қадриятларга ёвузларча муносабадда бўлиб, уни талон тарош ҳам қилиб келган. Буни биз инсоннинг табиий, моддий қадриятларга бўлган муносабатларида яққол кўришимиз мумкин.

Табиат - муқаддас даргоҳ инсониятнинг бешигидир. Биз яшаб, нафас олиб тўрган табиат, унинг таркибий қисми бўлмиш - Еримиз ҳамманинг бутун инсониятнинг умумий уйи, умумий масканидир. Шундай экан, уни кўз қорачиғидек сақлаш, атроф муҳитнинг ифлосланишига йўл қўймаслик башариятнинг ишидир. Табиатни муҳофаза қилишнинг долзарблиги ана шунда. Ана шу долзарб муаммога биринчи даражали эътибор берилмаса оқибати дахшатли бўлиши аниқ ва равшандир.

Инсон учун табиий қадриятлар билан бир қаторда ижтимоий - сиёсий, маданий маънавий, ахлоқий қадриятлар ҳам катта аҳамият касб этади. Башарият кўп минг йиллик тарихи давомида эркин, бахтли ва гўзал ҳаёт кечериши учун зарур бўлган хилма хил қадриятларни яратди, инсон,

унинг ҳуқуқи ва эркинликларини ҳимоя қиладиган қонунлар, сиёсий ташкилотларни бунёд этди. Инсоннинг гўзал яшаши учун зарур бўлган бадиий эстетик кадриятларни ривожлантирди, кишиларнинг бир бирига ва жамиятга бўлган муносабатларини белгилаб берадиган ахлоқий қоидалар мажмуасини жорий этди ва хоказо. Мазкур ижтимоий сиёсий, маданий маънавий ва ахлоқий кадриятлар жамият таракқиётида салмоқли ўрин эгаллаб, кишиларнинг инсоний фазилатларини юксалтиришда катта хизмат қилиб келган ва ҳозир ҳам хизмат қилиб келмоқда. Лекин, шу билан бир қаторда, инсон ўзи яратган ижтимоий сиёсий, маданий маънавий, ахлоқий кадриятларни кўп ҳолларда поймол қилиб келаётганлигини ҳам тан олишимиз керак. Қонунбузарлик, ахлоқсизлик миллатимизнинг урф одат ва анъаналарига зид келувчи хатти ҳаракатларнинг аҳоли, айниқса, ёшлар ичида авж олиб кетаётгани бунга мисол бўла олади. Буларнинг олдини олиш ҳозирги кунда жамиятимиз олдида кўндаланг тўрган долзарб вазифадир.

Кишиларни кадриятларга истеъмолича ёки кузатувчи сифатида қараш кайфиятидан ҳоли этиб, аксинча уларни янада кўпайтириш, юксалтириш пайида бўлишларига киришишга алоҳида эътибор бериш керак. Маълумки, ҳаётда ҳеч бир нарса абадий эмас. Бу кадриятларга ҳам тааллуқлидир. Шундай экан, уларни доимо бойитиб, ривожлантириб, кўпайтириб, янгилаб турмоғимиз даркор.

Кадриятлар катта ижтимоий сиёсий, фалсафий, тарбиявий аҳамиятга эга. Улар ўтмиш билан ҳозирги кун ўртасидаги ворисиликни ифодалайди, шу туфайли миллатнинг тарихи, унинг ўтмиш ҳаёти, маданияти гавдаланади. Шунинг учун ҳам ҳар бир сиёсий тузум, ҳар бир давлат кадриятлардан ўз мақсади, манфаати йўлида фойдаланиб келган ва ҳозир ҳам шундай бўлмоқда. Кадриятлар ўз ўзидан бевосита инсоннинг маънавий қиёфаси, турмуш тарзи, умуман жамият таракқиётини белгилай олмайди. Кадриятларнинг аҳоли, аҳамияти, инсонга кўрсатадиган таъсири, унинг истиқболи у ёки бу жамиятдаги мавжуд ижтимоий тузум томонидан олиб борилаётган сиёсат, унинг манфаатлари билан ўзвий боғлангандир.

Буни биз ўзбек халқи миллий кадриятларининг ўтмишдаги ва ҳозирги ахволдан яққол кўришимиз мумкин.

## **5-мавзу: ҒОЯЛАР ХИЛМА-ХИЛЛИГИ ВА МАҒКУРАВИЙ ЖАРАЁНЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ ТАРАҚҚИЁТГА ТАЪСИРИ.**

**Режа:**

**1.Ғояларнинг хилма-хиллиги.**

**2.Мағкуранинг турли хил кўринишлари.**

**3.”Фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш” тамойили.**

### **1**

Ғоя билан ғоянинг бир – бирига ўхшамаслиги ва улар ўртасида фарқ бўлишини табиий жараён деб қараш керак. Лекин, маълум бир ғоя ва мағкурани жамият аъзолари онгига мажбуран сингдириш ва риоя қилишни барчасидан талаб қилиш – жиддий хатодир.

Ер юзидаги барча инсонлар ўз фикр – мулоҳазаларига эга бўлиб амалий фаолият юритадилар. Шу сабабли юнон файласуфи Аристотел иккита инсон айнан бир хилда фикрламайди, уларнинг олам ҳақидаги тушунчалари, фикрлари хилма – хилдир, дейди.

Табиийки, мамлакатда илғор ғоялар, мағкуралар қанча кўп бўлса, яъни мағкуравий плюрализм ҳукмрон бўлса, тараққиётнинг самарали йўлини танлаб олиши учун имконият шунчалик кенг бўлади.

Мустақил Ўзбекистон мағкура коммунистик яккаҳокимлигидан воз кечди ва миллий тараққиёти учун кенг йўл очди. Мамлакатимизда мағкуралар ва фикрлар хилма – хиллиги ижтимоий тараққиётга хизмат қиладиган янгидан – янги ғояларнинг пайдо бўлишига ва уларни рўёбга чиқариш имкониятини яратади.

Умуммиллий ғоя жамият аъзоларининг, халқ оммасининг туб манфаатларини ва орзу – умидларини ифода этади, шу сабабли улкан мақсадлар йўлида бирлаштирадиган жозиба кучига эга бўлади. Бундай ғоя жамиятда барқарорликни таъминлайди. Аммо, фикрни эркин ифода этадиган шахс, гуруҳ ёки ижтимоий қатлам, аввало, ўзининг аниқ – равшан, асосли қарашларига эга бўлиши, ўз нуқтаи назарининг оқибати учун маъсулиятини ўз зиммасига олиши зарур.

Тарихан маълумки, жамиятда эзгу ғоялар барча даврларда инсонни юксак орзулар билан яшашга, олижаноб мақсадлар йўлида эътиқод билан курашишга ўргатади. Бунга ёрқин мисоли сифатида Ўзбекистоннинг истиклол йилларида барча жабҳаларда эришаётган ютуқларини келтириш мумкин. Шу нарсани унутмаслик керакки инсон ва жамият бор экан, эзгулик ғояларининг зидди бўлган зулм ва зўравонлик, қабоҳат ва жаҳолат янги – янги шаклларда намоён бўлиши ҳам мумкин. Лекин улар инсониятнинг адолат, тенглик, тинчлик, қардошлик ривожланиши ва фаровонлик ғояларига таяниб, юксак мақсадлар сари интилишларини



тўхтата олмайди. Эзгу ғоялар одамларни фақат олижаноб мақсадлар сари этаклайди.

Хулоса сифатида шуни алоҳида айтиш зарур мустақил Ўзбекистонда ҳозирги даврда миллат, жамият, давлатнинг бирлаштирувчи байроғи бўлган миллий ғоя ва мафқурани шакллантириш ва халқимиз онгига сингдириш юзасидан фаоллик билан иш олиб борилмоқда. Бу мафқура мустақиллик йилларда эришган ғалабаларни, энг катта ютуғимиз бўлган истиқлолимизни, Она Ватанимизни, фарзандларимизни бахтли келажагини фидойилик билан ҳимоя қилиш, доимо хушёр ва сергак бўлишга ёрдам беради. Зеро, Ўзбекистон бизнинг умумий уйимиз – уни асраш ҳар биримизнинг вазифамиздир. Шу маънода, миллий истиқлол ғояси ҳар биримизнинг қалбимизга сингадиган, умумий ғоямиз, онгимиз, дунёқарашимизини таркибий қисмидир.

Муайян ғоя том маънода ғоя бўлиши учун кишилар онгини эгаллаши, тўғрироғи, уларнинг қалбидан жой олиши шарт. Акс ҳолда у ёки бу ғоя фақат муайян хабар ёки ахборот сифатида сақланиб қолади, холос. Бошқача айтганда, омборхонадаги кераксиз буюмлар каби онгимизнинг бир четидан жой олиб ётавериши мумкин.

Жамият ҳаётида мафқуравий омилларининг сезиларли таъсири мавжудлигини бир қарашдаёқ англаш мумкин. Ҳозирги пайтда ҳам ғаразли геосиёсий мақсадларга эришиш йўлидаги мафқуравий таъсир ўтқазилганга энг аввало, “бўлиб ташла ва ҳукмронлик қил”, деган қадимий тамойилга амал қилишга уринишни таъкидлаш зарур. Бу тамойилни рўёбга чиқаришнинг биринчи йўли мамлакат ичида ижтимоий парокандаликни келтириб чиқаришдир. Масалан, мамлакатимизга нисбатан бу усул ўтиш давридаги ижтимоий – иқтисодий қийинчиликларни бўрттириб кўрсатиш орқали аҳолининг мавжуд ҳолатдан норозилигини уйғотиш, ўз ноғораларига ўйнайдиган муҳолифатчи кучларни юзага келтириш йўли билан сиёсий беқарорликни келтириб чиқаришга бўлган ҳаракатларда намоён бўлди. Бу йўлда диний омилдан фойдаланишлар кузатилади. Ана шу ҳолат ҳам “мақсад воситани оқлайди” деган ақида ғаразли геостратегик манфаатларни рўёбга чиқаришнинг асосий қоидасига айланаётганлигини кўрсатади.

Нега кишилар онги ва қалби учун кураш турли мафқураларнинг бош мақсадига айланиб қолди? Чунки ғоя фақат инсон қалбини эгаллаганда, инсон маънавий – рухий ҳолатининг узвий қисмига айлангандагина ҳаракатга даъват этувчи, рағбатлантирувчи кучга айланади.

Шунинг учун ҳам бугунги кунда жаҳон миқёсида нафақат инсон онгини, балки қалбини ҳам эгаллаш мафқуравий курашнинг бош мақсади бўлиб қолмоқда. Чунки, ер юзининг турли минтақалари халқларининг онги ва қалби ҳар хил ғояларни синаш майдонига, бошқача айтганда,

мафкуравий полигонга айлантирилмоқда. Одатда, полигон деганда, курол – аслаҳа ва техникани синаш, қўшинларни ҳарбий тайёргарликдан ўтқазиш ёки ҳарбий соҳада машқ ва тадқиқотлар олиб бориш учун мўлжалланган маҳсус майдон тушунилади. Ҳозирги пайтда унинг мафкуравий майдонга айланганини ва минтақалараро ҳаракат қилаётганини кўриб, билиб турибмиз. Шунинг учун ҳам Президентимиз И.А.Каримов бежиз айтмаганлар ҳозирги давр – дунёда ғоявий қарама – қаршилиқлар мураккаб тус олган пайтда мафкуравий полигонлар ядро полигонларидан ҳам кучлироқ, ҳам хавфлироқдир.

**Ғояни белгилари:**

- ижтимоий фикр
- билишнинг ўзига хос шакли
- ўзида мақсадларни ифодалайди
- амалий ҳаракатга ундайди
- муайян мафкурани таркибий қисми
- Энг таъсирчанг, кучли ва залворли фикр
- илмий далил
- муаммо
- фараз-гипотеза
- назария

**Ғоянинг таснифи:**

- моҳиятан ижтимоий-синфий-фирқавий-тарихий

Ғоянинг хоссаси:

- ифода воситаси
- маънавий-руҳий таянч
- мақсадга

йўналтирилган

**Ғоянинг турлари:**

I. Мазмунига кўра:

- илмий
- фалсафий
- диний
- бадий
- ижтимоий
- сиёсий
- иқтисодий
- ҳуқуқий
- тарихий
- ахлоқий

II. Кўламига кўра

- шахсий-дунёқараш
- миллий
- умуминсоний

III. Намоён бўлишига кўра:

-бунёдкор

-бузғунчи-вайронкор

Бунёдкор ғоялар:

-озодлик-мустақиллик

-тинчлик-адолат

-тенглик-ҳамкорлик

-дўстлик-бирдамлик

-хурфикрлилик-маърифатпарварлик

-бағрикенглик-халқпарварлик

-ватанпарварлик-инсонпарварлик

-қадимда хун олиш

-ўрта асрларда салб юришлари

-диний фанатизм

-атеизм

-фашизм

-большевизм

-буюк давлатчилик

-миллатчилик

-ирқчилик

-терроризм

-маҳаллийчилик

-ватансизлик

-ёвузлик

-босқинчилик

Бундай ғоя ва мафкуралар жамиятнинг таназзулига сабаб бўлади. Ғайри инсоний мақсадларга хизмат қилади.

## 2

Мафкура қуйидаги тизимга эга бўлади:

Ҳар бир нарса ўз таркибий тузилишига, тизимига эга бўлади. Шу жумладан миллий мафкурамиз ҳам: 1. Илдизлари. 2. Мақсадлари 3. Негизлари. 4. Турлари. 5. Бош ғояси. 6. Бош шиори. 7. Асосий ғоялари. 8. Яратувчиси. 9. Тадбиқчилари. 10. Усуллари.

1. Мафкуранинг илдизлари:

1. Фалсафий: -ахлоқий -нафосатий

2. Дунёвий: -илм-фан, -тарих, -сиёсат, -санъат

3. Диний: -уруғ-қабилавий, -миллий, -жаҳон динлари

4. Маънавий: -қадриятлар, -руҳият, -мерос, -урф-одатлар, - мифология

5. Тарихий: -миллий, -минтақа, -жаҳон

2. Мафкуранинг мақсадлари:

- ғояга ишонтириш
- уюштириш
- сафарбар этиш
- маънавий рағбатлантириш
- ғоявий тарбиялаш
- ғоявий иммунитетни шакллантириш
- фаолиятга ундаш
- харакат дастури бўлиш
- ғоялар тизимини амалга ошириш

### 3. Мафкуранинг негизлар:

- |                      |                       |
|----------------------|-----------------------|
| 1. Ватанпарварлик.   | 6. Тинчлик.           |
| 2. Инсонпарварлик    | 7. Ҳамкорлик.         |
| 3. Демократия.       | 8. Яратувчанлик.      |
| 4. Байналминаллик.   | 9. Маърифатпарварлик. |
| 5. Тараққиёт-равнақ. | 10. Эркинлик.         |

### Мафкуранинг турлари:

#### *I.Ижтимоий онг шаклига кўра:*

- фалсафий
- хуқуқий
- сиёсий
- диний
- ахлоқий
- эстетик

#### *II.Кўламига кўра:*

- шахсий-дунёқараш
- даврий-истиклол мафкураси
- миллий
- умуминсоний

#### *III.Манфаатига кўра:*

- оилавий
- касбий
- синфий
- партиявий
- давлат
- жамият

#### *IV.Моҳиятига кўра:*

- ижобий-бунёдкор-маърифат-озодлик
- салбий-бузғунчи-жаҳолат-зулмат

#### *V.Илмийлигига кўра:*

- илмий
- ноилмий-ғайри илмий

*VI. Амал қилишига кўра:*

-реал-амалий

-утопик-хаёлий

Мутлақ ҳақиқатни даво қилувчи мафкураларни истиқболини йўқлиги.

Мафкуравий эгоизм ва мавкуравий шовенизм:

-анархизм-юнонча “хокимиятсизлик”, “бошбодоқлик”

-тоталитаризм-фрацузча-лотинча “бутун”, “ҳаммаси”, “тўла”

-терроризм-лотинча “қўрқув”, “дахшат”

-большевизм-меншевизм-русча-“кўпчиллик”, “озчиллик”

-догматизм-грекча-“белгилаб қўйилган фикр”

-субъективизм-лотинча-“эга”, “англавчи”

-фатализм-лотинча-“ўзгармас иродага ундаш” роковой

-фундаментализм-лотинча-“пойдевор”, “асос”, “таянч”

-шовенизм-французча офицерни номи, буюк давлатчилик мафкураси

-экстремизм-лотинча-“энг кескин ва охирги йўл”

-вольонтаризм-лотинча-“ирода”

-фашизм-итальянча-“боғ”, “бирлашма”, “иттифок”

### 3

Ҳозирги вақтда кўз ўнгимизда дунёнинг геополитик, иқтисодий ва ижтимоий, ахборот-коммуникация манзарасида чуқур ўзгаришлар рўй бераётган, турли мафкуралар тортишуви кескин тус олаётган бир вазиятда, барчамизга аёнки, *фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб этмоқда.*

Маълумки, ҳар қандай касалликнинг олдини олиш учун, аввало, киши организмида унга қарши иммунитет ҳосил қилинади. Биз ҳам фарзандларимизни она Ватанга муҳаббат, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг мукаддас динига садоқат руҳида тарбиялаш учун, таъбир жоиз бўлса, аввало уларнинг қалби ва онгида мафкуравий иммунитетни кучайтиришимиз зарур. Токи ёшларимиз миллий ўзлигини, шу билан бирга, дунёни чуқур англайдиган, замон билан баробар кадам ташлайдиган инсонлар бўлиб етишсин. Ана шунда жоҳил ақидапарастларнинг «даъвати» ҳам, ахлоқ- одоб тушунчаларини рад этадиган, биз учун мутлақо бегона ғоялар ҳам уларга ўз таъсирини ўтказа олмайди.

Ёш авлодимизни турли маънавий тажовулардан ҳимоя қилиш ҳақида гапирганда, нафақат халқимизни улуғлайдиган буюк хусусиятлар, айни пайтда унинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатган, эски замонлардан қолиб келаётган номаъқул одатлар ҳақида ҳам очик сўз юритишимиз зарур. Биринчи навбатда худбинлик ва лоқайдлик, қариндош-уруғчилик ва маҳаллийчилик, коррупция ва манфаатпарастлик, бошқаларни

менсимаслик каби иллатлардан жамиятимизни бутунлай халос этиш тўғрисида ўйлашимиз лозим. Мен бу ўта муҳим вазифа кенг жамоатчилигимизнинг, айниқса, зиёлиларимиз, олим ва адибларимиз, санъат ва маданият аҳли, ўзини маънавият соҳасига бағишлаган барча инсонларнинг доимий диққат марказида бўлишини истардим.

Бу ўринда ана шундай салбий хусусиятларнинг энг хунук кўриниши бўлмиш ҳасад тўғрисида тўхталиб ўтиш жоиз деб ўйлайман. Одамзот ва жамият ҳаётида оғир асоратлар қолдирадиган ҳасад туйғуси авваламбор бошқаларни кўролмаслик, уларнинг ютуғидан қувониш ўрнига, қандайдир куйиниш, ичиқоралик оқибатида пайдо бўлади.

Шу муносабат билан тарихда кўп марта ўз тасдиғини топган, мен ҳам ўз тажрибамда синаган ҳаётий бир ҳақиқатни яна бир бор такрорлашни зарур деб ҳисоблайман: *агар биз аҳил бўлсак, эл-юрт манфаати йўлида бир тану бир жон бўлиб яшасак, ўзимиздан сотқин чиқмаса, ўзбек халқини ҳеч ким ҳеч қачон енга олмайди.*

Бу ҳаётда одам баъзан ўзини йўқотиб қўядиган ғоят мураккаб муаммоларга дуч келади. Кескин вазиятдан чиқишнинг иложи йўқдек туюладиган ҳолатлар бор. Шундай пайтда, ишда ва ҳаётда, жамиятда оғир савдоларга дуч келганда ким ўзининг йўлини йўқотмаслиги мумкин? Ўйлайманки, биринчи навбатда ўз кучига ишонган, руҳий дунёси, маънавий олами бақувват бўлган одамгина бундай вазиятдан ёруғ юз билан чиқа олади. Маънавий бойлик шундай пайтда одамга катта куч ва мадад беради.

Машҳур файласуфлардан бири ана шу ҳаётий ҳақиқатни чуқур таҳлил этиб, қуйидаги ҳаққоний фикрларни баён қилган: «Душманлардан кўркма – нари борса, улар сени ўлдириши мумкин. Дўстлардан кўркма нари борса, улар сенга хиёнат қилиши мумкин. Бефарқ одамлардан кўрк – улар сени ўлдирмайди ҳам, сотмайди ҳам, фақат уларнинг жим ва бепарво қараб туриши туфайли ер юзида хиёнат ва қотилликлар содир бўлаверади».

Айниқса, бугунги мураккаб мафкуравий жараёнларни илмий-амалий жиҳатдан атрофлича таҳлил қилиш ва баҳолаш, уларнинг устувор йўналишларини, кимга ва нимага қарши қаратилганини аниқлаш, аҳоли турли қатламларига таъсирини ўрганиш, миллий манфаатларимизга, ҳаёт тарзимизга зид бўлган зарарли ғоялар ва мафкуравий хуружларнинг моҳиятини очиб бериш, фуқароларимиз қалбида миллий тафаккур ва соғлом дунёқараш асосларини мустаҳкамлаш алоҳида аҳамият касб этади.

Фақат ана шундай асосда ёшларни ўз фикрига эга, турли маънавий хуружларга қарши собит тура олишга қодир бўлган, иродали, фидойи ва ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялашга эришиш мумкин. Бу борада маънавий- маърифий тарғибот ишларининг таъсирчанлигини

таъминлайдиган замонавий информацион ва компьютер технологияларини кенг жорий этиш, жамиятимизнинг мафкуравий иммунитетини кучайтиришга қаратилган самарали усул-услугларни ишлаб чиқиш, давлат ва жамоат ташкилотлари учун тегишли тавсия ва қўлланмаларни тайёрлаш бугунги кунда муҳим вазифамизга айланиб бораётганини чуқур тушуниб олишимиз зарур.

Халқимизни турли ғоявий ва мафкуравий таҳдидлардан асраш, жамиятда мафкуравий иммунитет ҳосил қилиш учун уни, аввало, тараққиёт қонуниятларини ўзида чуқур акс эттирадиган соғлом, инсонпарвар ғоя ва мафкура билан қуроллантириш керак. Миллий истиқлол ғоясининг асосий вазифаси эса халқимизда миллий эътиқод ва дунёқараш асосларини шакллантиришдан иборатдир.

Миллий истиқлол ғоясига ишонч ва эътиқоди бўлган ҳар бир киши носоғлом фикрга - соғлом, эзгу фикр билан жавоб беради. Ўзининг фикрига эга бўлади. Ўзининг эркин фикрига эга бўлмаса, жавоб бера олмайди.

“Коррупцияга қарши курашиш” тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг қонуни Қонунчилик палатаси томонидан 2016 йил 24 ноябрда қабул қилинган, Сенат томонидан 2016 йил 13 декабрда маъқулланган.

Ушбу Қонуннинг мақсади: ушбу Қонуннинг мақсади коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

**коррупция** - шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шуниингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш.

**Коррупция** (лотинча, -пора бериб оғдириш, -бузиш, айнитиш) –

1) давлат аппаратидаги масъул шахслар, амалдорларнинг, лавозимли кишилардан айримларининг мансаб суиистеъмоллиги, жиноий гуруҳлар билан тил бириктириши;

2) коррупция – бозор иқтисодиётига ўтаётган ҳозирги даврда мамлакатлардаги ўтиш даври қийинчиликлари ҳосиласи тарзида айрим ҳолатларда жуда авж олиши, порахўрлик, сотқинлик каби иллатлар кескин ўсиши мумкин.

## 6-мавзу: МИЛЛИЙ ҒОЯ - ЎЗБЕКИСТОН ДЕМОКРАТИК ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ.

**Режа:**

**1. Демократия ва миллий ғоя.**

**2. Демократик тамойилларнинг миллий ғоя тамойиллари билан ўзаро боғлиқлиги.**

**3. Демократик жамият қуришнинг умумэътироф этилган тамойиллари.**

### 1

Давлат арбобларидан бирини эътироф этишича, Буюк Британия демократик давлат қуришда бир неча юз йиллик тажрибага эга. Шундай мислсиз тараққиёт қозонган давлатда ҳам демократия хусусидаги муаммолар кўзғалиб тураркан. Шундан келиб чиқадигани бўлсак, бизнинг демократияни тушуниш ва жамиятимизга тадбиқ этишдаги натижаларимиздан қониқиш ҳосил қилишимиз мумкин.

Оламшумул тажрибаларга нисбатан олганда, жамоатчилигимизни ҳозирги даражасини демократияни ҳис қилиш, демократияни тушуниш, демократияни идрок этиш, демократияни ўрганиш, ҳаётга тадбиқ этишга натижилиш босқичи дея белгилаш мумкин. Хўш, демократияни ўзи иима? Уни амалга оширишнинг қандан усуллари ва белгилари мавжуд?

**Демократия** – юнонча “демос” - халқ, тенг ҳуқуқли фуқаролар йиғини, “кратос” - куч, ҳокимият, қудрат, бошқарув маъноларини бериб, бугунги кунда у халқ ҳокимияти маъносини беради. Янги даврда демократия атамаси орқали эркинлик, фуқаролик, халқ суверенитети, миллий суверенитет, миллий давлат ғоялари ривож топмоқда.

Демократия тушунчасининг реал мазмуни у ёки бу даврда мавжуд бўлган ижтимоий-иқтисодий тузумга қараб турли тарихий даврларда ўзгариб турди. Сиёсатшунослар демократиянинг учта асосий моделини (либерал, идентитар, плюралистик) кўрсатадилар.

1) **Либерал демократия** (XIX-XX аср боши) ҳокимият манбаи бўлган халққа мулкдор эркакларни, мулкий ва бошқа цензликшиларни киритади. Қуйи қатламлар, ёлланма ишчилар, аёллар сайлов ҳуқуқига эга эмаслигига асосланади.

2) **Идентитар (жамоавий) демократия** – халқ (миллат, гуруҳ, қатлам) бирлигидан, яхлитлигидан, халқ иродаси билан ваколатли ҳокимият фаолиятининг ўхшашлигидан келиб чиқади.

3) **Плюралистик демократия** – либерал сиёсий тизимдан ўсиб чиққан ва унинг асосий ташкилий тамойилларини мерос қилиб ўзига олган. У конституционализм, ҳокимиятлар бўлиниши, шахс



эркинликлари, инсон ҳуқуқлари, озчилик мухторияти ва бошқа қадриятларга таянади.

### **Демократия ва Шарқ**

Демократия ўз тарихида хилма-хил шакл ва мазмундаги узоқ йўлни босиб ўтди. Демократия ҳар бир халқнинг миллий онгини, хусусиятларини, миллий руҳини, менталитетини, табиатини ҳисобга олган ҳолда унинг сиёсий тизимида ўз аксини топади.

Ғарб мамлакатларида вужудга келган демократия индивидларнинг (шахс) гуруҳдан (кўпчиликдан) устунлиги ғояси мавжуд. Бу мамлакатларда индивидуал эркинликлар ва ҳуқуқлар масаласи долзарб.

Демократия Шарқда бошқача мазмун касб этади. Шарқда индивид эркинлиги ва ҳуқуқларга таянилсада, у кўпроқ гуруҳ, жамоа манфаати ва ҳуқуқлари билан уйғунлашади, яъни анъана ва замонавийликнинг ўзига хос уйғунлигига асосланади.

Шу йўлдан қатор Шарқ мамлакатлари бормоқда. Ислон динига эътиқод қилувчи мамлакатларнинг ижобий тажрибалари мавжуд.

Маълумки, Қадимги Туркистонда ҳукмдорлар, ҳатто Амир Темур буюк сиёсатчи сифатида халқнинг (райат) фикрини билиш, табақалар билан бамаслаҳат иш юритиш, муросаю-мадора, мурувват, бағрикенглик ва сабр-тоқатлилик билан давлатни идора қилганлар.

Бугунги кунда Ўзбекистонда ҳам демократияга ўтишнинг ўзига хос йўлидан бормоқда. Миллий анъаналарни, миллий давлатчиликни ривожлантиришга эътибор берилмоқда. Кенгаш, маслаҳат, муроса, сабр-тоқатлилик, бағрикенглик мамлакатда ижтимоий муаммоларни ҳал этишнинг ва демократик, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қарор топтиришнинг зарур шарти ҳисобланади.

## **2**

Америка Қўшма Штатларининг собиқ президенти Авраам Линкольн таъкидлаганидек, демократия халқ орқали, халқ учун ўрнатилган халқ ҳокимиятидир. Демократиянинг мазмун-моҳияти Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг “Халқ ҳокимиятчилиги” боби, 7-моддасида: “Халқ давлат ҳокимиятнинг бирдан-бир манбаидир” - дея мустаҳкамлаб қўйилган. Халқ ҳокимиятчилигига бағишланган ушбу модда мазмуни Республикамизда демократик жамият куришнинг ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлигидаи далолат беради.

Жаҳон жамиятшунослиги кашф этган қонуниятларга кўра, халқ ўз қўлида тўплаган ҳокимиятни икки усулда амалга оширади.

**1. Бевосита демократия.** Бунда халқнинг ҳеч қандай вакилларсиз, ўз қўлида тўплаган ҳокимиятни ўзи амалга ошириши тушунилади. Ушбу усулдаги демократиянинг ҳуқуқий асоси Конституциянинг 9-моддасида

мустаҳкамланган: “Жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилади, умумий овозга (референдумга) қўйилади”. Асосий қонун ушбу моддасининг ҳаётӣ ижроси қуйидаги шаклларда намоён бўлмоқда. Давлат қабул қилаётган қонун лойиҳалар, умумхалқ муҳокамасидан ўтказкилмоқда. Сайловчилар сайловларда бевосита ўзи иштирок этади. Республика Президенти вакиллик органларининг энг қуйидан энг юқоригача бўлган босқичлари депутатларни сайловчиларнинг ўзлари бевосита сайлайдилар. Шунингдек, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, яъни маҳалла қўмиталари фаолиятини ҳам бевосита демократиянинг яққол мисоли сифатида кўрсатиш мумкин.

2. Демократиянинг амалга оширишнинг иккинчи усули **вакиллик демократияси**. Бунда халқ ўз ҳокимиятини билвосита амалга оширади. Яъни халқ ўз қўлида тўплаган ҳокимиятни ўзи сайлаб қўйган вакиллари орқали - Олий Мажлис, маҳаллий кенгаш депутатлари воситасида амалга оширади. Мазкур депутатлар ўз ваколатларини сайловчилардан олганлар ва ўз фаолиятларида халқ манфаатларини ифода этади. Ўзбекистонда Давлат ва ижроия ҳокимиятининг раҳбари бўлмиш Республика Президенти ҳам бевосита сайловчилар томонидан сайланади. Мамлакатимиздаги бошқа давлат органлари жумладан, ҳукумат, суд органлари, вазирлар ва бошқалар Республика Президенти ёки Олий Мажлис томонидан тайинланиши ёки сайланиш тартибини инобатга олсак, ўзбек халқи барча давлат органлари ва мансабдор шахсларни сайлаш тайинлашда бевосита ёки билвосита иштирок этади. Ҳозирги замон хорижий мамлакатларнинг ҳуқуқшунослари давлат ва жамият арбоблари фикрларига кўра демократик ҳуқуқий давлат қуриш учун барча мамлакатларга хос бўлган умумий хусусиятлари мавжуддир. Улар қуйидагилардир: 1. Сайловлар. 2. Сайлов яқунларини аниқлаш усули. 3. Тенг ҳуқуқлик. 4. Фикрлар эркинлиги. 5. Кўппартиявийлик. Бизнинг Республикамизда юқорида кўрсатилган демократик давлатларга хос бўлган асосий белгилар қонунда ҳам, амалга ҳам мавжуддир.

Демократия умумэтироф этилган **принципларга** эга. Уларнинг энг умумийларини санаб ўтаемиз:

- умумэтироф этилган инсон ҳуқуқларини тан олиш ва амалга ошириш;
- демократик ҳуқуқий ва дунёвий давлат принципларини амалга ошириш;
- кўппартиявийлик ва сиёсий плюрализмни қарор топтириш;
- ҳокимиятнинг тақсимланиши;
- давлат ва фуқароларнинг ўзаро мажбуриятларга эга эканликларининг тан олиниши ва қонуний мустаҳкамланиши;

–келишув, компромис ва консенсус сиёсий-хуқуқий тизимининг мавжудлиги;

–фуқароларнинг сиёсий жараёндаги фаол иштироклари ва давлат ҳокимиятининг олий идоралари ҳамда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идоралари шаклланишида сайловчиларнинг хал қилувчи аҳамиятга эга эканлиги ва бошқалар.

Демократиянинг санаб ўтилган кўринишларини ўзида акс эттирган жамият демократик жамият дейилиши мумкин.

### 3

Демократик жамият қуришнинг умумэътироф этилган тамойиллари

1. Фуқаролар эркинлиги ва тенг ҳуқуқлиги қонунларда мустақамланади ва амалда тўлиқ ҳимояланади.

2. Халқ ҳокимиятчилигининг восита ва шакллари қонунан ўрнатилди ва сўздагина эмас амалда, ҳаётда тўлиқ амал қилади.

3. Ижтимоий муносабатлар, сиёсий, иқтисодий, мафкуравий жисмоний зўравонлик асосида тартибга солинади.

4. Ошкоралик, эркин фикр қатъиян ман қилинади.

5. ОАВ, таълим тизими, ижодкор уюшмалари орқали тақиқлаш якка мафкурага асосланади

6. Расмий мафкурага мос келмайдиган нашриёт ман қилинади (цензура).

7. Сиёсий қатағонликлар. НКВД, ГПУ тюрма ва бошқалар, аҳоли кўрқув остига олинади.

Шундай экан, Ўзбекистон халқи ўз миллий ғояси негизларига таянган ҳолда ривожланиш йўлини танлади. Унинг ўзига хос сабаблари мавжуд. Улар асосан қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, мустақиллик туфайли халқимиз ўзига хос ва мос ривожланиш йўлини танлаш ҳуқуқига эга бўлди.

*Иккинчидан*, «мустабид тоталитар тузум» даврида коммунистик мафкура тарғиботчилари ўзбек халқининг турмуш тарзи, дунёқараши, тарихи, урф-одатлари, анъаналари ва миллий хусусиятларини ҳисобга олмасдан бизга бегона ва ёт бўлган қадриятларни, мақсадларни сингдиришга уриниб келган. Бунинг асоратларидан халос бўлишга қаратилган маънавий эҳтиёж пайдо бўлди.

*Учинчидан*, маълумки, ҳар қандай давлат ёки жамият мақсадсиз яшай олмайди. У ривожланиши учун маънавий асосларини белгилаб олади. Тарихий мақсад халқнинг миллий-маънавий ғояларида ўз ифодасини топади. Шу маънода ўзининг мустақил йўлини танлаб олган Ўзбекистонда миллий ғояни ўрганишга зарурат бўлган деб қаралиш лозим.

*Тўртинчидан*, жамият қурилиши тарихида ҳар хил ғоялар ҳукмронлиги бўлган. ғоявий мақсадлар туфайли жамият ҳаётида турли

хил воқеалар рўй бергани табиий, улар турли хил оқибатларни келтириб чиқарган. Демак, ғоя билан ғоянинг, мақсад билан мақсаднинг, фикр билан фикрнинг фарқини билиш ва англаш учун ҳам миллий истиқлол ғоясини ўрганиш зарур.

*Бешинчидан*, ғоялар жамиятдаги турли инсонлар, ижтимоий гуруҳлар, қатламлар, халқлар, миллатлар мақсади, орзу интилишлари, хаётни идрок этиш, кўникма ва малакалари, хулқ-атвор кўринишлари, кадриятлари манфаати билан узвий боғлиқ бўлади. У ёки бу ғоя қайси манфаатни қандай тамойилларга асосланган ҳолда ифода этишга ва қандай ғоя эканлигига баҳо берилади.

*Олтинчидан*, ғоялар таъсир кўлами билан ҳам бир-биридан фарқланади. Айрим ғоя тарафдорлари мутлоқ ҳақиқатни эътироф этишга даъво қилиши мумкин. Улар ўз мақсадларини бошқа халқларнинг миллий хусусиятларини ҳисобга олмасдан, қандай йўл билан бўлмасин «сингдиришга» уринади. Демак, бу борада ҳар биримиздан огохлик талаб этилади.

*Еттинчидан*, миллий истиқлол ғоясини ўрганишнинг зарурлиги бугунги дунёда мафкуравий курашнинг давом этаётганлиги билан ҳам боғлиқ. Инсонлар онги ва қалбини эгаллаш унга таъсир кўрсатиб, ўз мақсад ва муддаоларини бир томонлама амалга оширишга уринишлар тўхтамаётганлигидан ҳам келиб чиқмоқда. Миллий истиқлол ғоясини фан сифатида ўрганишнинг сабабларини

## 7-мавзу: ЎЗБЕКИСТОННИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ - МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТ АСОСИ

### Режа:

1. Ўзбекистон ривожланишининг Ҳаракатлар стратегиясининг мазмун моҳияти.

2. Ўзбекистон ривожланишининг Ҳаракатлар стратегиясининг устувор йўналишлари.

3. ХСнинг миллий ва умуминсоний негизларга асосланиши.

#### 1

Ўзбекистон ривожланишининг Ҳаракатлар стратегияси 2017-2021

Жонажон Ватанимизда амалга оширилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамалакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш юзасидан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 7-февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонига асосан тасдиқланди.

Стратегия ва тактика – (грекча “кўшинни олиб бораман” ва грекча “тартибга солмоқ”) сиёсий ҳаёт, сиёсий жараён ва сиёсий курашда сиёсий партиялар, бошқа кучлар, ҳаракатлар, ташкилотлар иштирок этишининг назарияси ва амалиёти. Стратег (грекча) – кўшин бошлиғи, олий бош қўмондон ёки давлат сиёсатини олий даражада олиб борувчи сиёсий раҳбар.

#### 2

Фармон 10 банддан иборат. Унинг биринчи бандида қуйидаги беш устувор йўналишдаги вазифалар белгилаб берилган:

► **давлат ва жамият қурилиши такомиллаштиришга** йуналтирилган демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда парламентнинг ҳамда сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш, давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш, давлат хизматининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ривожлантириш, “Электрон ҳукумат” тизимини такомиллаштириш, давлат хизматлари сифати ва самарасини ошириш, жамоатчилик назорати механизмларини амалда татбиқ этиш, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ролини кучайтириш;

► **қонун усуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишга** йуналтирилган суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлаш, маъмурий, жиноят,

фуқаролик ва хўжалик қонунчилигини, жинойтчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизими самарасини ошириш, суд жараёнида тортишув тамойилини тўлақонли жорий этиш, юридик ёрдам ва ҳуқуқий хизматлар сифатини тубдан яхшилаш;

► **иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштиришга** йўналтирилган макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш бўйича институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш, ҳудудлар, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ҳолда ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий сармояларни фаол жалб этиш;

**Либерализм** – (бу атама лотинча “либералис” сўзидан олинган бўлиб, “эркинлик” деган маънони англатади) мафкура, ижтимоий-сиёсий ҳаракат. У ижтимоий имтиёзлар ва авлоддан-авлодга ўтувчи ҳокимиятга қарши чиқиб буржуа қатламларининг қарашларини ўзида мужассам этади. Асосий тамойиллари: индивидуализм, эркинлик, бозор ва рақобатнинг мутлақлиги, давлатни чеклаш зарурлиги (асосчилари И.Бентам, Ж.Миль, А.Смит, Г.Спенсер). Либерализм – ҳозирги даврда энг йирик ва кўп тарқалган мафкуравий оқимлардан биридир. Либерализм XVII-XVIII асрда маърифатпарварлик давр ғоялари негизида тарих сахнасига чиқиб келаётган буржуазия синфининг мафкураси сифатида шаклланди. Бу мафкуранинг асосий қоидалари Ж.Локк, Т.Гоббс, Ш.Монтескье, А.Смит, Т.Жефферсон, Д.Миль асарларида асослаб берилди. Либерализмнинг пойдеворини шахс эркинлиги, унинг барча жамият институтларига нисбатан энг олий қадрият эканлиги, шахснинг ҳам ўз олдида, ҳам жамият олдида масъуллиги барча кишиларнинг ўзини-ўзи рўёбга чиқариш ҳуқуқини тан олишлиги каби принциплар ташкил этади.

► **-ижтимоий соҳани ривожлантиришга** йўналтирилган аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириб бориш, ижтимоий ҳимояси ва соғлигини сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, арзон уй-жойлар барпо этиш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, таълим, маданият, илм-фан, адабиёт, санъат ва спорт соҳаларини ривожлантириш, ёшларга оид давлат

сиёсатини такомиллаштириш;

► **хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритишга йўналтирилган давлатимиз мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, Ўзбекистоннинг ён-атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва аҳил қўшничилик муҳитини шакллантириш, мамлакатимизнинг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш.**

Давлат дастурини амала оширишга 37,7 триллион сўм ва 8,3 миллиард АҚШ доллари йўналтирилган.

Фармоннинг 2 бандида: Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш бўйича Миллий комиссия ва устувор йўналишларни амалга ошириш бўйича комиссиялар тузилиши айтилган.

Фармоннинг 3 бандида: Ҳаракатлар стратегияси мансабдор шахслар фаолиятининг бирламчи вазифаси эканлиги ва ҳар бир йил учун давлат дастурини қабул қилинишида Ҳаракатлар стратегияси назарда тутилиши белгиланган.

Фармоннинг 4 бандида: 2017 йил Ўзбекистон Республикасида “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” деб эълон қилинганлиги маълумот учун қабул қилиниши айтилган.

Фармоннинг 5 бандида: Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш бўйича комиссиялар вазифалари белгилаб берилган.

Фармоннинг 6 бандида: Давлат дастурида назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш учун масъул давлат органлари ва ташкилотлар қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратсин дейилади:

-жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, аҳоли билан очиқ мулоқотни йўлга қўйишнинг янги, самарали механизм ва усулларини жорий этиш, мансабдор шахсларнинг аҳоли олдида ҳисобот бериши тизимини амалда татбиқ этиш, шу асосда халқнинг давлат ҳокимиятига бўлган ишончини мустаҳкамлашга;

-жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда бюрократик тўсиқ ва ғовлар яратилишига, аҳоли билан мулоқот жараёнини кампаниябозликка айланишига йўл қўймасликка;

-Давлат дастури доирасида ўтказилаётган тадбирларнинг очиқлиги, уларда фуқаролар, барча даражадаги давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатлари, нодавлат нотажорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нуронийлар, хотин-қизлар, ёшлар, ижодий ва илмий муассасалар вакилларининг кенг иштирок этишига.

Фармоннинг 7 бандида: Давлат дастури бўйича Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг вазифалари белгиланган.

Фармоннинг 8 бандида: Давлат дастури бўйича оммавий ахборот воситаларининг вазифалари белгиланган.

Фармоннинг 9 бандида: Давлат дастури бўйича Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг вазифалари белгиланган.

Фармоннинг 10 бандида: Фармон ижроси назорати Бош вазир А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчилари зимасига юкатишганлиги айтилади.



**Мовий ҳаворанг** – осмон ва тоза сув рамзи, буюк Амир Темур давлатининг байроғининг ранги.

**Сиёҳранг** – қонунийлик элементлари ҳисобланган устуворлик ва орномуслилик рамзи.

**Тилларанг** – иқтисодий ривожлантириш элементлари ҳисобланган куч-қудрат ва бойлик рамзи.

**Қизил ранг** – ҳаёт ва аҳолининг муносиб турмуш тарзини таъминлаш рамзи.

**Оқ ранг** – тинчликсеварлик сиёсати элементлари ҳисобланган тинчлик ва софлик рамзи.

### 3

#### *миллий ва умуминсоний негизлар*

Ватанпарварлик - барча замонларда айнан истиқлол ва мустақиллик даврида кенг ҳамкорлик маъносини касб этади. Гарчи ватанпарварлик ахлоқий категория бўлса-да, барча мафкура, ғоя тур ва тизимларида фаол қатнашади.

Инсонпарварлик - оламдаги жамики нарсалар инсон ва унинг бахт-саодати учун яратилган. Юртбошимиз ибораси билан айтганда, “Инсонпарварлик бу ўзбек халқи миллий руҳиятининг ажралмас фазилатидир”. Шу маънода гуманизм, инсонпарварлик мафкурани асосий негизларидан бирини ташкил этади.

Демократия - (халқ ҳокимияти) бу кўпчиликни ҳокимият бошқарувида ўз вакиллари билан қатнашувидир.

Байналмилаллик - (арабча миллатлараро) жаҳондаги барча миллат ва элатларининг тенглик, ҳамжиҳатлик назарияси ва амалиёти.

Тараққиёт – раванқ, давлат ёки жамиятни иқтисодий сиесий ва маънавий соҳада ўсиши, такомиллашуви.

Тинчлик - жамият ижтимоий қатламларини ва турли давлатларни ўзаро келишиб, ички ишларига аралашмасдан фаолият юритиши.



Ҳамкорлик – давлат муассасалари ва инсонлар, давлатларни ўзаро тараққиёт учун олиб борадиган иқтисодий, сиёсий ва маънавий алоқалари.

Яратувчанлик – меҳнатсеварлик – инсон бор экан у яратувчилик билан машғул бўлади, меҳнат қилади. Меҳнат объектив олами инсонлар томонидан мақсадли ўзлаштиришга қаратилган фаолият туридир.

Маърифатпарварлик – кишиларни билимга чорлаш, билимдон, зиёлиларни қадрлаш жараёни.

Эркинлик – кишиларни бутун имкониятларини рўёбга чиқариши учун лозим бўлган, яратилган муҳит.

## 8-мавзу: ГЛОБАЛЛАШУВ ДАВРИДА АХБОРОТ МАКОНИ ВА ҒОЯВИЙ МАҒКУРАВИЙ КУРАШЛАР

Режа:

1. Глобаллашув даври.
2. Ахборот макони ва ахборот хавфсизлиги.
3. Маънавий таҳдидлар.

### 1

*Глобаллашув*<sup>5</sup> (глобализация) - лотинча “глоб” сўздан олинган бўлиб, айнан уни “думалоқлашув”, “курралашув”, деб таржима қилиш мумкин. Ер шарининг, Ер куррасининг фан-техника ютуқлари туфайли инсоният ихтиёридаги худди бир бутун шарга, куррага айланишини тушунтириш учун ишлатилади.

Катта “саккизлик” мамлакатлари раҳбарларининг 1999 йил ёзида Германиянинг Кёльн шаҳрида бўлиб ўтган учрашуви Якуний коммюникесининг иккинчи банди айниқса катта аҳамиятга эга. Унда глобаллашув жараёнига расмий таъриф берилган<sup>6</sup>.

*Биринчидан*, глобаллашув ғоялар, капитал, техника ва товарларнинг бутун дунё бўйлаб оқиши жадаллашиб ва кенг миқёсга эга бўлиб бораётган мураккаб жараён сифатида баҳоланган.

*Иккинчидан*, глобаллашув айрим жамиятлардаги турли халқларни ниҳоятда яқинлаштирган очиклик туфайли юзага келган туб ўзгаришлар билан боғлиқ.

*Учинчидан*, глобаллашув борган сари кучайиб бораётган очиклик ва жадаллик натижаси сифатида бутун ер юзида ҳаёт даражасининг юксалиб боришига ва қашшоқдик даражасининг анча пасайишига ёрдам берувчи шарт-шароит деб қаралади.

*Тўртинчидан*, глобаллашув интеграциянинг ишлаб чиқариш самарадорлигини рағбатлантириш, имкониятларни кенгайтириш ва иқтисодий ўстириш эвазига қўшимча иш жойлари яратишга имкон бериб улгурган ва бунда давом этадиган янги шакли сифатида қаралмоқда.

*Бешинчидан*, глобаллашув ахборот соҳасидаги инқилоб билан чамбарчас боғлиқ. Бу инқилоб эса, ўз навбатида, янги жамиятга ўтишнинг шарт шароити ҳисобланади. Яъни жаҳон цивилизацияси индустриал ва ностиндустриал жамиятдан ахборотга асосланган жамиятга ўтиш принципига борган сари кўпроқ амал қилмоқда.

*Олтинчидан*, глобаллашув турли маданиятлар ва кадрларнинг борган сари кучайиб бораётган ўзаро таъсири сифатида демократик жамиятлар қуриш, инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларининг кафолатларини шакллантириш принципида ифодаланди.

<sup>5</sup> Мустақиллик: изоҳли илмий-оммабоп луғат. Тўлдирилган учинчи нашри. – Т.: Шарқ, 2006. 70-71 бетлар.

<sup>6</sup> Қобилов Ш. Миллий хавфсизликнинг иқтисодий муаммолари. –Т.: Ўқитувчи, 2006. 166 бет.

*Еттинчидан, глобаллашув айрим ишчилар, оилалар ва элатлар учун яшаш жойини ўзгартириш ва молиявий ноаниқлик билан боғлиқ хавф-хатарнинг ортишида намоён бўладиган муайян тахтидларга ҳам эга.*

Президент Ислом Каримов ўзининг “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарида “Глобаллашув-бу аввало ҳаёт суръатларининг бекиёс даражада тезлашуви”, деб таърифлайди.

*Глобаллашув-бу Ер шарига, сайёрага тегишли бўлмоқ, жаҳон аҳамиятига молик бўлмоқдир. Айни чоғда мафкуравий жараёнлар шу мавқеда турибди.*

*Бутун дунёни қамраб олган, инсониятнинг бугунги ва келажасига хавф солувчи, ечимини топшида барча давлатлар ва халқларнинг ҳамжиҳатлик билан биргаликда ҳаракатини талаб қилувчи муаммоларга глобал муаммолар деб аталади.*

Ҳозирда 10 та глобал муаммо бор:

1. Тинчлик ва қуролсизланиш.

2. Экологик. Экология бўйича деградацияланиш яъни табиий ҳолатининг йўқолиши.

3. Демографик.

4. Энергетик. 20 асрнинг 70 йили энергетика муаммоси пайдо бўлди.

5. Хомашё.

6. Озиқ-овқат муаммоси. ФАО (Халқаро озиқ-овқат билан таъминлаш ташкилоти) бор. Инсоннинг 1 кунлик нормаси 2400-2500 ккал бўлиши лозим. 1800 ккал. овқатга инсон тўймайди, 1000 ккал дан кейин очлик бошланади. ФАО маълумотича дунёда 35 % одам овқат тўйиб ейди, 20 % оқсилга танқис, 30 % очдир. Очлар 700-800 млн киши. 1,5 млрд одам тўйиб овқат емайди. Ривожланаётган мамлакатларда йилига 13-18 миллионгача киши очликдан ўлмоқда. Шунинг 4/3 қисми болалар. Очларнинг 200 миллиони Африкага, 370 миллиони Жанубий ва Жанубий Шарқий Осиёга, 70 миллиони Жанубий Америкага, 30 миллиони Яқин ва Ўрта Шарқ митақасига тўғри келади.

7. Дунё океанларидан фойдаланиш.

8. Коинотдан тинч мақсадларда фойдаланиш.

9. Ривожланаётган давлатларни қолоқликдан чиқариш муаммоси. 30 % давлат қолоқ ҳисобланади. Шунинг 4/3 қисми Африкага, 18 та мамлакати Осиёга тўғри келади.

10. Мафкуравий муаммо.

Инсоният тараққиёти айни вақтда ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш жараёнидир. Бу жараён асрдан-асрга, минг йиллар давом этган. Капитализм давригача бу жараён секин кечган ва асрдан-асрга тезлашиб борган. XV асрда бошланган капитализм даври бозор муносабатларининг ривожланиши учун мисли йўқ даражада кенг

имкониятлар очиб берди, инсон ташаббуси, тадбиркорлиги, шижоати, ихтирочилиги, кашфиётлари намоён бўлишига беҳад шароитлар яратди. Шу боис, инсоният жамияти XVI-XX асрларда XV асргача бўлган беш миллион йиллик тарихида яратилган моддий ва маънавий бойликларга нисбатан кўпроқ неъматлар яратди. Капитализм даврида темир йўллар, океан кемалари, авиация, радио, телефон, телеграф, телевидение, интернет тизими, Ернинг сунъий йўлдошлари, кино, кундалик матбуот ва бошқа нарсалар яратилди. XX асрнинг иккинчи ярмига келиб, Ер шари ҳаммамизга маълум, ҳар жиҳатдан ўзлаштирилган, ҳар куни ҳар бурчагида нима бўлаётгани барчамизга маълум гўшага айланди. Ер куррасининг номаълум, инсон билмаган, у оёқ босмаган жойлари қолмади. Фан ва техниканинг янгидан-янги ютуқлари бу борада инсоннинг имкониятларини янада кенгайтирмоқца.

Глобаллашувнинг ижобий томони шундан иборатки, у халқларнинг, давлатларнинг, миллий маданият ва иқтисодиётларнинг яқинлашишини тезлаштиради, уларнинг ривожланиши учун янги имкониятлар очади. Унинг салбий томони шундай иборатки, кўп минг-минг майда, қоқоқ этник гуруҳлар ва миллатларнинг маданияти, тили, расм-русумлари жаҳон бўйлаб кучайиб бораётган глобаллашув жараёнларида катта миллатлар, йирик миллий маданиятлар, бой тиллар билан рақобатлаша олмай, ўз-ўзидан фаол ижтимоий-иқтисодий, лисоний-забоний ҳаётдан четга чиқиб қолмоқда.

ГЛОБАЛЛАШУВНИНГ ОҚИБАТЛАРИ		
№	<i>Ижобий</i>	<i>Салбий</i>
1	Халқаро интеграция	Ўткир мафкуравий таъсир
2	Ҳамкорлик алоқалари	Мафкуравий тазйиқ
3	Хорижий инвестициялар	Маънавий таҳдидлар
4	Капитал ва товарлар алмашинуви	Мафкуравий хуруж
5	Ишчи кучининг эркин ҳаракати	Маънавий бўшлиқ
6	Янги иш ўринларини яратилиши	Хатарли таҳдидлар
7	Замонавий коммуникация	Ахборот хуружлари
8	Ахборот технологиялари	Ахлоқий бузуклик
9	Илм-фан ютуқларининг тез тарқалиши	“Оммавий маданият”
1	Қадриятларнинг уйғунлашуви	Эгоцентризм
1	Цивилизациялараро мулоқот	Маънавий негизларга беписандлик

1	Ўзаро ёрдам имкониятларини	Зўровонлик
2	ортиши	

Бундай шароитда ҳар бир онгли фуқаронинг вазифаси-ўз миллатининг рақобатбардошлигини кўтариш, бунинг учун унинг фаол сиёсати, тадбиркор иқтисодиёти, маданиятида салмоқли ютуқлари учун курашишдир. Бунинг учун мустақил Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси, биринчи навбатда, ҳозирги кун амалиёти талаб қилаётган тўрт сифатга эга бўлиши шарт:

- 1) замонавий мутахассис бўлиши;
- 2) ўзбек давлат тили, рус тили, инглиз тилларини мукамал билиши;
- 3) доим ўз билим доирасини янгилаб бориши ва
- 4) тадбиркор-ташаббускор бўлиши керак.

## 2

Ҳозирги дунё ва давр мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кучлироқ бўлиб бораётган бир даврдир.

**Глобаллашув**-бу Ер шарига, сайёрага тегишли бўлмоқ, жаҳон аҳамиятига молик бўлмоқдир. Айни чоғда мафкуравий жараёнлар шу мавқеда турибди.

Бугунги дунёдаги мисилсиз илмий кашфиётлар, улкан техникавий имкониятлар, унверсал технологиялар, ахборот тарқатишнинг глобаллашуви, яъни уларни бугун Ер шарини қамраб олиш жараёни шиддат билан бормоқда.

## 2

Бугун ҳаётимизнинг барча жабҳаларига ахборот-коммуникация ва компьютер технологияларининг кириб келганлиги айна ҳақиқат. Бу ўзгаришларнинг асосини ахборотлаштириш, телекоммуникация ва компьютер технологиялари ташкил этади. XXI аср - ахборотлашган жамият асридир.

Дарҳақиқат, республикамиз Биринчи Президенти Ислом Каримов:“XXI аср глобаллашув ва чегараларнинг барҳам топиш даври, ахборот-коммуникация технологиялари ва интернет асри, жаҳон майдонида ва дунё бозорида тобора кучайиб бораётган рақобат асри...”<sup>7</sup> - дея бежиз таъкидламаган эди. Шу боис ҳам ҳозирги вақтда ахборотнинг тез ва сифатли узатилишини таъминлаш мамлакат тараққиёти ва равнақининг бош мезонига айланиб бормоқда.

“XX асрнинг 90-йилларидан бошлаб ахборотлаштириш соҳаси кескин ривожланиб кетди. Бизнинг асримиз, яъни XXI асрни ахборотлаштириш ва коммуникация асри деб бежиз аташмайди.

Кундалик турмушда турли кўринишдаги ахборотлар масалан, матнли,

<sup>7</sup>Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз – демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. Т. 20. –Т.: Ўзбекистон. 2012. 178-бет.

графикли, жадвалли, овозли (аудио), расмли, видео ва бошқа ахборотлар билан ишлашга тўғри келади”.

Умуман олганда, ахборот (лотинча “information” - “тушунтирмак”, “баён этмок”) замонавий фан сиёсатнинг асосий тушунчаларидан бири бўлиб, дастлаб кишилар томонидан оғзаки, кейинроқ ёзма ёки бошқа шаклларда узатилган.

“Ахборот – манбалар ва тақдим этилиш шаклидан қатъий назар шахслар, предметлар, фактлар, воқеалар, ходисалар ва жараёнлар тўғрисидаги маълумот”.

Жамият ўз ривожланишининг барча босқичларида билимлар ишлаб чиққан ва улардан фойдаланиб келган. Маълумки, инсоннинг ривожланиши учун ахборот сув, ҳаво ва олов каби керак бўлади. “Ахборот – тўртинчи ҳаётий зарур элементдир” (Е.Кудрас).

Ахборот - билимга бўйсунувчи тушунча. Ахборот билимни бойитади, уни ўзгартиради. Инсон ижтимоий турмуши тараққиёти асосида билим ётади, яъни ижтимоий тажрибани ҳаракатлантиради.

**“Ахборот хуружи”** - муайян бир жамият ёки миллат, ижтимоий қатлам ё гуруҳ онги ва руҳиятига ташқаридан ўтказиладиган ахборий босим ўтказиш, бегона ва ёт мақсад-манфаатларга хизмат қиладиган сохта ва уйдирма хабарлар таҳдиди.

“Ахборот хуружи” маънавий таҳдид кўринишларидан, хавфсизлик турларидан бири деб айтиш мумкин.

Адабиётларда мазмуни бўйича хавфсизлик турлари сифатида: ҳарбий, илмий-техникавий, ижтимоий, сиёсий, демографик, иқтисодий, генетик, экологик, криминалогик, ахборот, энергетик, маданий, интеллектуал, ҳуқуқий каби хавфсизлик шакллари қайд этиб ўтилади.

Ахборотлар бошқа маҳсулот турларидан фарқли равишда бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга:

1. Ахборот захиралари мутлақо битмас-туганмасдир. Жамиятнинг ривожланиши ва ахборотга бўлган талабининг ортиб бориши уни камайтирмайди, аксинча ўстиради.

2. Ахборотдан фойдаланишнинг имконияти йўқолмайди, балки сақланади.

3. Ахборотни замонавий коммуникация воситалари орқали бир зумда исталган жойга етказиш мумкин. Аҳамиятлиси, бу жараён кўп вақт ёки муайян механизм талаб этмайди.

4. Ахборот мазмуни вақт ўтиши билан эскирмайди, тарихий факт бўлиб қолаверади.

5. Ахборот захиралари мустақил эмас, фақат бошқа захиралар билан бирлашган ҳолда ҳаракатланувчи куч сифатида намоён бўлади.

Ахборотнинг бундай хусусиятлари унинг мулк сифатидаги қийматини оширади ҳамда уни олиш, тасарруф этиш ва турли мақсадлар йўлида фойдаланиш истагини кучайтиради.

Маълумки, амалдаги қонунчилигимизга асосан олиш имкониятига кўра ахборотлар қуйидагича фарқланди:

1. Фуқаролик муомаласидаги ахборотлар.
2. Оммавий ахборотлар.
3. Олиш имконияти чекланган ахборотлар.

Тадқиқотчи Н.Умарова таъкидлаганидек: “Ахборот ҳарбий снарядга, оммавий ахборот воситалари эса тажовуз куралига айлантирилмоқда. Ахборот урушлари биз билган урушлардан қатор жиҳатлари билан ажралиб туради: биринчидан, ахборот урушлари анча камхарж, кўшин сақлашни, кураол-яроғ сотиб олишни талаб қилмайди: иккинчидан, ахборот урушлари ҳеч қандай чегарани тан олмайди. У интернет, сунъий йўлдош орқали алоқа, оммавий ахборот воситалари ҳукмронлик қилаётган бугунги дунёда ахборотни божхона кўригидан ўтказиб, сарагини саракка, пучагини пучакка ажратишнинг иложи йўқ. Бироқ энг ташвишлиси, бу урушда рақибни жисмонан йўққилиш эмас, уни ўзига маънан бўйсундириш мақсад қилинади. Ахборот урушида инсон онги, миллат руҳияти нишонга олинади. Бу урушда бинолар зарар кўрмаса-да, одамлар ўлдирилмаса-да, моддий бойликларга шикаст етмаса-да, унинг мафкуравий, маънавий, руҳий зарари беқиёсдир”.

Куч-қудрат манбаи тўғрисида Шарқнинг “Куч – адолатда”, Ғарбнинг эса “Билим – бу куч” каби нақллари глобаллашган замоннинг бир нуқтасида кесишиб, “Куч – ахборотда” деган умумий бир қонуниятни шакллантирди.

Бугунги кунда ижтимоий хавфи катта бўлган муаммолардан холи бўлиш учун юртимизда ижтимоий тармоқларни ривожлантириш бўйича йирик миллий лойиҳани яратиш зарурияти тобора ортиб бораёпти. Боиси, “Google” компанияси таҳлилларига кўра, Ўзбекистондан кунига “Odnoklassniki.ru” сайтига 200000, “Facebook” сайтига 90000га яқин, “Мой мир” сайтига 40000 нафардан ортиқ фойдаланувчи ташриф буюрмоқда. Ваҳоланки, юртимиздаги doira.uz, ziyonet.uz, odnoklassniki.uz, sinfdosh.uz, muloqot.uz каби сайтларда рўйхатдан ўтганларнинг барчаси жамланса ҳам юқоридаги сайтларнинг фойдаланувчилари миқдорига етмайди<sup>8</sup>. Шу боис интернет тармоғини миллий қадрият ва анъаналаримизни ўзида акс эттирувчи веб-сайтлар билан бойитиш, таълим муассасаларини интернет тармоғига улашда одоб-ахлоқ қоидаларига мувофиқ бўлмаган веб-сайтлардан

---

<sup>8</sup>Ўсаров О. Ахборот хавфсизлиги. “Миллий тикланиш” газетаси, 2013 йил 26 июнь. 3-бет.

фойдаланишга чекловларни жорий этиш, ёшларда ахборот ресурсларидан фойдаланиш маданиятини шакллантириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан саналади.

Бугунги кунда ҳар қандай ахборот яшин тезлигида дунёнинг турли чеккаларига етиб бориши, миллионлаб одамлар ундан бир зумда хабар топиши оддий ҳол бўлиб қолган. Бундай одатийликнинг қулайликлари билан бир қаторда салбий оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган хавфли томонлари ҳам бор. “Чунки сир эмаски баъзан беозоргина бўлиб туюлган мусиқа, оддийгина мултфильм ёки реклама лавҳаси орқали ҳам маълум бир мафкуравий мақсадлар ва интилишлар ифодаланади.

Ер куррасида бугун етти миллиарддан зиёд одам истиқомат қилаётган бўлса, уларга етказилаётган ахборот унданда кўп. Булардан қай бири холис, қайсиниси кимнинг манфаатлари учун хизмат қилади? Ушбу саволларга ҳар бир фуқаро учун ҳар бир ахборот юзасидан жавоб қайтаришнинг ёки буни энг минимал даражада амалга оширишнинг имкони йўқ.

Юқоридагилардан келиб чиққан холда куйидаги тавсияларни бериш мумкин:

*биринчидан*, ташқи ахборий таҳдид, “ахборот ҳуруж”ларига нисбатан барқарор ва тизимли муносабатни шакллантириш;

*иккинчидан*, фуқароларимизнинг ҳар қандай ахборотларни таҳлил қилиш маҳорати ва малакасини ўстириш лозим, токи уларнинг ўзи оқни қорадан яхши ажрата олиш имкониятига эга бўлсин;

*учинчидан*, шиддатли ахборот оқими таркибида жамият ва давлат манфаатларига мос бўлган ахборотни одамлар тезроқ қабул қиладиган ва ишонадиган даражага олиб чиқиш зарур. агар бу вазифа етарли даражада амалга оширилса, салбий ахборотларнинг ижтимоий онгга таъсири кескин пасайиб кетади;

*тўртинчидан*, миллий ОАВга ишончни ошириш лозим, чунки, ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг энг муҳим шартлари жамиятда ахборот тақчиллигини бартараф этиш масаласи билан боғлиқ. Агар аҳоли маҳаллий ОАВга ишонмаса, уларни асосий ахборот манбаи сифатида қабул қилмаса, бошқа ахборот манбаларини излаши табиий ҳол;

*бешинчидан*, ахборот бошқаруви ва технологиялари соҳасини малакали кадрлар билан таъминлаш зарур;

*олтинчидан*, ёшлар тарбиясига таъсир кўрсатувчи “оммавий маданият”нинг салбий иллатлардан доимо огоҳ бўлишимиз лозим;

*еттинчидан*, чет элдан экспорт қилинаётган тарихимиз, миллий қадриятларимиз ва энг муҳими миллий онгимизга салбий таъсир кўрсатувчи “оммавий маданият”, “ахборот ҳуруж”ларига қарши курашиш



учун халқимиз қалби ва онгида мафкуравий иммунитетни янада кучайтиришимиз керакдир.

**Биз ахборотларни қуйидаги тартибда қабул қиламиз ва қайта ишлаймиз<sup>9</sup>**

- 1% - таъм билиш,
- 1,5% - ҳид сезгиси,
- 3,5% - тана сезгиси,
- 11% - эшитиш,
- 83% - кўриш сезгиси орқали қабул қилар эканмиз.

Хитойликларда “Мен эшитаман ва унутаман, мен кўраман ва тушунаман, мен қиламан ва хотирамга келтираман”- деган нақл мавжуд.

**Биз эсда олиб қоламиз:**

- 10 % - ўқиганларимизни
- 20 % - эшитганларимизни
- 30 % - кўрганларимизни
- 50 % - кўрган ва эшитганларимизни
- 80% - гапирганларимизни
- 90% - гапирган ва қилганларимизни

**Биз эслаймиз:**

Билим бериш услуби	3 – соатдан кейин	3 – кундан кейин	1 – йилдан кейин
Маъруза ҳикоя	70%	10%	3%
Кўрсатма-шоу	72%	20%	13%
Маъруза-кўрсатма	85%	65%	33%
Ҳикоя-кўрсатма-амалиёт	98%	95%	75%

**Замонавий медиа воситаларидан фойдаланиш одоблари<sup>10</sup>**  
 (“Дунё уламолари мурожаати” китоби асосида)

Уламолар замонавий ахборот технологияларидан фойда-ланганда қуйидагиларга эътибор беришни тавсия қиладилар:

**Биринчи қоида:** медиа воситаларига ижобий қараш ва ушбу неъматлар учун Аллоҳ таолога шукр қилиш.

**Иккинчи қоида:** мўмин киши медиа воситалардан савоб ишларда ва эҳтиёжини қондиришда фойдаланиш.

<sup>9</sup> Каналы восприятия информации. Центры Каунтерпарт Консорциума. 2000 г.

<sup>10</sup>Дунё уламолари мурожаати [матн] / - Тошкент: Movarounnahr, 2016. -157-162 бетлар.

**Учинчи қоида:** медиа воситалардан фойдаланишда чуқур масъулиятни ҳис этиш.

**Тўртинчи қоида:** медиа воситаларидан фойдаланув-чиларга яхши томондан ибрат бўлиш.

**Бешинчи қоида:** медиа воситаларда маълумотларни тарқатиш олдидан қатъий позицияга эга бўлиш.

**Олтинчи қоида:** медиа воситаларидан фойдаланганда омонатдорлик ва одоб-ахлоқ билан иш тутиш.

**Еттинчи қоида:** медиа воситалардан Ҳақ йўлига чақириш ва маърифат тарқатиш мақсадида фойдаланиш.

**Саккизинчи қоида:** медиа воситалардан фойдаланишда бузғунчи ғоялардан огоҳ бўлиш.

**Тўққизинчи қоида:** медиа воситалари ўтмишда яшаган солиҳ аждодлар ҳаётини акс эттирувчи ойна бўлиши.

**Ўнинчи қоида:** ислом уммати дуч келаётган муаммоларга медиа воситалардан ечим излаш.

**Ўн биринчи қоида:** медиа мусулмонларнинг ҳамжи-ҳатлиги ва аҳолининг тинчлиги йўлида восита бўлиши.

**Ўн иккинчи қоида:** медиа воситалардан фойдаланишда яхшиликларга эргашиш, ёмонликлардан йироқ бўлиш керак.

Ушбу келтирилган қоидалар замонавий медиа воситаларидан фойдаланиш чоғи ҳар бир мусулмон амал қилиши керак бўлган баъзи одоблар, холос.

**Халқаро миқёсида энг кўп маълумот тарқатадиган ОАВ<sup>11</sup>**

- СИ-ЭН-ЭН
- БИ-БИ-СИ
- ТВ-5
- Евроњьюс
- Ассошиэйтед Пресс
- Франс Пресс
- Рейтер
- ИТАР-ТАСС
- Америка овози

**Ахборот маданиятини ошириш йўллари**

- олинган ахборотни бошқа манбалар билан солиштириб кўриш;
- ахборотдаги маълумотларни мантиқан таҳлил қилиб чиқиш;
- муҳим фактларни асл манбалар ёрдамида текшириш;

---

<sup>11</sup>Профессор Ф.А. Мўминов тарқатма материаллари асосида.

•ахборот ким томонидан ва қандай мақсадда берилганини таҳлил қилиб чиқиш;

•ахборот кимни фойдасига ишлашани ўрганиб чиқиш;

•муҳим маълумотларнинг архивини олиб бориш;

•юксак шахсий маданиятга эга бўлиш ва бошқалар.

**Ахборот** (лотинча “informatio”-тушунтирмақ, баён этмоқ) замонавий фан ва сиёсатнинг асосий тушунчаларидан бири; дастлаб кишилар томонидан оғзаки, кейинроқ ёзма ёки бошқа шакллар узатилган маълумот; XX асрнинг ўрталаридан бошлаб инсонлараро, инсон-автомат, автомат-автомат ўртасидаги маълумот ҳамда ҳайвонлар ва ўсимликлардаги сигнал алмашинуви, ҳужайрада ҳужайрага муайян белгиларнинг узатилиши ва шу кабиларни англата бошлаган.

Ижтимоий ҳаётга татбиқан ахборот-кишилар, предметлар, фактлар, ҳодисалар, жараёнлар ва шу кабилар ҳақидаги маълумотларни англатади.

**Ахборотлашган жамият**-кишилиқ жамияти ривожланишининг ҳозирги босқичида шаклланаётган ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида ахборот ҳамда информатикадан оқилона фойдаланишга асосланган сифатий ҳолатини тавсифловчи тушунча.

Ахборотлашган жамият назарияси асосчилари ижтимоий ривожланишни «босқичлар алмашинуви» нуқтаи назаридан қараган ҳолда, унинг шаклланишини қишлоқ хўжалиги, саноат ва хизматлар иқтисодиётидан кейин пайдо бўлган иқтисодиётнинг тўртинчи – “ахборот сектори” юзага келиши билан боғлайдилар.

Уларнинг фикрига кўра, индустриал жамиятнинг асоси бўлган капитал ва меҳнат ахборотлашган жамиятда ўз ўрнини ахборот ва билимга бўшатиб беради.

*Ахборотлашув жараёни жамиятдаги иқтисодий ҳамда ижтимоий-маданий ўзгаришларга жиддий таъсир кўрсатади.* Фарб социологлари фикрига кўра, ахборотлашган жамият техника соҳасида-ишлаб чиқариш, иқтисодиёт, таълим ва маиший ҳаётга ахборот технологияларининг кенг жорий этилиши; иқтисодий ҳаётда-ахборотнинг товарга айланиши; ижтимоий ҳаётда-ахборот турмуш, ҳаёт даражаси ўзгаришининг асосий омилига айланиши; сиёсий соҳада-кенг миқёсда фикр алмашишга замин яратувчи хилма-хил ахборотларни эркин олишга йўл очилиши; маданият соҳасида-ахборот алмашинуви давр эҳтиёжларига жавоб берадиган нормалар ва қадриятларнинг шаклланиши билан характерланади.

Айни пайтда ахборотлашган жамият:

-уйда ишлашнинг кенгайишига, транспорт ҳаракатининг камайишига ва бунинг оқибатида табиатга тушадиган «юк»нинг кескин қисқаришига олиб келади;

-иш кунининг қисқариши одамларнинг уйда кўпроқ бўлишига ва оилавий муҳитнинг барқарор бўлишига замин яратади;

-кейинги юз йилликларда кишилар шаҳар яшаш ва ишлаш учун энг қулай макон, деган хулосага келдилар. Ахборотлашув жараёни эса, қишлоқдан туриб ҳам бутун олам билан мулоқот қилиш, энг обрўли ташкилотларда ишлаш, шаҳар аҳолиси баҳраманд бўлаётган маданият ютуқларини истифода этиш имкониятини яратади. Бу эса, ўз навбатида нисбатан осуда ва тинч бўлган, табиатга яқин қишлоқларга қайтиш ёки у ерда доимий қолиш учун замин яратади;

-масофавий таълим билим олишнинг энг қулай шаклига айланиши баробарида, аҳолининг кенг қатламлари учун ҳатто энг элитар олий ўқув юртлари эшикларининг очилишига замин яратади. Содда қилиб айтганда, маълумотлилик кўп даражада инсоннинг ҳоҳиш-иродасига боғлиқ бўлиб қолади.

*Айни пайтда, ахборотлашув жараёни бир қатор муаммоларни ҳам келтириб чиқаради.*

“Юмшоқ эротика”дан тортиб “очиқ порнография”гача бўлган ҳодисалар билан боғлиқ муаммолар ана шулар жумласидандир. Бундай ҳолатларнинг олдини тўла-тўқис олиб бўлмайди. Зеро, ахборот тармоқларининг узилишларсиз ишлаши унинг муҳим сифатий белгиси ҳисобланади ва бу жараён доимий такомиллашувни бошдан кечирмоқда. Демак, юқоридаги каби “муаммолар” йўлига қанчалик тўсиқ қўйилмасин доимо уларни «айланиб» ўтиш имконияти мавжуд бўлади.

Яна бир муаммо муаллифлик ҳамда интеллектуал мулк ҳуқуқининг бузилиши билан боғлиқ. Шундай экан, ахборот тармоғида кўпчилик кўра олмайдиган ҳудудлар юзага келиши табиий. Бугунги кунда компаниялар ўз ахборотларини ҳимоя қилиш ва рухсат этилмаган киришларнинг олдини олиш учун катта маблағлар сарфлаётгани ҳам шундан.

Ахборот турли ижтимоий қатламлар, профессионал ва миллий гуруҳлар вакилларга ҳар хил таъсир қилиши баробарида уни истеъмол қилиш амалиёти турли гуруҳларда бир-биридан кескин фарқ қилиши мумкин. Бу энг аввало, ахборот манбалари миқдори ўртасидаги фарқда намоён бўлади. Масалан, айрим одамларда ахборот манбаи минимал (телевидение, радио), айримларда эса кенг (интернет, янги телекоммуникациялар тизими) бўлиши мумкин.

### 3

**Таҳдид**– хавфнинг аниқ ва бевосита шакли. Таҳдид – хавфнинг энг олий даражаси бўлиб, унда нафақат яққол ният, балки хавфсизлик объектига бевосита зиён етказиш қобилияти ва тайёрлик намоён бўлади. Таҳдид доимо аниқ характер ва мазмунга эга. Шунинг учун ҳам аксарият ҳолатларда унинг мазмуни аниқ ҳуқуқий тавсифга эга бўлиб, тегишли

норматив-ҳуқуқий актларда қайд этилади, мисол учун, Жиноят кодекси моддаларида (агрессия, терроризм, контрабанда ва ш.к.).

**Ғоявий-маънавий таҳдид** - тили, дини, эътиқодидан катъий назар, ҳар қайси шахснинг том маънодаги озод инсон бўлиб яшашига қарши қаратилган, унинг айнан руҳий оламини издан чиқариш мақсадини кўзлайдиган мафкуравий, ғоявий ва ахборот хуружлардан иборат.

Илмий таҳлиллар, кўпчилик хурматига ва эътиборига сазовор бўлган манбаларга асосан ғоявий-маънавий таҳдидлар куйидагиларда намоён бўлмоқда: (*Қобулбек Каримбеков-сиёсий шарҳловчи “Ғоявий-маънавий таҳдидлар ва “оммавий маданият” хавфи” мақоласидан*).

- *биринчидан*, инсоннинг эркинлигига дахл қилади, уни фикрий жиҳатдан қарам қилишни кўзлайди;

- *иккинчидан*, инсоннинг руҳий дунёсини издан чиқаришга йуналтирилган мафкуравий, ғоявий ва ахборот хуружлари шаклида амалга оширилади;

- *учинчидан*, турли ниқоблар, жозибали шиор ва ғоялар пардаси остига яширилади;

- *тўртинчидан*, катга маънавий йуқотишларга олиб келади, халқларнинг миллий ва диний томирларига болта уради;

- *бешинчидан*, ёт ғоя ва зарарли дунёқарашни аввало беғубор ёшларнинг қалби ва онгига сингдиришга қаратилади;

- *олтинчидан*, мамлакат хавсизлиги ва миллий манфаатларига таҳдид солади, жамиятни инқирозга олиб келади;

- *еттинчидан*, дунёнинг барча мамлакатлари ва халқлари ҳаётига дахлдор масала саналади.

Демак, ғоявий-маънавий таҳдид қайси давлат ёки халққа қарши қаратилишидан катъий назар, бутун инсониятда бирдек ташвиш ва хавотир уйғотиши аниқ.

**Мафкуравий таҳдид** - ижтимоий-сиёсий ҳаракат, оқим ёки сиёсий куч ўз манфаатини ифодаловчи мафкурасини кўрқитув, зўрлик йўли билан бошқаларга тикиштириш. Мафкуравий таҳдид жамият, давлат ёки халқ, миллат ёки элат тақдирига хавф солиб турган бўлиб, кўпчиликнинг талаб-эҳтиёжларига мос келса, бу соҳадаги тарбия воситалари таъсирчан, тарбиячилар эса фаол ва фидойи бўлса, кўзланган марраларга эришилади. Жамият, халқ, ҳали ўз манфаатларини англаб етмаган, ўз мафкурасини шакллантириб, мақсадлари сари сафарбар бўлмаган холларда бегона ва зарарли ғоялар таъсирига тушиш эҳтимоли ортиб боради. Бу эса мафкуравий таҳдидни йўлга қўйиш, соғлом мафкура тамойилларини ахоли қалби ва онгига муттасил сингдиришни долзарб вазифага айлантиради. Ўбекистон шароитида мафкуравий таҳдиднинг асосий вазифаси - халқимизнинг озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо

этиш йўлидаги асрий орзу-истаклари, мақсадларини, миллий мафкурамизнинг моҳиятини кенг жамоатчиликка тушунтириш, айниқса, ёшлар онгига сингдиришдан иборатдир. Мафкуравий таҳдид жамиятда, авваламбор, оила, мактабгача ёшдаги болалар муассасалари, мактаблар, лицей, коллежлар, олий ўқув юртлари, оммавий ахборот воситалари, жамоат ташкилотларининг биргаликдаги фаолиятини тақозо қилади. Узлуксиз таълим тизими мафкуравий таҳдидни олиб борувчи асосий буғиндир, зеро мафкуравий мақсадларни кишилар, айниқса, ёшлар онгига сингдириш вазифаси, асосан, ана шу тизим орқали амалга оширилади.

**Миллий хавфсизлик** – хавфсизликнинг фундаментал субъектлари – шахс, жамият ва давлат хавфсизлиги ҳолатини англатувчи ибора. Миллий хавфсизлик сиёсат категорияси сифатида миллий манфаатларни таъминлашнинг усуллари, воситалари ва шаклларини англатади. Постсовет макони давлатларининг миллий қонунчилигида юридик жиҳатдан қуйидаги таъриф мустақамлаб қўйилган: *«миллий хавфсизлик – бу шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатларини ташқи ва ички таҳдидлардан ҳимояланганлик ҳолати»*. Миллий хавфсизликиборасини биринчи мартаба 1904 йилда АҚШ Президенти Т.Рузвельт қўллаган. 1947 йилда АҚШда *«Миллий хавфсизлик ҳақида»*ги қонун қабул қилиниб, унда мазкур тушунча ички, ташқи ва ҳарбий сиёсат масалаларининг интеграцияси сифатида изоҳланди.

Биринчи Президент Ислон Каримов мафкуравий таҳдидлар, уларнинг мазмун-моҳияти ва асосий йўналишлари ҳақида. (“Ўзбекистон ХХІ асрга интилмоқда, хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолотлари” асари асосида)

### **Хавфсизликка таҳдидлар**

1. Минтақавий можаролар
2. Диний экстремизм ва фундаментализм
3. Буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчилик
4. Этник ва миллатлараро зиддиятлар
5. Коррупция ва жиноятчилик
6. Маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик муносабатлари
7. Экологик муаммолар

### **Маънавий таҳдидлар**

**Маънавий таҳдид** деганда, аввало, тили, дини, эътиқодидан катъи назар, ҳар қайси одамниинг том маънодаги эркин инсон бўлиб яшашига (13) қарши қаратилган, унинг айнан руҳий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзда тутадиган мафкуравий, ғоявий ва информацион хуружларни назарда тутиш лозим, деб ўйлайман.(14) Каримов И.А. “ЮМЕК”.

Миллий маънавиятимизга таҳдидлар ташқи ва ички таҳдидларга бўлинади.

#### **Ташқи таҳдидлар:**

- глобаллашув
- мафкуравий хуружлар
- бангибозлик-наркотик моддаларнинг кенг ёйилиши
- одам савдоси
- юртимиздаги демократик жараёнларни бузиб кўрсатиш
- миссионерлик
- парнография саноати маҳсулотлари
- ахборот хуружи-интернет...

#### **Ички таҳдидлар:**

- худбинлик ва лоқайдлик
- қариндош-уруғчилик ва маҳаллийчилик
- коррупция ва манфаатпарастлик
- бошқаларни менсимаслик
- инсон руҳиятига тез таъсир ўтказувчи телесериаллар
- санъатни миллий маънавий меросимиздан узоқлашуви
- Ғарбга тақлиднинг ривожланиши
- бозорбоп фильмларнинг яратилиши
- ахолининг табақаланиши
- “қариялар уйларини”нинг борлиги
- тўй-ҳашамлар
- кийиниш маданияти
- она тилимизни чуқур билмаслик
- муомала маданиятининг етишмаслиги...

## 9-мавзу: МИЛЛИЙ ҒОЯГА ДАХЛДОРЛИК ҲИССИ - БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Режа:

1. Дахлдорлик ҳисси тушунчаси.

2. Миллий ғояга дахлдорлик ҳиссини шакллантириш омиллари.

3. Барқарорлик шартлари ва кафолатлари.

### 1

Қадим-қадим замонлардан бошлаб аждодларимиз дахлдорлик шаъни, шухрати, унинг истикболи ва тақдири учун курашиб келганлар, уни кўз қорачиғидай асраганлар, керак бўлса жон фидо қилганлар. Шунинг учун энг муқаддас тушунча дахлдорликдир. Бу тушунчанинг нуфузи шу қадар юксакки, уни-эъозлаган кишига толе ёр бўлади.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати” китобида “Дахл (арабча)-тегишлилик, тааллуқлилик, алоқа, муносабат”<sup>12</sup>, деб, “Туйғу-1.(физиологик) Ташқи таъсирни сезиш, ҳис этиш, қабул қилиб олиш қобилияти, сезги. 2.Рухий ёки жисмоний кечинмалар, ҳис-туйғулар мажмуи, ҳис-туйғу, ҳис-ҳиссиёт. 3.Кўтаринки рух, эҳтирос”<sup>13</sup> деб изоҳлар берилади.

“Туйғу-бу сининг ичингиздаги энг қудратли куч. Туйғу чўлни боққа, тийинни хазинага айлантиради. Туйғу-бу ёнилғи. Ақл эса-кемани ҳаракатга келтирувчи ёки инсоният тараққиётини ривожлантирувчи кучдир”<sup>14</sup>, деб ёзади америкалик - бизнесмен-файласуф Жим Рон. У туйғуларни тўрт турини: нафрат туйғуси, қарор туйғуси, истак туйғуси ва жасорат туйғуларини санаб ўтади.

Инсон руҳиятида бир қатор туйғу турларини санаб ўтиш мумкин: Ватан, севги, ишон, ўз-ўзини туйиш, гўзалликни туйиш, эгалик, фахр, дахлдорлик каби ва бошқалар.

“Дахлдор (арабча-форсча)-алоқадор бўлган, алоқаси, дахли бор, тегишли, тааллуқли”<sup>15</sup> тушунча сифатида келтирилади.

“Дахлдорлик” тушунчаси эса “дахл” арабча сўзга форсча “дор”, ўзбекча “лик” қўшимчаларини қўшиш натижасида пайдо бўлган, фазилатни ифодаловчи тушунса сифатида қайд этиш мумкин.

*Демак, дахлдорлик - кишиларни ватанга, миллатга, меросга, аждод-авлодларга, жониворларга, табиат ҳодисаларига ва нарса-ҳодисаларга алоқадорлигини, тааллуқли эканлигини ифодаловчи ахлоқий тушунча ва инсоний фазилатдир.*

Биринчи Президентимиз Ислон Каримов айтганидек, Ватан туйғуси, ватанпарварлик тушунчаси биз учун саждагоҳдай муқаддас, саждагоҳдай

<sup>12</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Икки томлик. 1 Т. -Москва: Рус тили нашриёти, 1981. 215-бет.

<sup>13</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Икки томлик. 2 Т. -Москва: Рус тили нашриёти, 1981. 221-бет.

<sup>14</sup> Жим Рон. Ақл витаминлари. –Т.: «Санъат журнали» нашриёти, 2009. 37-39-бетлар.

<sup>15</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Икки томлик. 1 Т. -Москва: Рус тили нашриёти, 1981. 215-бет.



пок ва улуғ бўлмоғи керак. “Биз она Ўзбекистон истиқлолини, унинг шаъну-шавкати қандай ҳимоя этишни ота-боболаримиздан мерос қилиб оламиз ва унинг ҳимоясига ҳамиша тайёр турмоғимиз даркор. Улуғ аждодларимиздан муқаддас мерос бўлиб келаётган Ватанга муҳаббат туйғуси, фарзандларимиз, бугунги ва келажак авлодларимиз учун чинакам эътиқодга, чинакам ақидага айлансин. Миллий ғурур, миллий ифтихори баланд миллатни енгиб бўлмайди”<sup>16</sup>.

Бизнинг халқимиз ўзи туғилган жойга жуда катта муҳаббат боғлайди. Шунинг учун ҳам улар бошқа жойга кўчишни хошлашмайди. Бошқа жойларга кетганда ҳам доимо ўзи туғилган эл-юртидан алоқасини узмай, уни зиёрат қилиб туради. Бу ҳам Ватанига-дахлдор, садоқатли бўлишнинг кўринишидир.

Дахлдорлик - инсоннинг ота-онаси, қариндош уруғлари, туғилиб ўсган жойгина эмас, балки ёшлик даврларни бошидан кечирган, югуриб елиб ўйўнаган, сайр қилган далалар, чўмилиб юрган сойлар, дарёлар, оромгоҳ боғлар, тоғлар, табиат муҳитдир. Демак, Ватанни севмоқ - киндик қони туғилган жой табиатини севмоқ унинг учун қайғуриш ҳам демакдир.

Дахлдорлик - бу биринчи мактаб, биринчи билим, орттирилган дўстлар, билим бериб вояга етказган ўқитувчилардир. Шунинг учун ҳам инсон қанча ёшга кирмасин, қаерда ишламасин биринчи мактаб, биринчи ўқитувчи, мактабдошларини ҳеч қачон ёддан чиқармайди, уларга доимо хурмат-иззат билан қарайди.

Дахлдорлик - бу ўсиб улғайган маҳалла. Маҳалла ёшлик даврини энг яхши кунлари кечган ҳозирги ҳаётида ҳам ҳамдард, ҳамнафас бўлиб келаётган кўни-қўшни, дўсту биродарлар масканидир. Маҳаллага хурмат, маҳалла ахли билан доимо маслаҳатли иш қилиш, тўй-томошалар ва бошқа тадбирларни ўтказишни ҳар бир инсон ўзининг муқаддас бурчи деб билган. Ҳозир ҳам маҳалла ахлининг роли тобора кучайиб бормоқда.

Дахлдорлик - бу оила ҳамдир. Шундай экан оилага, киндик қони тўкилган жойга меҳр-муҳаббатда бўлиш айна вақтда Дахлдорликга садоқатли бўлиш демакдир. Оила жамиятимизнинг асосини ташкил қилади. Оила аъзоларини, улар туғилган ва истиқомат қиладиган уй жойни эъзозлаб айна вақтда ҳар бир оиланинг, инсоннинг шажарасини, тарихини яхши билишини тақозо этади. Ҳар бир инсон, ўз оиласи, ота-она, эл-юрт тарихини, шажарасини яхши билиб олиши лозим. Бунда айниқса оила, мактаб катта роль ўйнайди.

Дахлдорлик - бу ҳар бир инсон ишлаётган меҳнат жамоаси, ўқиётган билим юрти, ижтимоий сиёсий муҳит ҳамдир. Меҳнат жамоасининг инсон ҳаётида тутган ўрни катта. Чунки меҳнат жамоасида ҳар бир инсон ҳаёт

<sup>16</sup> “Халқ сўзи”, 1995 йил 6 май.

мактабини ўтаб, мутахассис бўлиб етишади, маънавий камол топади, ҳаётда ўз ўрнини эгаллайди, шуҳрат қозонади.

Дахлдорлик - бу ҳар бир кишининг яшаб турган қишлоқ, шаҳари, тумани, вилояти. Шунинг учун ҳам улар туман, шаҳар, вилоят ютуқлари билан фахрланади, унга ўз ҳиссасини қўшишга интилади, мавжуд тарихий ёдгорликлар билан фахрланади. Уларнинг гуллаб-яшнашига, ободонлигига кўмаклашади. Дахлдорлик - бу халқимизнинг жаннат мисол макони Ўзбекистон Республикасига тегишли бўлмоқдир.

Она-юртга, Ватанга дахлдорлик - инсон учун олтин бешик. Инсон ана шу олтин бешикда дунёга келади, илк бор қадам ташлайди, униб ўсади, вояга етади, эл юрт хизматига бел боғлайди. Шунинг учун ҳам дахлдорлик ҳар қандай инсон учун онаси каби азиз ва муқаррам туйғудир.

Дахлдорлик бу халқнинг ўтмиши, бугуни ва келажагидир. Дахлдорлик деганда ҳамиша ўзимиз туғилиб ўсган, таълим олган, вояга етган неча-неча авлоду аждодларимиз яшаб ўтган, уларнинг ақлу-идроклари, меҳнатлари сарф этилган муқаддас юртга тегишли бўлмоқдир. Дахлдорлик бу ота юрт, аждодлар маскани, эл-юрт, халқ вояга етган, унинг тили, тарихи, маданияти, урф-одатлари, қадриятлари чинакамига шаклланиб, чуқур илдиз отиб, ўсиб камол топиб борадиган заминга тегишлиликдир.

Дахлдорлик-муқаддас қадрият. Тараққиёт дахлдорликдан бошланади. У инсоннинг киндик қони тўкилган жой, ҳар кимнинг борлигини қадрловчи замин, маънавий камолот ва саодат майдонидир. Шунинг учун ҳам ҳар бир инсон ўз дард-аламини, орзу-умидларини дахлдорлик тақдири билан боғлаб келган.

Дахлдорлик меҳрини, дахлдорлик сеҳрини, унинг мўътабарли улуғворлигини сўз билан ифодалаш қийин.

## 2

Мустақил Ўзбекистоннинг стратегик мақсади – бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий-демократик давлат ва фуқаролик жамиятини қуришдан иборатдир. Бунинг учун ҳар бир Ўзбекистон фуқароси, аввало, шахсий фаоллик, билимдонлик, дахлдорлик, инсонпарварлик каби олижаноб фазилатлар соҳиби бўлиши лозимки, бу жараён халқимиз маънавий ва маърифий мероси, қадриятларидан унумли ва самарали фойдаланишни тақозо этади.

“Ўзбеклар табиатан бошқа халқлар, уларнинг миллий хис-туйғуларига катта ҳурмат билан қарайдиган жаҳондаги заковатли миллатлар қаторига киради. Саховатпешалик, очиққўнгиллилик, раҳм-шафқатлилик, инсонпарварлик, меҳмондўстлик, андишалилик, иззат ва ҳурматпешалик - булар ўзбек миллатига хос хусусиятлардир. Бу фазилатларни эъзозлаш ва янада ривожлантириш ёшларимиз зиммасига катта масъулият

юклайди”<sup>17</sup>, деб ёзади профессор Иброҳим Каримов. Ушбу олим миллатимизга хос фазилатлар сифатида санаб ўтган 7 фазилатлар қаторига 8 фазилат сифатида дахлдорликни ҳам қўшиб қўйиш мумкин.

“Тараққиёт тақдирини маънавий жиҳатидан етук одамлар, халқлар техникавий билим, мураккаб технологияни эгаллаш қобилияти, маънавий баркамоллик, мустақил тафаккур билан бирга бориши керак. Ақлий заковат ва руҳий-маънавий салоҳият маърифатли инсоннинг икки қанотидир”<sup>18</sup>.

Ватанпарварлик, миллатпарварлик, миллий ифтихор ва дахлдорлик ҳам маънавий фазилатлар тизимига киради. Маънавий баркамол, ахлоқ-одоби, виждони, имони, эътиқоди мустаҳкам бўлган кишиларгина ўз ватанини, халқини севиш, уни ҳурмат қилиш имконига эга бўладилар.

Биринчи Президент Ислам Каримовнинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” асарида фазилатлар ҳақида бир қатор ҳикматлар бор:

“Байналмиллалчилик, меҳмондўстлик, яхшилик, қалб саховати ҳамиша ўзбек халқига хос фазилатлар бўлиб келди. Халқимиз ҳеч қачон бошқа халқларга нисбатан душманлик кайфиятида бўлмаган. Бу қадимий ва ҳозирги тарихимиздан олинган кўпгина мисоллар билан исботланган”<sup>19</sup>.

“Ўзбек халқини қадимдан меҳмондўст, очиқ кўнгил, жон қўшни, пок ниятли халқ сифатида билишади”<sup>20</sup>.

Дахлдорлик ҳисси ва дахлдорлик туйғуси инсон учун барча нарсалардан кадрлироқдир.

Дахлдорлик миллий истиқтиқлол мафқурасининг ажралмас, таркибий қисмидир. Ҳаёт тарзининг устувор йўналиши, инсон фаолиятининг моҳияти, унинг мақсади, манфаати, яшаш тарзи, дахлдорлик туйғусида мужассамлашгандир.

Ҳақиқий дахлдорлик миллат манфаати деб яшаш, унинг истиқболи, бахти ва саодати йўлида меҳнат қилиш учун курашишдир. Дахлдорлик эрки ва юрт озодлиги учун ҳаётини тиккан кишини халқ ҳам, тарих ҳам асло унутмайди. Бундайларни бемалол ҳақиқий дахлдорликпарвар деб айтса бўлади.

Мустақил Ўзбекистонимизнинг равнақи, истиқлоли новқирон авлод тарбияси ва таълимига кўп жиҳатдан боғлиқ. Ёшлар Ватанимизнинг, мамлакатимизнинг келажагидир. Ватанимиз тақдирини уларга ишониб топширамыз. Бунинг учун улар зиммаларига юклатилаётган энг мураккаб

<sup>17</sup> Каримов И. Маънавият, фалсафа ва ҳаёт. –Т.: Фан, 2007. 79-бет.

<sup>18</sup> Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тармоқлари. –Т.: Ўзбекистон, 46-бет.

<sup>19</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. –Т.: Ўзбекистон, 2011. 52-53-бетлар.

<sup>20</sup> Ўша асар. 143-бет.

ва масъулиятли вазифани бутун моҳияти ила чуқур англашлари, хис қилишлари, унга ўзларини ҳозирданок тайёрлаб боришлари лозим.

Ёшларда ўз Ватанига дахлдорлиги билан фахрланиш туйғуси ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди. Ватанга дахлдорлиги бўлган одамнинг қалбига она сути билан бирга киради. Бу муқаддас туйғуни она алласи парвариш қилади, ота тарбияси ва ўрнаги улғайтиради.

Ёш авлодни дахлдорлик руҳида тарбиялашда уруш ва меҳнат фахрийларининг роли катта. Инсонда юртга, ватанга муҳаббат, келажакка ишонч туйғуларини шакллантириш ва ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. “Ватанга муҳаббат ҳисси, - дейди Президент И. Каримов, - одамнинг қалбида табиий равишда туғилади. Яъни инсон ўзлигини англагани, насл-насабини билгани сари юрагида ватанга муҳаббат туйғуси илдиз отиб, юксала боради. Бу илдиз қанча чуқур бўлса, туғилиб ўсган юртга муҳаббат ҳам шу қадар чексиз бўлади”<sup>1</sup>.

Шу бидан бирга, фахрийларга ҳурмат-эътибор билан қараш, уларни ижтимоий муҳофаза қилиб, жамоат ишларида, айниқса ёшларни дахлдорлик руҳида тарбиялашда фойдаланиш - мустақил давлатимиз томонидан қилинаётган хайрли ишлар сирасидандир.

Ёшларда дахлдорлик ҳис-туйғуларини шакллантириш ва ривожлантиришда оила тарбияси катта ўрин тутди. Жамиятнинг, давлатнинг, инсоннинг келажаги оиладан бошланади. Инсонда юртга, ватанга муҳаббат, келажакка ишонч туйғуларини шакллантириш ва ривожлантиришда таълим-тарбиянинг аҳамияти бениҳоя катта.

Ҳаёт тажрибаси, инсоннинг илмий, ахлоқий камолоти, ўз бурчи ва масъулиятини ҳис қилиш имконияти кучайиб бориши натижасида дахлдорлик туйғуси кундалик ахлоқ меъёрларига, кейинроқ бориб эътиқод ва имонга айланади. Бугунги кунда ёшларимиз дахлдорлик билан ўз ватанига содиқ бўлиш, уни ҳимоя қилишга тайёр бўлиш, миллий қадриятларни асраш ва янада ривожлантириш, халқнинг шон-шарафини юқори кўтариш кабиларни боғлайдилар.

Юртига дахлдорлик ва миллатга, ўз маданияти ва менталитетига, ўзига ва атрофдагиларга муносабатлар ахлоқ доирасига киради. Дахлдорлик ва халқпарварлик - энг юксак маънавий-ахлоқий қадриятлардандир. Миллий ғояда Ватан равнақиға, унинг гуллаб-яшнаши, озод ва обод бўлишига устуворлик берилган. Дахлдорлик туйғуси, дахлдорлик ҳисси маданий меросимизда салмоқли ўрин эгаллайди. Қай бир буюк мутафаккир ва шоирни олмайлик, унинг ижодида Она-юрт, жонажон ўлка, қадрдон гўша фахр билан куйланган. Алишер Навоийнинг

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Миллий истиқлол мафқураси-халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир// Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. 8-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 2000. -Б. 502.

қуйидаги сатрлари ватанга дахли бўлган бекиёс муҳаббатнинг ёрқин ифодасидир:

“Боқингиз, бир тараф Рус, бир тараф Чин,  
Демасмен: Ҳинд ё Эронни ортуқ.  
Дахлдорлик бўлмас, ёронлар, бизга лекин  
Қадим туғости шу Турондин ортуқ”.

Албатта, миллий ғоя негизлари фақат миллатнинг тор доирадаги заминлари билан чекланмайди. Шунинг билан бир қаторда, умумбашарият эришган илгор ютуқларга ҳам таянади.

Шунинг учун ҳам Президент Ислом Каримов мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгандан кейин ижтимоий ривожланишнинг қуйидаги тўртта асосий негизини белгилаб берган эди. Булар<sup>21</sup>:

- умуминсоний қадриятларга содиқлик;
- халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;
- инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши;
- Ватанпарварлик кабилардир.

Кўриниб турибдики, уларда миллий ғоя тамойиллари умуминсоний қадриятлар билан ўзаро уйғунлашиб кетган.

Мамлакат ёшларида Ватанга дахлдорлик, миллатпарварлик, халқпарварлик ва умуминсонийлик каби туйғуларни шакллантириш ҳам миллий ғоянинг муҳим тамойили ҳисобланади. Чунки, бошқа ҳар қандай ғояларга қараганда ҳам унда ўзини англаган ҳар қандай инсон қалби, юраги ва онгига таъсир этувчи нозик туйғулар мужассамлашган. Хусусан, инсон ўзини-ўзи англаб, мен кимман, менинг авлод-аждодаларим ким, қайси миллатга мансубман, менинг она заминим қаерда, - деган саволларни ўзига бериш ва унга жавоб топишни миллий ғоядан, унинг улкан негизларидан излайди. У саволларга бошқа биронта ғоя жавоб бера олмайди.

Президент И.А.Каримовнинг “Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва кам бўлмаймиз” деган чақириғининг заминиди бой мазмун мужассам. Бунда бугунги ютуқларимиздан фахр туйғуси ҳам, эркин бунёдкорлик фаолиятига чорлов ҳам, мамлакатимизнинг буюк келажагига ишонч ҳам ўз ифодасини топган.

### 3

Ўзбекистон Республикаси биринчи президенти Ислом Каримовнинг “*Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари*” асари ҳақида қисқача маълумот  
Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “*Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик*

<sup>21</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Т.: Ўзбекистон, 1996. I-том. - Б. 76.

шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асари мустақиллигимизнинг беш йиллик натижаларини умумлаштириш ва келгусидаги вазифалар таҳлилига бағишланган.

“Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилган Ўзбекистон Республикаси Ислом Каримовнинг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асари том маънода мустақиллигимизга хавф соладиган таҳдидлар, мустақил тараққиётимиз шартлари ва кафолатларининг ёритувчи тарихий, сиёсий, таҳлилий ва манбавий асардир. Ушбу асар Президентимизнинг алоҳида асарлар таркибига киради. Ҳажми 326 бет, нашр табоғи 21 босма табоқдан иборат. Асар: муқаддима, икки боб, 16 параграф ва хулоса қисмдан иборат.

Асар икки бобдан иборат бўлиб, “Хавфсизликка таҳдид” деб номланган биринчи бобида XXI аср бўсағасида: халқаро вазият, кучлар нисбатидаги туб ўзгаришлар таҳлил этилади. Умумий, минтақавий ва миллий хавфсизлик масалалари, уларнинг ўзаро боғлиқлиги ҳам кенг ёритилган. Муаллиф хавфсизликка таҳдид солаётган ижтимоий-сиёсий зиддиятлар, қарама-қаршилиқлар ва муаммоларни, уларнинг ижтимоий-сиёсий, иқисодий, маънавий илдизларини илмий, назарий, амалий жиҳатдан биринчи бор ҳар томонлама теран очиб берган.

### **І БОБ. ХАВФСИЗЛИККА ТАҲДИД**

1. Минтақавий можаролар
2. Диний экстремизм на фундаментализм
3. Буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчилик
4. Этник ва миллатлараро зиддиятлар
5. Коррупция ва жиноятчилик
6. Маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик муносабатлари
7. Экологик муаммолар

Иккинчи боб “*Барқарорлик шартлари ҳамда тараққиёт кафолатлари*” деб номланган бўлиб, унда мустақиллик йилларида мамлакатимизда маънавий қадриятлар ва миллий ўзликни англашнинг шаклланиши, миллий, ҳуқуқий давлатчилик, демократик институтлар ва фуқаролик жамияти асосларининг барпо этилиши ҳамда уларни янада такомиллаштириш вазифалари ёритилган. Мазкур бобда бозор муносабатларининг қарор топиши, мулкдорлар синфининг шаклланиши, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масалалари, мамлакатнинг жўғрофий-стратегик имкониятлари, бой табиий хом ашё ресурслари таҳлил этилади. Ўзбекистонда кенг кўламли ўзгаришлар ва ҳамкорлик кафолатларининг яратилиши, унинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши ва халқаро нуфузининг ортиб бориши, хорижий мамлакатлар билан ҳар томонлама

ҳамкорликнинг ўрнатилиши ва ривожланиши масалалари кенг ёритиб берилган.

## **II боб. БАРҚАРОРЛИК ШАРТЛАРИ ҲАМДА ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТЛАРИ**

1. Маънавий қадриятлар ва миллий ўзликни англашнинг тикланиши
2. Давлатчиликни шакллантириш ва муҳофаза қилишнинг мустақамлаш
3. Демократик институтларни ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш
4. Бозор муносабатларининг қарор топиши ва мулкдорлар синфининг шаклланиши
5. Кучли ижтимоий сиёсат ва аҳоли ижтимоий фаоллигининг ортиши
6. Жўғрофий-стратегик имкониятлар ва табиий-хом ашё ресурслари
7. Инсон саломатлиги, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфраструктураси
8. Кенг кўламли ўзгаришлар ва ҳамкорлик кафолатлари
9. Жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлик

Мазкур асарда Ўзбекистон Республикасининг ва бутун Марказий Осиёнинг XXI аср бўсағасидаги тақдири, ривожланиш истиқболлари, ўз эркимизни асраб-авайлашимиз, уни бугунги мураккаб ва баъзан шафқатсиз дунёдаги ҳаддан зиёд хавф-хатарлардан сақлаш, хавфсизлик ва барқарорлик йўлида пайдо бўлаётган таҳдидларга тегишли муносабат, миллий хавфсизлик ва таҳдид манбалари ҳақида муҳим хулосалар баён этилган.

Асарда хавфсизлик, барқарорлик, мамлакатнинг собитқадамлик билан ривожланишига эришиш учун ислохотларни амалга ошириш зарурлиги, жаҳон ҳамжамиятида юртимизнинг ўз ўрнини эгаллашни таъминлаш, давлат мустақиллиги ва суверенитетига, халқ эркинлиги ва тенглигига эришиш каби ижтимоий-сиёсий йўналишлар кўрсатиб берилади.

Асарда 90 дан ортиқ турли сиёсий, иқтисодий ва тарихий атамалар, 5 та мақоллар ва Форобий, Ибн Сино, Амир Темур каби сиймоларнинг ҳикматлари қўлланилган. Шу билан бирга “Огоҳ бўлинг, одамлар!” даъватига, “Тинчлик йўлида ҳамкорлик”, “Буюк Ипак йўлини тиклаш: маърифий туризмни ривожлантириш, туркий тилли давлатларнинг маданий меросини қайта тиклаш, асраш ва барқарор ривожлантириш” дастурларига, “Туркистон умумий уйимиз”, “Маънавий тикланиш”, “Кучли ижтимоий сиёсат”, “Ўзбекистон келажаги буюк давлат” ғояларига тасниф ва талқинлар берилган. Бир сўз билан айтганда ушбу асар: хавфсизликка солиш мумкин бўлган 7 та таҳдид, 5 та барқарорлик шартлари ва 4 та тараққиёт кафолатлари таҳлили ва талқинига бағишланган.

Мазкур асарда Ўзбекистон Республикасининг ва бутун Марказий Осиёнинг XXI аср бўсағасидаги тақдири, ривожланиш истиқболлари, ўз эркимизни асраб-авайлашимиз, уни бугунги мураккаб ва баъзан шафқатсиз дунёдаги ҳаддан зиёд хавф-хатарлардан сақлаш, хавфсизлик ва барқарорлик йўлида пайдо бўлаётган таҳдидларга тегишли муносабат, миллий хавфсизлик ва таҳдид манбалари ҳақида муҳим хулосалар баён этилган.

Китобда хавфсизлик, барқарорлик, мамлакатнинг собитқадамлик билан ривожланишига эришиш учун ислохотларни амалга ошириш зарурлиги, жаҳон ҳамжамиятида юртимизнинг ўз ўрнини эгаллашини таъминлаш, давлат мустақиллиги ва суверенитетига, халқ эркинлиги ва тенглигига эришиш каби ижтимоий-сиёсий йўналишлар кўрсатиб берилади.

Асар икки бобдан иборат бўлиб, *“Хавфсизликка таҳдид”* деб номланган биринчи бобида XXI аср бўсағасида: халқаро вазият, кучлар нисбатидаги туб ўзгаришлар таҳлил этилади. Умумий, минтақавий ва миллий хавфсизлик масалалари, уларнинг ўзаро боғлиқлиги ҳам кенг ёритилган. Муаллиф хавфсизликка таҳдид солаётган ижтимоий-сиёсий зиддиятлар, қарама-қаршилиқлар ва муаммоларни, уларнинг ижтимоий-сиёсий, иқисодий, маънавий илдизларини илмий, назарий, амалий жиҳатдан биринчи бор ҳар томонлама теран очиб берган.

Иккинчи боб *“Барқарорлик шартлари ҳамда тараққиёт кафолатлари”* деб номланган бўлиб, унда мустақиллик йилларида мамлакатимизда маънавий қадриятлар ва миллий ўзликни англашнинг шаклланиши, миллий, ҳуқуқий давлатчилик, демократик институтлар ва фуқаролик жамияти асосларининг барпо этилиши ҳамда уларни янада такомиллаштириш вазифалари ёритилган. Мазкур бобда бозор муносабатларининг қарор топиши, мулкдорлар синфининг шаклланиши, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масалалари, мамлакатнинг жўғрофий-стратегик имкониятлари, бой табиий хом ашё ресурслари таҳлил этилади. Ўзбекистонда кенг кўламли ўзгаришлар ва ҳамкорлик кафолатларининг яратилиши, унинг жаҳон жамиятига қўшилиши ва халқаро нуфузининг ортиб бориши, хорижий мамлакатлар билан ҳар томонлама ҳамкорликнинг ўрнатилиши ва ривожланиши масалалари кенг ёритилган.

*“Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари”* асарида фойдаланилган мақоллар:

1. “Ўзига хон-ўзига бек” (87)
2. “Пул ҳокимиятга интилади” (90)
3. “Фақат бизга яхши бўлса, ишимиз битса-бўлгани” (91)
4. “Қуришдан кўра бузиш осон” (182)
5. “Ортиқча чираниш белни синдиради” (190)



## 10-мавзу: МИЛЛИЙ ҒОЯ ТАРҒИБОТИНИНГ ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

### Режа:

1. Миллий ғоя тарғиботининг инновацион технологиялар тушунчаси.
2. Миллий ғоя тарғиботини амалга оширишнинг институционал асослари.
3. Миллий ғоя тарғиботида инновацион технологиялар.

#### 1

**Тарғибот** лотинча *пропоганда* сўзидан олинган бўлиб, тарқатилиши керак бўлган маълумот маъносини билдиради.

**Ташвиқот** лотинча *агитация* сўзидан олинган бўлиб, ҳаракатга келтирмоқ, деган маънони англатади.

Тарғибот ва ташвиқот ишлари асосан икки мақсадда амалга оширилади:

1. Эзгуликни, бунёдкорликни тарғиб этиш.
2. Ёвузликни, вайронкорликни тарғиб этиш.

Бунёдкор, эзгулик тарғиботлари бевосита давлат, жамият тараққиётини, фуқароларнинг фаровон ҳаёт кчиришларни таъминлашга қаратилади. Масалан, Мустақиллигимизни мустаҳкамлашга қаратилган ёки фуқароларимизнинг, айниқса ёшларимизнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган тарғиботлар.

Дунёда амалга оширилаётган турли давлатлар, халқлар манфаатларига салбий таъсир кўрсатишга қаратилган гиёпалитик, мафкуравий таҳдидлар, қайсидир восита ва усуллардан фойдаланган ҳола ёвузликни, вайронкорликни тарғиб этишда намоён бўлади. Масалан, диний экстремистик ва тераристик фаолиятга ундовчи салбий ғояларни тарғиб этиш.

**Тарғибот принциплари** қуйидаги 6 тани ташкил этади:

1. Ишонтириш принципи;
2. Тезкорлик принципи;
3. Долзарб янгиликлардан фойдаланиш принципи;
4. Тушунарлилик принципи;
5. Худудий ёндашув принципи;
6. Тингловчилар хусусиятидан келиб чиқиш принципи.

Ўқув юртларида малакали касб эгаларини тайёрлашда замонавий ўқитиш методлари – интерактив методлар, инновацион технологияларнинг ўрни ва роли катта. Педтехнология ва педагогик маҳоратга оид билим, тажриба ва интерактив методлар ўқувчи-талабаларни билимли етук малакага эга бўлишларини таъминлайди.

**Инновация (инглизча Innovation)** – янгилик киритиш, янгилик демакдир. Инновацион технологиялар педагогик жараён ҳамда ўқитувчи ва талаба фаолиятига янгилик, ўзгаришлар киритиш бўлиб, уни амалга оширишда асосан интрактив методлардан тўлиқ фойдаланилади.

**Инновация** – бу келажак дегани. Биз буюк келажакимизни барпо этишни бугундан бошлайдиган бўлсак, уни айнан инновацион ғоялар, инновацион ёндашув асосида бошлашимиз керак.

**Интрактив методлар** бу жамоа бўлиб фикрлаш деб юритилади, яъни педагогик таъсир этиш усуллари бўлиб, таълим мазмунининг таркибий қисми ҳисобланади. Яъни педагог ва ўқитувчи-талабаларнинг биргаликда фаолият кўрсатиши орқали амалга оширилади.

Тарғиб қилинаётган ғояларнинг инсон онгида ахборот, маълумот тарзида ўрнашиши кифоя қилмайди, улар инсоннинг юрак-юрагига етиб борганидагина улар инсон қалбига чуқур ўрна-шади. Бунинг учун эса аудитория тарғиботчининг миллий ғояга чуқур ишончи ва қатъиятини ҳис қилиши керак. Лекин тарғиботда ғояларга эътиборки тортиш билан ҳам қаноатланиш мумкин эмас. Чунки эътиборни жалб қилиш - тарғиботнинг биринчи босқичи, холос.

Тарғиботнинг кейинги босқичи ғояни тўғри ва атрофлича тушунтиришни, мафкура билан боғлиқ барча саволларга жавоб топиб беришни талаб қилади. Чунки миллий ғояни тушуниш - унга ишониш демакдир. Ана шу ерда бир саволга дуч келамиз: нима кўпроқ ишонч уйғотади: жиддий далиллар билан асосланган ахборотми ёки ҳиссиётларни уйғотувчи маърузами? Тарғибот давомида инсоннинг ҳисларига, қалбига мурожаат қилиш катта самара беради, албатта. Лекин ишончли далиллар, эътироз уйғотмайдиган ҳаётий маълумотларнинг келтирилиши бу ғояларни ҳаётга татбиқ қилишдан ҳаммамиз манфаатдор эканлигимиз ҳақидаги фикрни уйғотади.

Тарғибот жараёни шу ерда тугайди, деб ўйлайдиганлар катта хато қиладилар. Зеро, мафкура янги ишларга илҳомлантиради, ҳаракатга ундайди. Ҳаракатсиз мафкура эса сафсатабозлик-дан бўлак нарса эмас. Демак, инсонлар миллий мафкурадан ўрин олган ғояларга мос ҳаракат қила бошлаганларидагина миллий ғоя халқни эътиқодига айланганлиги ҳақида хулоса қилиш мумкин.

## 2

Мафкуравий тарбия омилларига мурожаат қилишдан олдин, шу жараёни асосий мақсади нимага қаратилганлигини аниқлаб олиш лозим. Мустақиллик неъматларидан бири- бу эркин фикрлаш, эркин ва мустақил бўлган инсонни тарбиялашдан иборатдир.

Бизнинг мафкуравий тарбиямиз эса тарбия омилларимизнинг савияси ва шаклига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

*Оила.* Жамиятнинг, давлатнинг, инсонинг келажаги оиладан бошланади. Оилада сингдирилган тарбия, Ватан, эл-юрт, мустақиллик, озодлик ҳақида бериладиган илк тушунча ва тасаввурлар боланинг мурғак қалбида бир умрга муҳрланиб қолади. Дину диёнатли хонадон оқсоқолларидан сўрасангиз, уларни лўнда қилиб, санаб беради:

- яхши ном қўйиш,
- яхши муаллим қйлига топшириб, саводини чиқариш,
- илмли қилиш,
- касбли-ҳунарли қилиш,
- бошини икки, уйли-жойли қилишдан иборат.

*Мактабгача таълим масканлари.*

Бу таълим масканларининг вазифаси бола камолоти асосларини шакллантиришдан, унинг маданий-ахлоқий эҳтиёжларини, дастлабки меҳнат кўникмаларини мустаҳкамлашдан иборатдир. Бу нарса мафкурамиз учун муҳимдир.

- *Умумий таълим мактаблари.*

Ёшларни 50% ёшлик ҳаёти мактабда ўтади. Ундан мафкуравий тарбия жараёнида унумли фойдаланиш, қолаверса тўғри ташкил этиш лозим бўлади.

- Касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар, ўрта–махсус билим юртлар. Бу даврда ёшларнинг ўзгарувчан “катта бўлиб” қолган даври келади.

- *Олий таълим даргоҳлари.*

Ёшларни институтлар, университетларда мустақил шахс сифатида тарбиялаш, мустақил «ҳаёт» даври кечади.

- *Маҳалла.*

Маҳалла халқимизнинг азалий анъаналарига таянган маскан. Кексаларни панд-насихати, катталарни шахсий ибрати, жамоанинг ҳамжиҳатлиги мисолида маҳаллада одамлар онгига эзгулик, ватанпарварлик, миллийлик ва инсонпарварлик ғоялари сингдирилиб борилади. Халқимизда “бир болага 7 маҳалла ота-она” деган нақл мавжуд, бу бежиз эмас. Инсон бошқа масканларда ишлайди, ўқийди, ижод қилади, маҳаллада эса яшайди. Халқ тили билан айтанда “Бир йигитни билмоқчи бўлсангиз тўю маракада ўтириб, туришини кўринг”.

- *Жамоат ташкилотлари.*
- *Нодавлат, нотижорат жамоалар.*
- *Диний ташкилотлар.*
- *Сиёсий партиялар.*
- *Оммовий ахборот воситалари.*
- *Сиёсий бошқарув тизими ва бошқалар.*

Мафкуравий тарбия шаклланишидаги манбалар:

- ҳаққоний ёритилган халқ тарихи, - ватанпарварлик туйғуси, - сиёсий маданият, - маърифат, - дин, - санъат, - нафосат, - ахлоқ, - фалсафа, - табиат, - қадрият, - она тили, - халқ оғзаки ижоди, - тасаввуф таълимоти - бадий адабиёт, - халқ байрамлари, - Конституция, - Ўзаро мулоқат маданияти, - Шахсий маълумот, - Кадрлар ва бошқалар.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мафкуравий ишлар умумхалқ, умумдавлат ишидир.

Мафкуравий тарбиянинг асосий мақсади халқимизнинг бугунги ва келгусидаги манфаатларини ифодаловчи энг сара ва энг соғлом ғояларни ёш авлоднинг онги ва қалбига сингдиришга қаратилган. Мафкуравий тарғибот ишларининг муваффақиятини қуйидаги қонунлар белгилайди:

-бошқаларни бирон бир ғояга ишонтирмақ учун, аввало, унинг илмий, ҳаётийлигига ўзинг юракдан ишонмоғинг шарт;

-бошқаларни ёндирмақ учун ўзинг ҳам ёнишинг керак;

-бошқаларни ғафлат уйқусидан уйғотмақ учун ўзинг уйғоқ ва бедор бўлишининг шарт. Ана шундагина тарғибот қилаётган ғоянг бунёдкор кучга айланади.

*Миллий истиқлол ғоясини халқимиз онгига сингдириш омиллари ва воситалари.*

Ўзбекистонда мафкуравий жараёнларни ташкил этишнинг устувор йўналишлари қуйидагилардан иборат:

• белгиланган тадбирларнинг юқори даражада уюшқоқлик билан ўтказилишини таъминлаш;

• миллий истиқлол ғоясининг тарғиботи сифатини мунтазам ошириб бориш;

• давр талабларидан келиб чиққан ҳолда мафкуравий ишларни ташкил этишнинг янги, самарали йўллари излаш;

• бу соҳада эски услубларнинг мутлақлаштирилишига, андозалаштиришга йўл қўймастик;

• мафкуравий жараёнларни ташкил этишда ижтимоий муҳитни ҳисобга олиш;

• мафкуравий жараёнларни ташкил этишда учрайдиган расмиятчилик ва мажлисбозлик кўринишларига барҳам бериш;

• мафкуравий фаолиятнинг қанчалик самарали олиб борилаётганини билиш мақсадида унинг мониторингини ташкил этиш.

Миллий ғоянинг тарғибот-ташвиқотини ташкил этишда қуйидаги ташкилий тамойилларга амал қилиниши мақсадга мувофиқ:

- *кенг қамровлилик*, бунда жамиятнинг барча аъзоларига ғоялар хилма-хиллиги асосида мафкурани сингдириш, бу жараёнда аҳолининг барча қатламларини қамраб олиш назарда тутилади.

-узлуксизлик - миллий истиқлол ғояси тарғиботининг маконда ва замонда доимийлигини, унинг яхлит тизим шаклига келтирилишини англатади.

-кетма-кетлик - ҳар бир босқич учун тараққиёт ва инсон камолотига хизмат қиладиган кадриятларни сингдириш мақсадида мафкуравий ташвиқот режалаштирилади;

-босқичма-босқичлик - миллий мафкурани тарғиб қилишнинг руҳий жиҳатлари билан боғ-лиқ бўлиб, ҳам тарғиб қилувчи, ҳам қабул қилувчининг муайян тайёргарлик босқичларидан ўти-шини тақозо қилади.

-меъёрийлик - аксилтарғиботни келтириб чиқарадиган, ҳаётдан узилиб қолишга олиб келадиган баландпарвозлик, расмиятчилик ва такрорланишларга йўл қўймайди;

-шахсий ибрат - миллий ғояни тарғиб қилишда муваффақиятни таъминлайдиган муҳим омиллардан бири.

-илгор тарғибот-ташвиқот технологияларидан фойдаланиш - бунда ғоявий тарғиботга инсонларни моҳирона бошқариш усули сифатида қаралади. Миллий истиқлол ғоясининг тарғибо-и қотиб қолган нарса эмас, фаол жараёндир. Мақсадга эришиш учун тарғиботнинг фаол шаклларида, замонавий технологиялардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Ёшлар орасида тарғибот олиб борилганда мунозара, баҳс, давра суҳбати каби шакллардан оқилона фойдаланилса мақсадга тезроқ ва тўлароқ эришиш мумкин. Ёшларнинг физиологик ва руҳий хусусиятлари ваъз ва маърузаларни эмас, кўпроқ интерактив усуллар ва санаб ўтилган тарғибот шаклларида фойдаланишни тақозо қилади.

### 3

Биз қуйида ўқитиш жараёнида қўллаш мумкин бўлган баъзи бир тренингларга (технологияларга) тавсиянома бериб, баъзиларини ўтказиш тартиби тўғрисида методик тавсиянома бериб ўтамиз:

**“Тармоқлар”** методи – ўқувчи-талабани мантиқий фикрлаш, умумий фикр доирасини кенгайтириш, мустақил равишда адабиётлардан фойдаланишни ўрганшга қаратилган.

**“3x4”** методи – ўқувчи-талабаларни эркин фикрлаши, кенг доирада турли ғояларни бера олиши, таълим жараёнида якка, кичик гуруҳ ҳолда таҳлил этиб, хулоса чиқара олиши таъриф бера олишига қаратилган.

**“Блиц-ўйин”** методида ҳаракатлар кетма-кетлигини тўғри ташкил этишга, мантиқий фикрлашга ўрганилаётган предмети асосида кўп, хилма-хил фикрлардан, маълумотлардан керагини танлаб олишни ўргатишга қаратилган.

**“Интервью”** технологиясида ўқувчи-талаба савол бериш, эшита олиш, саволни тўғри беришга қаратилган.

“**Иерархия**” технологияси оддийдан мураккабга, мураккабдан оддийга ўтиш усулларини қўллашни уларни мантикий, танқидий, ижодий фикрлашга, ўргатишга қаратилган.

“**Бумеранг**” технологияси ўқувчини дарс жараёнида дарсдан ташқари турли адабиётлар, матнлар билан ишлаш, ўрганилган материални ёдда сақлаб қолиш, фикрини эркин холда баён эта олиш ҳамда бир дарс давомида барча ўқувчиларни баҳолай олишга қаратилган.

“**Талаба**” трейнинг ўқувчи билан индивидуал холда ишлаш ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги тўсиқни йўқ қилишни ўргатишга қаратилган.

“**Ўқитувчи шахси**” трейнинги ўқувчининг инновацион фаолиятини очиб берувчи ўқитувчи шахсига қўйиладиган талаблар мавзусидаги мустақил фикрлашга, ижодий иншолар орқали фикрларини баён қилишга қаратилган.

“**Мулоқот**” ўқитувчиларни аудиторияда диққатини ўзига жалб қилиш, дарс жараёнида ҳамкорликда фаолият кўрсатишга, уни ташкил этишни ўргатишга қаратилган.

“**Бошқарув**” технологияси ўқитувчиларни аудиторияни бошқаришдаги усуллари ҳамда ўқувчини иш жараёнида бошқариш усуллари билан таништирувчи ва шунга ўргатишга қаратилган.

#### **Тармоқлар методи (кластер).**

Фикрларнинг тармокланиши – бу педагогик стратегия бўлиб, у ўқувчиларни бирон бир мавзунини чуқур ўрганишларига ёрдам бериб, ўқувчиларни мавзуга оид тушунчаларини, аниқ фикрини эркин ва очик равишда кетма-кетлик билан узвий боғланган холда тармоқлашларига ўргатади.

Бу метод бирон мавзунини чуқур ўрганишдан аввал ўқувчиларнинг фикрлаш фаолиятини жадаллаштириш ҳамда кенгайтириш учун хизмат қилиши мумкин.

#### **ФСМУ технологияси**

(ф) – фикрингизни баён этинг

(с) – фикрингиз баёнига бирон сабаб кўрсатинг

(м) – кўрсатилган сабабни исботловчи мисол келтиринг

(у) – фикрингизни умумлаштиринг

**Ақлий хужум** – гурухлараро ишларда қўлланиладиган кўплаб ғояларни ишлаб чиқиш мумкин бўлган мутоддир. Бу талабаларни ўқув жараёнида фаол иштирок этишлари турли ғояларни баён қилиш чоғида бошқаларни ҳам кизгин ишга чорлашлари илхом билан ишлашларига имкон берувчи ва уни рағбатлантирувчи методдир.

Ақлий хужум шунинг учун ҳам фаоллаштиришнинг муҳим усулики, унда танҳо ишлаш мумкин эмас, биргина ғоя гурухнинг барча иштирокчиларини бир хилда ўзига тортиб олади.

Таълим бир каторда мазкур метод тарбиявий характердаги катор вазифаларни амалга ошириш имконини беради.

- жамоа билан ишлаш махорати;
- муомилалик;
- хушфеъллик;
- кўникувчанлик;
- ўзгалар фикрига ҳурмат;
- фаоллик;
- раҳбарлик сифатларини шакллантириш;
- ишга ижодий ёндошиш;
- ўз фаолиятини самарали бўлишига қизиқиш;
- ўзини холис баҳолаш.

Мафкуравий тарбия – бу инсон онги ва тушунчалари тизимида ҳаёт ҳақидаги, фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий, диний, эстетик, ахлоқий, бадиий, касбий қарашларни мақсадли шакллантириш жараёнидир. Бу мафкуравий тарбиянинг моҳиятини ташкил этади.

Мафкуравий тарбиянинг мақсади эса – жамиятнинг ҳар бир аъзоси ва улар тимсолида ҳар бир ижтимоий қатлам, гуруҳнинг тарбиявий даражасини таъминлашдан иборатдир.

Мафкуравий тарбиянинг негизини ғоявий тарбия ташкил этади. Ғоявий тарбия эса, миллий мафкурамизнинг ғоялар тизимида асосланади. Бу жараёнда “Ўзбекистон-келажаги буюк давлат” бош ғояси асосий ўзакни ташкил этади.

Мафкуравий тарбия пировардида ҳар бир кишида мафкуравий онг, мафкуравий дунёқараш ташкил топади.

Мафкуравий онг эса, буюк келажак сари ташланган қадамдир. Президент И.Каримов ибораси билан айтганда – “Ўз ақли, ўз тафаккури, ўз меҳнати, ўз маъсулияти билан онгли тарзда, озод ва ҳур фикрли инсон бўлиб яшайди”.

